

ОЛИМ ДАДАБОЕВ



АМИР ТЕМУР
ҒАРБ АДАБИЁТИДА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ОЛИМ ДАДАБОВ

АМИР ТЕМУР ҒАРБ АДАБИЁТИДА

(монография)



“Usmon Nosir media”

НАМАНГАН – 2021

УДК: 821.512.133-9

КБК: 84 (5Ўзб)7

Д-12

Дадабоев, Олим

Амир Темур Ғарб адабиётида / монография / Олим Дадабоев; Наманган: Usmon Nosir media, 2021. – 132 б.

КБК: 57.4

Маълумки, буюк тарихий шахслар ҳаёти ҳақида ортиқча эҳтиросга берилиб ёзиш «одати» ҳамма даврлар адабиётига хос хусусият. Бу жиҳат Амир Темур образининг яратилишида ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Мазкур монографияда Ғарб адабиётида Амир Темур ҳақида яратилган асарлар тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима принциплари асосида таҳлил этилган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор
Насимхон Раҳмонов

Такризчилар:

филология фанлари доктори, доцент
Зоҳиджон Содиқов
филология фанлари номзоди, доцент
Қосимжон Сидиқов

Монография Наманган давлат университети Кенгашининг 2021 йил 10 ноябрь куни бўлиб ўтган йиғилишида нашрга тавсия этилган. (Баённома № 11)

ISBN: 978-9943-7739-7-4

© Usmon Nosir Media, 2021

КИРИШ

Жаҳон адабиётида кейинги йилларда тарихга, кўхна меросга, қадимий кадриятларга ва миллатнинг тарихий қаҳрамонларига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Халқ тарихи ва миллат қаҳрамонлари мавзусидаги адабий мерос намуналарининг миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик каби инсоният маънавий оламини ўстиришдаги ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Маълум миллий заминдан ўсиб чиққан Искандар, Пётр Биринчи, киро́л Артур, Амир Темур каби тарихий шахслар жаҳон адабиётининг қаҳрамонлик тимсолига айланди. Турли мамлакатлар адабиётидаги айрим тарихий шахслар образининг асрлар давомида жаҳон халқлари адабиётида кенг ёйилгани адабиётлараро алоқалар билан боғлиқ тадқиқотлар масаласини кун тартибига қўймоқда.

Дунё адабиётшунослигида Амир Темур образининг бадиий адабиётдаги талқини масаласида кўплаб тадқиқотлар олиб борилаётгани алоҳида аҳамиятга моликдир. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам бу борада кўплаб ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Ғарб адабиётида буюк аждодимиз тимсолининг турли кўринишдаги талқинлари мавжуд. Шундай экан, Амир Темур образининг реалистик талқини ёки уни яратишда эпик анъана ва тарихийлик тамойилларига асосланиш каби масалалар тадқиқи соҳанинг устувор йўналишини белгилаб беради.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда кечаётган маънавий тикланиш жараёнида буюк аждодларимиз, хусусан, соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги бадиий ижод намуналарини аниқлаш ҳамда адабий, қиёсий-тарихий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш эҳтиёжи юзага келди. Бундай асарларда акс этган ғоялар ёш авлодни буюк аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялашда муҳим амалий аҳамият касб этади. Зеро, «ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг мафкуравий иммунитетини

мустаҳкамлаш»¹да соҳибқирон Амир Темур ҳақида яратилган тарихий асарларнинг тутган ўрни жуда катта. Амир Темур шахсияти ва унинг жаҳон адабиётида тутган ўрнини тадқиқ этиш зарурияти шу билан изоҳланади.

Шарқшунослик, қолаверса, адабиётшуносликда ва бадиий ижодда ғарб олим ва ижодкорларининг амалга оширган ишлари диққатга сазовор. Улар ҳақиқатан ватанимиз тарихини чуқур ўрганишган, бу ҳақда кўплаб китоблар ёзишганки, буни инкор этиш ёки беписандлик билан муносабатда бўлиш нодонликдан ўзга нарса эмас. Бироқ бугунги кундаги энг долзарб масала ана шу олимларнинг билдирган фикр-қарашларини яна бир бор ўрганиб, ҳақиқатга не даражада мослигини аниқлаштириш, халқимиз тарихи, буюк шахсиятлари ҳақида келтирилган далил ва талқинларнинг қай даражада ҳолис эканини аниқлаш учун илм ва ижод аҳли эҳтиборига ҳавола қилишдан иборатдир.

Ҳаммамизга маълум – XXI аср ахборот асридир. Ҳаттоки, ҳозирги замонда давлатлар ўртасидаги урушлар ҳам ахборот урушига таянган ҳолда олиб борилмоқда. Қадим замонларда бирор мамлакатнинг ҳарбий ва иқтисодий салоҳиятини билиш ва унга жиддий зарар етказиш учун савдогарлардан, миссионерлардан фойдаланилган. Ҳозирги пайтда бу вазифа оммавий ахборот воситаларига, ва айниқса, интернет материалларига юклатилганки, улар жуда осонлик билан ҳар қандай мамлакат “чегара”ларини бузиб кира олади ва халқнинг онгига етарлича таъсир ўтказа билади. Собиқ СССР даврида бундай ёт ғоялардан мамлакат халқини узоқда тутиб туришнинг йўлини жуда яхши билишган, яъни чегаралардан кириб чиқиш жуда қаттиқ назорат остига олинган эди. Бироқ демократик тамойилларга асосланган, хорижий давлатлар билан иқтисодий интеграциялашган Ўзбекистон шароитида бу йўл мақбул вариант эмас.

Уяли алоқа тизими, интернет, телевидение ривожланган бир замонда халқимиз, энг муҳими, ёшларимиз онгини турли ёт ғоялардан ҳимоя қилиш

¹ Мирзиёев.Ш.М. Буюк келажакни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.18

айни куннинг долзарб вазифасидир. Шунингдек, интернет сайтларида ҳамда турли-туман илмий ва адабий-бадий нашрларда буюк аجدодларимиз ҳақида билдирилаётган ғояларга ўз муносабатимизни билдириш, уларга нечоғлик даражада ҳолис ёки бирёқлама баҳо беришаётганини таҳлил ва талқин этиб бориш ҳам бугуннинг энг муҳим масаласидир. Зотан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорида белгиланганидай, “ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш” асосий мақсадларимиздан бири бўлиши керак. Хусусан, интернет саҳифаларини кузатиб борар эканмиз, буюк аждодимиз – соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги кўплаб маълумотларга кўзимиз тушади. Маълум миллий заминдан ўсиб чиққан Дон Жуан, Фауст, Дон Кихот умумевропа ҳаётининг ютуғи бўлганидай, Амир Темур ҳам жаҳон адабиётининг қаҳрамонлик тимсолига айланди.² Айнан интернет саҳифаларида ўқувчилар ғарблик ёзувчи ва олимларнинг Соҳибқирон ҳақида ёзган 500 дан ортиқ бадий ва илмий ишлари билан танишиш имконига эга. Ҳўш, бу манбаларда буюк аждодимиз ҳақида қандай фикр билдирилмоқда? Бу фикрлар тарихий ҳақиқатга мос келадими? Фикрлар ҳолиси ёки бир ёқламами? Мана шу саволларга жавоб топа билсак, биз ўз олдимизга кўйилган мақсадга эриша оламиз. Баъзан мамлакатимиздаги турли илмий журнал ёки газеталарда Амир Темур ҳақида хорижда ёзилган бадий асарлар ҳақидаги мақолаларга кўзимиз тушиб қолади. Муаллифлар унда, буюк бобокалонимиз ҳақида хорижлик ёзувчилар асар яратишмоқда деб ғурурланиб ёзишади. Бир ҳисобдан, уларнинг бу фикрларида мантиқ бор. Зеро ҳамма халқнинг ҳам буюк кишилари ва тарихи ҳақида ҳам ҳамма ижодкорлар китоб ёзишавермайди. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам

² Раҳмонов Н. Тарихий давр манзараси.// “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”газетасиз., 2011 йил, 7 январь

борки, бу кишини бир оз ўйлашга мажбур қилади. Бу – ўша асарлардаги фикр- қарашларнинг холис ёки нохолислиги масаласидир.

Шундай экан, Амир Темури ҳақида хорижда ёзилган ҳар қандай асарни – у , ҳоҳ илмий, ҳоҳ бадиий асар бўлсин – ўрганиб чиқиш, таҳлил этиш ва холислик билан авлодларга етказиш бугунги кун адабиётшунослик фанининг энг долзарб вазифасидир. Қолаверса, Амир Темури ҳақида хорижда яратилган асарлар ҳақида билдирилган фикрларимизни хориж ўқувчиларига ҳам етказиш керак деб ўйлаймиз.

Жаҳон адабиётшунослигида бадиий адабиётда Амир Темури образи талқини масаласи юзасидан бир қанча илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Э.Бартельс, М.Барнет, С.Гринблат, Л.Хопкинз, Т.Пирс, С.Шеферд, У.Зундер, Р.Уилсон, Р.Сэйлс, Ч.Никол, П.Кохер, Т.Хейли каби адабиётшуносларнинг³ ишларида Кристофер Марлонинг «Буюк Темури» драмасидаги Амир Темури образи ҳақидаги қарашлари ўз аксини топган. Аммо бу тадқиқотларнинг аксариятида далил ва воқеалар кўпинча европоцентризм нуқтаи назаридан талқин қилинган.

Амир Темурининг хориж адабиётида яратилган образи талқини масаласи Ўзбекистонда илк бор Ҳ.Кароматов томонидан тадқиқ этилган⁴. Тадқиқотда инглиз ёзувчиси Кристофер Марлонинг «Буюк Темури» драмаси аслияти ва ўзбекча таржимаси ўзаро қиёслаб ўрганилган. М.Ҳамроевнинг диссертациясида эса Амир Темури сиймоси орқали тарихий шахс характерини бадиий насрда акс эттириш муаммолари тадқиқ этилган. Бу ишида тадқиқотчи инглиз ёзувчиси Хильда Хукхэмнинг «Етти иқлим султони»

³ Bartels, Emily C. Spectacles of Strangeness: Imperialism, Alienation and Marlowe. – Philadelphia: U of Pennsylvania P, 1993. – 324 p; Burnett, Mark Thornton. Tamburlaine: An Elizabethan Vagabond // Studies in Philology, 1987. №94. – P. 34-47; Greenblatt, Stephen. Marlowe and the Will to Absolute Play. – Chicago: U of Chicago P, 1980. – 268 p; Hopkins, Lisa. Dead shepherd, now I find thy saw of might: «Tamburlaine» and the uses of Pastoral // Research Opportunities in Renaissance Drama. 1996. №35. – P.1-16; Pearce, T.M. Tamburlaine's «Discipline to his Three Sonnes»: An Interpretation of «Tamburlaine», Part II // Modern Language Quarterly. 1954. №15. – P.18-27; Shepherd, Simon. Marlowe and the Politics of Elizabethan Theatre. – Brighton: 1986. – 187 p; Zunder, William. Elizabethan Marlowe. – Hull:Unity P, 1994. – 146 p; Wilson, Richard. Visible Bullets: Tamburlaine the Great and Ivan the Terrible // English Literary History. 1995. №62. – P.34-47; Sales, Roger. Christopher Marlowe. – Basingstoke: 1991. – 241 p; Nicholl, Charles. The Reckoning: The Murder of Christopher Marlowe. – London: Jonathan Cape, 1992. – 126 p; Kocher, Paul H. Marlowe's Art of War // Studies in Philology. 1942. № 39. – P. 24-37; Healy, Thomas. Christopher Marlowe. – Plymouth: Northcote House, 1994. – 251 p.

⁴ Караматов Х. Истоки, оригинал и узбекский перевод трагедии Кристофера Марло «Тамерлан Великий». Дис. канд. фил. наук. Академия наук УзССР. – Т., 1990. – 132 с.

романига ҳам мурожаат этган ва инглиз адабиётида Амир Темур образининг қанчалик ҳаққоний ёритилганини далиллаш учун қиёсий объект сифатида мазкур асарга мурожаат этган⁵. Профессор М.Холбеков⁶ ўз ишларида К.Марло ижодига чуқурроқ назар ташлайди ва драматург ижодининг ўзбек адабиётида ўрганилиши ҳақида изчил маълумотлар беради. Яна бир ўзбек олими Б.Эрматов эса Амир Темурнинг Ғарб адабиётшунослигида ўрганилиши ва образи талқини хусусида тадқиқот олиб борди⁷.

Биз мазкур ишимизда хориж адабиётида Амир Темур образини яратиш йўлида тарихий манбаларга ижодкорларнинг қай даражада далилларга асослангани ва ҳолис муносабатда бўлганларини ҳаққонийлик позициясидан туриб таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

⁵ Ҳамраева М.А. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин (насрий асарларда Амир Темур образи): Филол. фан. ном. дис. автореф. –Т., 2010. – 22 б.

⁶ Холбеков М. Марло ва Шекспир: икки адиб тақдири //Хорижий филология. 2014 й. №1 – Б. 78-86.

⁷ Эрматов Б. Амир Темур ғарбий Европа адиблари нигоҳида. Рисола. – Тошкент: Университет нашриёти, 2017. – 148 б.

ҒАРБ ТАРИХИЙ-АДАБИЙ КОНЕКСТИДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Албатта, бу ўринда гап бадиий асарлар ҳақида эмас, балки турли солномалар, кундалик ва эсдаликлар шаклидаги асарлар ҳақида боради. Зеро, Амир Темур ҳақида илк бор ёзилган асарлар бадиияти жиҳатдан ҳозирги тарихий роман ёки ҳикоя жанри талабларидан анча йироқ бўлган. Гарчи Амир Темур ҳаётига бағишлаб ёзилган асарлар аввал Шарқда пайдо бўлган бўлса-да, айти пайтда биз улар ҳақида сўз юритмоқчи эмасмиз. Сабаби бу манбалар, уларнинг мазмун-моҳияти ўзбек китобхонларига жуда яхши танишдир. Қолаверса, ҳозирги пайтда Ғиёсиддин Алининг “Ғазовоти Ҳиндистон”. Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ат-таворих”, Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” асарларидан беҳабар ўзбек китобхони бўлмаса керак. Бироқ шундай бўлса-да, тадқиқот жараёнида ўзаро қиёслаш учун ёки маълум бир тарихий воқеалар, далилларга аниқлик киритиш учун бу тарихий манбаларга мурожаат қиламиз.

Ғарб адабиётида тарихий шахс Амир Темур образига қизиқиш XV асрнинг биринчи чорагида бошланди. Гарчи Амир Темур ҳақидаги илк Шарқ манбалари унинг ҳаётлиги даврида ёзилган бўлса-да, бу манбалардан европаликларнинг хабардор бўлиши учун салкам уч аср кетди. Бироқ шарқлик буюк ҳукмдор ҳақидаги хабар Европа бўйлаб яшин тезлигида тарқалган, уларни ҳам хурсанд қилган, ҳам қўрқувга солган бу инсон ҳақида миш-мишлар ҳамма ерда асосий мавзу ҳисобланган. У ҳақда кўпроқ билишни, ҳаттоки Европа давлатлари ҳукмдорлари ҳам хоҳлашарди. Шунинг натижасида Европада XV асрда Шарқ манбаларидан мустақил равишда Амир Темур ҳақидаги маълумотлар берила бошланди. Бу манбалар XVIII асрга қадар Ғарб адабий контекстида Соҳибқирон образининг шаклланишида жуда катта роль ўйнади. Шу боис Европа адабиётида ва тарихида Амир Темур ҳақида айтилган фикрлар мавжуд бўлган асарларга қисқача шарҳ беришни лозим топдик.

Европада Амир Темур шахси ҳақида илк бор маълумот келтирилган манба Йоханн де Галонифонтибус қаламига мансуб брошюрадир.⁸ У 1403 йилда ёзилган. Йоханн де Галонифонтибус доминиканлик рухоний бўлиб, 1377 йилда Жанубий Кавказдаги Нахичеван вилоятига епископ этиб тайинланган. 1398 йил августида у Султония архиепископи этиб тайинланган. Шундан бошлаб Йоханн де Галонифонтибус Султониялик Жан деган исмни олган. Амир Темур 1402 йилда Анкара жангида Усмонли турклар устидан ғалаба қозонгандан сўнг, уни Европага, хусусан, Венеция, Генуя, Лондон ва Парижга ўз ғалабаси ҳақида хабар етказиш учун элчи қилиб жўнатади.

Йоханн де Галонифонтибус ҳақида кўп маълумотлар сақланиб қолмаган. 1894 йили *Bibliothèque de l'école des chartes* журналида европалик олим Ҳенри Моранвилнинг бир мақоласи чоп этилади.⁹ Ана шу мақолада Ҳенри Моранвиль Йоханн де Галонифонтибус ва унинг Европага Амир Темурдан хат олиб келгани ҳақида маълумот берган. Бироқ Моранвиль ҳам унинг қайси миллатга мансублиги, қачон ва қаерда туғилгани ҳақида аниқ бир фикр айта олмайди. Аммо Моранвиль мақола сўнгида Йоханн де Галонифонтибус томонидан 1403 йилда ёзилган французча бир брошюрани келтириб ўтади. Моранвилнинг фикрича, Йоханн де Галонифонтибус бу брошюрани Францияга келганида ёзган бўлиб, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишлаган. Брошюра 23 қисмдан иборат.

Европада Амир Темур ҳаёти ҳақида хабар берувчи илк манбалардан яна бири бу – Руи Гонсалес Клавихонинг “*Vida y hazanas del gran Tamorlan*”¹⁰ (Темур ҳаёти) асаридир. Клавихонинг таваллуд йили ҳақида манбаларда маълумот йўқ. Унинг вафот йили эса 1412 йил. Маълумки, Клавихо 1403-1406 йилларда Осиёга сафар қилади. Ва ана шу сафар натижаси ўлароқ унинг Амир Темур ҳақидаги кундаликлари китоб холида яратилади.

⁸ Бу ҳақда қаранг: Moranville Henri. Memoire sur Tamerlan et sa cour par un dominicain, en 1403. . In: Bibliothèque de l'école des chartes. 1894, tome 55. pp. 433-464.

⁹ Moranville Henri. Memoire sur Tamerlan et sa cour par un dominicain, en 1403. . In: Bibliothèque de l'école des chartes. 1894, tome 55. pp. 433-464.

¹⁰ Ruy Gonzalez de Clavijo. Vida y hazanas del gran Tamorlan. Mss.18050. Biblioteca nacional de Espana.

Ғарб адабиётшуносларининг фикрича, Уйғониш даври Европасида Амир Темур шахсига қизиқиш кучли бўлишига қарамасдан, кейинги давр адабиётларида Клавихонинг кундаликларидан кенг фойдаланилмаган.¹¹ XVII-XIX асрларга келибгина олимлар Клавихо кундаликларига жиддий қизиқа бошладилар.

Клавихо кундаликларига қадар испан адабиёти бор-йўғи балладалар ва бир неча тарихий хроникалардан иборат эди, холос. Шунинг эътиборига оладиган бўлсак, Руи Гонсалес Клавихонинг Амир Темур ҳақидаги кундаликлари испан адабиётига анча салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган. Испан адабиётини бунчалик юқори даражага олиб чиққан бирорта ижодкор ҳали пайдо бўлмаган, ёки бирон-бир испаниялик ҳали бу даражада саёҳат кундаликлари ёзмаган эди. Демак, Клавихо ўз кундаликларини ёзган пайтда ҳали испан адабиёти илк босқичда бўлиб, у қолдирган бу ёзма манба испан адабиёти учун жуда ҳам муҳим. Тарихий жиҳатдан унинг муҳимлиги шундаки, кундаликда ўша даврнинг энг буюк ҳукмдори – Амир Темур ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган бўлса, муаллифнинг кўрган-кечирганлари ҳақидаги воқеалар тасвирининг илмий аҳамияти Марко Поло ва Жон Мендевилъникидан кам эмасди. Зеро, Клавихо Испаниядан Самарқандгача бўлган масофада кўрган ҳамма нарсани – бинолар, иншоотлар, қалъалар, рельеф, одамларнинг кундалик турмуш тарзи, урф-одатлари, буюк кишилар ва ҳоказолар ҳақида батафсил маълумот ёзиб қолдиришга ҳаракат қилган. Бир сўз билан айтганда, Клавихо ўша давр Европаси учун Шарқ ҳақидаги энг муҳим маълумотларни ёзиб қолдирган эди.

Бу асар билан ўзбек китобхонлари профессор Очил Тоғоев таржимаси орқали яхши танишдирлар. Асарда Клавихонинг Амир Темур шахсига оид тасвирларида гоҳ ҳаққоний, гоҳ ҳақиқатдан узоқлашиш ҳолатлари кузатилади. Клавихонинг кундаликлари, гарчи бадиий асар бўлмаса ҳам

¹¹ U. Ellis-Fermor, ed., *Tamburlane the Great*, London, 1930. P.17

кизиқарли воқеаларнинг ҳам киритилгани диққатга сазовордир ва бу уни бадиий асарга яқинлаштиради.

Клавихонинг бу асари кейинги давр ёзувчилари учун Амир Темур ҳақида ҳужжатли асарлар, илмий ишлар ва тарихий романлар ёзишда керакли манбалардан бири бўлиб хизмат қилаётгани билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, Клавихо ўз асарида қуйидаги бир воқеани ҳикоя қилади: Кейинги куни Темурбек ўз қўшини билан дарё ёқалаб юқорилай бошлади. Татар султони ҳам дарёнинг нариги қирғоғида унинг қарама қаршисида юқорилай бошлади. Темурбек қаерда тўхтаса, Тўхтамиш ҳам дарёнинг нариги қирғоғида ўша ерда тўхтарди. Шу ахволда улар уч кун йўл босишди. Учинчи куни тунда Темурбек қўшиндаги жангчилар аёлларига эркак кишига ўхшатиб дубулғалар кийдиришни, жангчиларнинг ҳар бирига эса иккитадан от олиб ортидан юришни буюрди. Қароргоҳ қандай қурилган бўлса, шундайлигича қолдирилди. У ерда дубулға кийган аёллар, қул ва асирларгина қолдирилди. Темурбек эса қўшини билан уч кун олдин ўзи тарк этган кечув томон от солди. Тонг отарда у қўшин билан Тўхтамиш қўшинига хужум қилиб, уни мағлуб этди. Тўхтамиш эса қочиб қолди.¹² Худди шу ривоятдан ёзувчи Муҳаммад Али ўзининг “Улуғ салтанат” тарихий романида фойдаланади.¹³ Маълумот учун шуни айтиш керакки, бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий ва Муиниддин Натанзий асарларида ҳеч бир маълумот йўқ. Шунингдек, Клавихо асарида Мироншоҳ Мирзонинг Озарбайжонда ўз гуноҳига иқрор бўлиб, бўйнига арқон солиб Амир Темурга пешвоз чиққани, Амир Темур салтанатида йўлга қўйилган чопарлар хизмати, Самарқанд бозорларида товар нархини ноҳақ кўтарганларни суд қилиш ҳақидаги ҳикоялари бор.¹⁴ Бу ҳикоялардан озарбайжонлик ёзувчи Юнус Ўғуз

¹² Рюи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура въ Самаркандъ. Санктпетербург, 1881. 339-340- бетлар.

¹³ Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Тетралогиа. Учинчи китоб. “Мироншоҳ Мирзо” – Т.: “Шарк”, 2010. 341-342 бетлар

¹⁴ Рюи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура въ Самаркандъ. Санктпетербург, 1881. 188-бет. 200-201-бетлар. 284-бет.

Ўзининг “Амир Темур” тарихий романида фойдаланган.¹⁵ Бундан ташқари Клавихо ўз асарида Самарқанддаги Амир Темур саройи, унинг боғлари, сарой ҳаёти ҳақида кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирган.¹⁶ У қолдирган ана шу маълумотлар ҳам Амир Темур ва темурийлар даври ҳақидаги асарларнинг яратилишида Ғарб ва Шарқ ёзувчилари учун муҳим манбалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбек ёзувчиларидан Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат”и, Шаҳодат Исахонованинг “Турон маликалари” тарихий романларида Клавихонинг ана шу боғ тасвирларидан фойдаланганлар. Ғарблик шарқшунослар – Ҳарольд Лэмб, Жан Поль Ру, Жастин Мароцциларнинг, ўзбек ёзувчилари Пиримқул Қодиров, Поён Равшановларнинг ҳужжатли романларида Самарқанд шаҳри, Амир Темур саройи ҳаёти тасвирида, қолаверса, Амир Темур давлатининг тузилиши ва ундаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни тасвирлашда Клавихонинг асари катта манба сифатида хизмат қилган. Умуман олганда, Клавихо қолдирган маълумотлар ўзининг бетакрорлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Яна бир илк манба бу – Берtrandо де Мигнанеллининг “Vita Tamerlani”¹⁷ асаридир. Берtrandо Мигнанелли 1370 йилда Италиянинг Сиена шаҳрида таваллуд топган. Унинг вафот йили 1455-1460 йиллар деб тахмин қилинади. Саёҳатга қизиққан ва кўп тилларни билган италиялик бу савдогар XV аср бошларида Дамашқда яшаган ва у Амир Темур ҳақида латин тилида ёзилган илк китоб муаллифидир. Берtrandо Мигнанелли ёш йигитлик чоғидаёқ Сиенани тарк этади ва Ўрта Шарқ бўйлаб саёҳат қилади. Кейинчалик Дамашқ шаҳрида қўним топиб, шу ерда савдогарчилик билан шуғулланади. Гарчи баъзи манбаларда унинг католик руҳонийси бўлганлиги ҳақида айтилса-да, унинг ижодий фаолиятида диний мавзуларга қизиқиш сезилмайди.

¹⁵ Юнус Ўғуз. Амир Темур. Таржимон У.Қўчқор. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. 284-300-бетлар. 47-бет.26-33-бетлар.

¹⁶ Рюи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура въ Самаркандъ. Санктпетербург, 1881. 247-262-бетлар.

¹⁷ Bertrando de Mignanelli. Vita Tamerlani. (The text has been published by Stephanus Baluzius in Miscellanea. Luca, 1764. pp.134-141.)

Бертрандо Мигнанелли Миср мамлуклар ҳукмдори Султон Барқук (1382-1399 йилларда ҳукмронлик қилган) билан шахсан таниш бўлган ва араб тилини жуда яхши билган. Италияга қайтганидан сўнг, 1416 йилда Султон Барқук ҳаёти ҳақида китоб ёзади. Худди шу йили Мигнанеллининг Амир Темурнинг 1400-1401 йилларда Сурияда олиб борган ҳарбий юришлари ҳақида ёзилган китоби ҳам чиқади. Асар “Vita Tamerlani”, яъни “Темур ҳаёти” деб номланган.

Дамашқ 1400 йилда Амир Темур томонидан қамал қилинган пайтда Мигнанелли Қуддусда эди. Дамашқнинг ишғол этилганини у шу ерда эшитади ва Султон Фароҳнинг кўшини билан Қоҳирага, кейинроқ эса Александрияга келади. Орадан бир қанча вақт ўтгач, у яна Қоҳирага қайтади ва 1402 йилда Кипр орқали Дамашққа келади. Бу пайтда Амир Темур кўшинлари шаҳарни тарқ этган эди. Дамашқда у Султон Йилдирим Боязид ва Амир Темур ўртасидаги Анқара жанги ва Смирнанинг ишғол этилиши воқеалари ҳақида эшитади.

Араб тилини яхши билган Мигнанелли Сурияда, Мисрда кўп вақт давлат даражасида таржимонлик ишлари билан шуғулланади. Кейинчалик у ўз она юрти Сиенага қайтиб келади. 1416 йилда Германиянинг Констанс шаҳарчасида дўстларининг маслаҳати билан адабий ижодини бошлайди. Шу йилнинг ўзида у “Vita Tamerlani” (Темур ҳаёти) номли трактатини ёзади. Асар, асосан, Дамашқнинг Амир Темур томонидан ишғол этилганлиги ҳақидаги воқеаларни қамраб олган. “Vita Tamerlani” асарининг иккита кўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, бири Австриянинг Вена шаҳрида¹⁸, иккинчиси Италиянинг Сиена шаҳри кутубхонасида сақланади.¹⁹ Бу китобнинг яна бир номи “Ruina Damaschi” (Дамашқнинг вайрон этилиши) деб юритилади.

Китобни ёзишда Мигнанеллини бирон бир асардан фойдаланган деб айтиш қийин. Тахминимизча, у форсийда, арабчада ва ёки бошқа тилда Амир

¹⁸ Österreichische National-Bibliothek. MS. 557.

¹⁹ Biblioteca Comunale degli Intronati in Siena. MS. XVI.

Темурнинг Дамашқда олиб борган ҳаракатлари ҳақида ёзилган тарихий асарлардан фойдаланмаган. Воқеаларни ўз кўзи билан кўрмаган Мигнанелли одамлардан оғзаки тарзда эшитганларига асосланган ҳолда ўз асарини ёзади. Бу ҳақда муаллифнинг турли ўринларда билдирган фикрлари ҳам гувоҳлик беради.

Ҳар қанча нуқсонли бўлса ҳам Мигнанеллининг “Vita Tamerlani” китоби Европада Амир Темур ҳақида латин тилида сақланиб қолган илк асардир. Бироқ бу китоб узоқ вақт тарихчилар назаридан четда қолиб келган. Шунинг учун кўпчилик тадқиқотларда у эсга олинмаган. Масалан, М.Дегенхарт ўзининг “Ғарбий Европа адабиётида Темур”²⁰ асарида Мигнанеллининг бу китобини умуман эсламайди.

Мигнанеллининг бу асарини Калифорния университети профессори Валтер Жозеф Фишел ўрганиб чиқиб, инглиз тилига таржима қилган. Таржимон томонидан кириш сўзи қўшилган бу асар “A new source on Tamerlane’s conquest of Damascus (1400/1401): (B. de Mignanelli “Vita Tamerlani” 1416) сарлавҳаси остида 1956 йил “Oriens” журналида нашр этилган.²¹

Темурийлар даври ҳақида маълумот берувчи илк манбалардан яна бири Йохан Ханс Шилтбергернинг “Reisebuch” (Саёҳатлар кундалиги) асаридир.²² 1380-1440 йилларда яшаб ижод этган бу немис сайёҳи ва ёзувчиси Мюнхендан унча олис бўлмаган Ҳоллерн шаҳарчасида туғилган. Шилтбергер 1394 йилда Венгрия қироли Сигизмунд қўл остида венгер frontiда усмонли туркларга қарши жанг қилиш учун кетади. 1396 йилда Никополисда бўлган жангда у яраланади ва асирга тушади. 1396-1402 йилларда Султон Боязидга хизмат қилади. Бу даврда турк қўшини сафида Кичик Осиё ва Мисрга боради. 1402 йилда Анқара жангида Султон Боязид енгилгач, Шилтбергер Амир Темур хизматига ўтади. Шундан кейин у қўшин таркибида

²⁰ Degenhart.M. Tamerlan in der Literatur des westlichen Europas. Braunschweig, 1909.

²¹ Oriens. Vol. 9, No 2 (Dec 31, 1956), pp. 201-232.

²² Hans, Schiltberger. Reisen des Johannes Schiltberger aus munchen Europa, Asia und Afrika von 1394 bis 1427. Munchen, 1859.

Арманистон, Грузия ва Самарқандга келади. Амир Темур вафотидан сўнг Шилтбергер Шоҳруҳ Мирзо қўли остида, кейинчалик эса Мироншоҳ Мирзо қўл остида хизмат қилади. Мироншоҳ Мирзодан кейин у Абу Бакр хизматида бўлади. Шилтбергер 1427 йилдагина ватанига қайтишга муваффақ бўлади ва герцог Алберт II саройида камергер (юқори лавозимдаги сарой аъёнларининг унвонларидан бири) бўлиб ишлайди.

Унинг “Саёҳатлар кундалиги”дан ўша давр Шарқида оид маълумотлар, ўз бошидан кечирганлари, шунингдек, ўзи борган жойлардаги ерли халқнинг яшаш тарзи, урф-одатлари ҳақидаги таассуротлари жой олган. Шилтбергер асари XV аср охиридан то XIX асрнинг ярмигача 19 марта нашр этилган. Шундан кўриниб турибдики, Шилтбергернинг Шарқ мамлакатлари ҳақидаги маълумотларига Германияда катта қизиқиш билан қараганлар ва жуда кенг тарқалган.

Шилтбергернинг “Саёҳат кундалиги” 1879 йили Ж.Телфер томонидан инглиз тилига таржима қилинган ва Лондонда нашр этилган.²³ Ж.Телфер таржима жараёнида асосан 1859 йилда Карл Фридрих Ньюман чоп этган Ҳайделберг нусхасига²⁴ асосланади. Инглиз тилига илк марта ўгирилган бу китоб “Йоҳан Шилтбергернинг қуллиқдаги саёҳати” номи остида чоп этилган. Ж.Телфер китоб сўзбошида Йоҳан Шилтбергер асарининг кўлёзма ва нашр нусхалари ҳақида қўплаб маълумотлар берган.

Европа ёзувчилари асарларида Шилтбергернинг “Саёҳат кундалиги”га мурожаат қилингани ва бу асарга яхши баҳо берилгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Хусусан, Ленклевиус, Ж.Форстер, М.Спренгел, Ҳ.Мюррей, Ҳаммер, Шайгер, Вивьен де Сейнт-Мартин, Фолмераер, Д’Евзак, Бруун ва Юл каби тарихчилар Шилтбергер қолдирган бу ёзма ёдгорликка юқори баҳо берганлар.²⁵

²³ Schiltberger, Johann. Bondage and travels of Johann Schiltberger, a native of Bavaria, in Europe, Asia and Africa, 1396-1427. trans. By J.Buchan Telfer. London, 1879.

²⁴ Hans, Schiltberger. Reisen des Johannes Schiltberger aus munchen Europa, Asia und Afrika von 1394 bis 1427. Munchen, 1859.

²⁵ Scheltberger, Johan. Bondage and travels of Johann Schiltberger, a native of Bavaria, in Europe, Asia and Africa, 1396-1427. trans. By J.Buchan Telfer. London, 1879. Introduction. P.XVII.

Аммо асар композицияси ва ундаги маълумотлар тарқоқ, жой номлари ва кишиларнинг исмларини келтиришда маълум бир орфографик қоидаларга амал қилинмаган. Бу каби жузъий камчиликларни кўрган Ж.Телфер, Шильтбергер асарни она ватанига қайтиб келганидан кейин ёзган, деган хулосага келади.²⁶ Тарихий воқеалар рўй берган саналарда ҳам чалкашликларнинг мавжудлиги саёҳат давомида кундалик тутилмаганидан далолатдир ва бу ўз-ўзидан Телфернинг фикрларини тасдиқлайди. Шильтбергер баъзида ўзи ёзган маълумотларни текшириб ҳам кўрмагани, оддий ҳолатларда чалкаш маълумот берганига гувоҳ бўламиз. Масалан, у Боязид хизматида 12 йил, Темур хизматида эса 6 йил бўлганини ёзган.²⁷ Аслида эса Боязид хизматида 1396 йилдан 1402 йигача, Темур хизматида эса 1402-1405 йилларда бўлган, холос. Асарни ўқир эканмиз, муаллиф ўзи кўриб гувоҳ бўлмаган, ўзгалардан эшитган воқеаларини ҳам ишончли далил сифатида баён этганини кўрамиз. Шунинг учун асарда кўплаб маълумотлар чалкаш ҳолда берилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, Шильтбергернинг ёзишича, Амир Темур Йилдирим Боязидни мағлуб этгач, Халаб ва Дамашқ шаҳарларини ишғол қилади.²⁸ Тарихда эса бу воқеа аксинча бўлган. Асарнинг ана шу еридан бошлаб тарихий воқеалар кетма-кетлиги бузилиб кетган. Шильтбергер Дамашқ забт этилгач, Бобил, ундан кейин Ҳиндистоннинг ишғол этилгани воқеаларини баён қилади. Ҳиндистон воқеасидан кейин эса Шильтбергер Исфaxon жанги ҳақида сўзлайди. Шундан кўриниб турибдики, Анқара жангидан бошқа жанглар ҳақида муаллиф ўзгалардан эшитган оғзаки маълумотлар асосида ёзган. Шундай бўлса-да, “Йоҳан Шелтбергернинг куллидаги саёҳати” асари ўз даврида Европа учун Шарқ ҳақидаги муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилди.

Амир Темур ҳақидаги қисқа маълумот Папа Пиус II асарида ҳам қайд этилган. Папа Пиус II нинг асл исми Энеа Силвио Бартоломео Писсолomini,

²⁶ Scheltberger, Johan. Bondage and travels of Johann Schiltberger. Trans. By Telfer. London, 1879. Introduction. P. XVIII.

²⁷ Scheltberger, Johan. Bondage and travels of Johann Schiltberger. Trans. By Telfer. London, 1879. p.30.

²⁸ Scheltberger, Johan. Bondage and travels of Johann Schiltberger. Trans. By Telfer. London, 1879. p.22.

1405 йилнинг октябрида Корсиньяно шаҳрида таваллуд топган. 1458 йилдан то вафотига қадар (1464) Рим Папаси бўлган. Ўз даврининг кўзга кўринган адибларидан биридир. Энеа Силвио Бартоломео Писсолomini 1458-1464 йиллар орасида “*Aesae Europaе elegantissima descriptio*”²⁹ (Осиё ва Европанинг нафис тавсифи) номли трактат ёзган. Асар Амир Темурнинг фаолиятига оид айрим маълумотлар келтирилганлиги билан қимматлидир.

Ана шундай манбалардан яна бири Педро Мексияга тегишли. Испания Уйғониш даврининг гуманист ёзувчиси, тарихчи Педро Мексия (1497-1551) Севильяда таваллуд топган. Унинг энг машҳур асари “*Silva de varia leccion*” (Бир қанча дарслар тўплами)дир³⁰. Асар 1540 йилда ёзилган ва XVI асрда 17 марта нашр этилган. 100 йил ичида асар испан тилида 31 марта, хорижий тилларда эса 71 марта чоп этилган.

Испаниялик Педро Мексия кейинчалик бу асарини дунё олимлари томонидан кўп ва хўп ўрганилишини, тадқиқ этилишини тасаввур ҳам этмаган бўлса керак. Асар 1542 йилда Севильяда нашр этилган, ўз даврининг энг кўп ўқилган ва шунингдек, кўплаб ёзувчиларни илҳомлантирган асар ҳисобланади. Бу китоб қисқа муддатда француз, немис ва италян тилларига таржима қилинган. Жумладан, француз тилига Клод Груэ томонидан таржима қилинган. Асарнинг французчасини ўқиган Томас Фортескю уни инглиз тилига таржима қилди. Бу таржима 1571 йилда Лондонда нашр этилди. Фортескю ўз таржимаси ва бошқа таржималарнинг ҳақиқат эканига гувоҳлик бериб, шундай деган эди: “Шуни биламанки, асар уч тилда мавжуд, биринчи бўлиб Педро Мексия томонидан испан тилида ёзилган, кейинчалик италян тилига ўгирилган ва сўнгра парижлик Клод Груэ томонидан француз тилига таржима қилинган”. Педро Мексиянинг “*Silva de varia leccion*” асари Хуан Кромбергер томонидан нашр этилган бўлиб, муқаддима, кириш, сўз боши ва тўрт қисмдан иборат. Биринчи қисм 6 бобдан, иккинчи қисм 45 бобдан, учинчи қисм 36 бобдан ва тўртинчи қисм эса 22 бобдан иборат. Асар

²⁹ Enea Silvio Bartolomeo Piccolomini. *Aesae Europaе elegantissima descriptio*. Paris, 1534.

³⁰ Pedro Mexia. *Silva de varia leccion*. Madrid, 1673.

энциклопедик характерга эга. Зеро унда ўз даврининг адабиёти, тарихи, географияси ва биологияси каби фанларга доир кўплаб маълумотлар мавжуд. Педро Мексия Амир Темурга бир бобни бағишлаган. Бу боб 9 саҳифадан иборат бўлиб, ўша даврнинг кўплаб бошқа ёзувчилари ўз асарларига ана шу бобдан иқтибослар олганлар. Масалан, Жорж Уэтстоннинг 1586 йилда нашр этилган “English Myrror”³¹ (Инглиз кўзгуси) номли бадиасининг бир боби “Темур салтанатининг пайдо бўлиши” деб номланган бўлиб, келтирилган маълумотлар Педро Мексия асаридаги маълумотлар билан деярли бир хил.

Умуман олганда, XV-XVI асрларда ёзилган бу бадиа жанридаги асарларда бир қанча умумийликлар мавжуд. Биринчидан, юқорида номлари зикр этилган асарлар бошдан охиргача фақат Амир Темурнинг ўзигагина бағишлаб ёзилган деб хулоса чиқариб бўлмайди, чунки айрим муаллифларнинг диққат марказида Европа учун муҳим бўлган Яқин Шарқ ва унга оид маълумотларни жамлаш ва улардан давлат тизимида, ижтимоий ҳаётни соғломлаштиришда фойдаланиш асосий мақсад бўлган эди. Европа ҳаётининг кўп жиҳатларига Шарқнинг таъсири бўлгани шубҳасиз. Айниқса, Амир Темурдай буюк шахсиятнинг ҳаёт тарзи, унинг давлат бошқаруви, жанг усуллари ва бошқа кўп томонлари ўз таъсирини ўтказгани эҳтимолдан узоқ эмас. Яна бошқалари эса буюк тарихий шахслар ҳаётидан ҳикоя қилиш жараёнида йўл-йўлакай Соҳибқирон образига тўхталганлар. Қолганлари эса, хусусан Клавиҳо ҳамда Шелтбергерлар, Шарқ ва Ўрта Осиёга қилган сафарларини ёритиш жараёнида Амир Темур шахси чқтлаб ўтолмаганлар. Зотан Амир Темур шахсияти Европа муаррихлари ва ижодкорлари учун Шарқ тарихини ёритишда таянч нуқта бўлиб хизмат қилган

Юқорида биз қисқа шарҳлаб ўтган асарлар Амир Темур вафотидан анча кейин, кўп ҳолатларда бошқа шахслардан эшитилган оғзаки маълумотларга, ривоятларга таяниб ёзилган. Масалан, Мигнанелли, гарчи Дамашққа Амир Темур шаҳарни тарк этгандан кейин кўп ўтмай келган бўлса-да, ўз асарини 1416 йилда ёзди. Ўз-ўзидан маълумки, Мигнанелли кўп

³¹ George Whetstone. The English Myrror, London. 1586

ўринларда ўз хотираларига таяниб бировлардан эшитган воқаларни орадан 14 йил ўтгандан кейин ёзди. Шу боис ҳам Амир Темур билан боғлиқ тарихий воқеаларни ёритишда далилларнинг ва воқеаларнинг аниқлиги етишмайди. Ҳаттоки Шелтбергер ҳам ўз асарини ватанига қайтгандан кейин, Амир Темур вафотидан тахминан 18-20 йиллардан кейин ёзган. Шунинг учун унинг китобида тарихий саналар, воқеалар тасвирида чалкашликлар кўп учрайди.

Юқоридаги асарларнинг энг муҳим жиҳатлари шундаки, улар кейинги давр Европа адабиётида Амир Темур образининг шаклланишида катта роль ўйнаган. Хусусан, англиялик драматург Кристофер Марло “Буюк Темур” драмасини ёзишда Педро Мексия, Папа Пиус II ларнинг асарларидан фойдаланган бўлса, Клавихонинг асари кейинги давр Ғарб шарқшунослари ва ёзувчиларига, қолаверса, ўзбек ёзувчиларига ҳам темурийлар даврига оид асарлар ёзишда катта манба бўлиб хизмат қилди. Султониялик Жан, Бертрандо Мигнанелли, Петро Перондинус каби ёзувчиларнинг ҳам Амир Темур ҳақидаги асарлари Ўрта асрлар Европа халқига шарқлик буюк ҳукмдор тўғрисидаги бошланғич маълумотлар беришда муҳим ўрин эгаллайди.

Тўғри, ушбу асарларда ёзувчиларнинг асосий эътибори Амир Темурнинг жанговар қобилияти, саркардалик салоҳияти ва энг асосийси унинг фотиҳлик юришларига қаратилган. Зеро, Европа Амир Темурни айнан жангу жадаллар асосида таниган. Хусусан, Европага Амир Темур шахси Анқара яқинида Боязид билан бўлиб ўтган жанг воқеалари орқали маълум бўлган. Зотан, Анқара жанги ва Амир Темурнинг ғалабаси Европанинг ҳам тақдирини ҳал қилиши мумкинлигини Европа ҳукмдорлари, халқи, айниқса зиёли аҳли жуда яхши сезиб турарди. Шу боисда ҳам Ўрта Осиёнинг бу буюк саркардасини ҳар томонлама билишга уларда катта иштиёқ бўлган. Аммо Соҳибқироннинг мамлакат ичида амалга оширган ишлари ҳақидаги маълумотлар уларга маълум эмас эди. Бироқ шундай бўлса-да, оғзаки маълумотлар асосида яратилган юқоридаги асарлар Ғарбнинг Шарқ ҳақидаги тушунчалари кенгайишида пойдевор вазифасини ўтайди.

Гарчи бу асарлар ўқувчиларга Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий асарлари каби Амир Темур ҳақида тўлиқ маълумотлар бера олмаса-да, шунинг эътиборга олиш керакки, ўз даври Ғарб олами учун Соҳибқирон ҳақидаги улкан аҳамиятга эга маълумотлар арсенали бўлиб хизмат қилган.

ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИ: ЭПИК АНЪАНА ИЗИДАН

Гарчи Ғарб ва Шарқ олами номларида бир-бирига яқинлик сезилса-да, халқларнинг турмуш тарзида, суронларга тўла тарихида, тарихий воқеаларни ўзида мужассам этган адабиётида ҳамиша катта фарқ бўлиб келган. Бу фарқ, албатта, ўз даврида ана шу икки дунёни бир-биридан ажратиб турувчи улкан масофа орқали ифодасини топган бўлса ажаб эмас. Ана шу узоқ масофа – икки халқни бир-биридан ажратиб турувчи қалин парда ортида рўй бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг сирлилиги ҳамиша адабиёт аҳлини ўзига ром қилиб келган. Шарқ адабиёти даҳолари Низомий Ганжавий, Алишер Навоийни ғарблик фотиҳ Александр Македонский шахси илҳомлантирган бўлса, европа адабиётининг буюк намояндалари Кристофер Марло, Чарльз Сандерс ва Николас Роу каби ўз даврининг илғор ижодкорлари ҳам дунёни забт этган осийлик буюк саркарда Амир Темур тарихий шахсини ўз асарлари учун бош қаҳрамон қилиб олишган. Соҳибқироннинг жангу жадаллар ва сир-синоатларга бой ҳаёти ғарблик ёзувчиларнинг бадиий тафаккурларини бойитишда ҳамиша жиддий ва муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келди ва бу жараён мунтазам давом этиб келмоқда.

1402 йилда Амир Темурнинг Туркия султони Йилдирим Боязиднинг икки юз минглик лашкари устидан қозонган оламшумул ғалабаси Европа халқларини истилодан қутқариб, ўз даврида насроний дини маркази бўлган Константинополни Боязидга таслим бўлишдан сақлаб қолди. Натижада жаҳонгир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги тарихий ҳақиқат ҳамда турлитуман афсоналар тарихий-адабий асарлар орқали европаликларнинг ҳам диққатини ўзига тортди.

Амир Темур ҳақида илк бор ёзилган асарлар бадиияти, табиийки ўз давридаги ижтимоий-тарихий шароит ҳамда бадиий-эстетик анъаналар муҳити билан белгиланади. Уларга бугунги кундаги мавжуд адабий-эстетик меъёр ва мезонлар билан ёндашиш тўғри бўлмайди. Гиёсиддин Али,

Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Муиниддин Натанзий каби шарқлик, Йоханн де Галонифонтибус, Руи Гонзалес де Клавихо, Бертррандо де Мигнанелли, Йохан Ханс Шилтбергер каби ғарблик муаррихлар солномалари ана шундай асарлар сирасига киради.

Амир Темурнинг адабиётдаги илк образи эса инглиз драматурги Кристофер Марло томонидан яратилган. Икки қисмдан иборат “Буюк Темур” (Tamburlaine the Great) трагедияси тарихий шахс – Амир Темур ҳақида бўлса-да, Марло бош қаҳрамони афсонавий шаклда тасвирланган. Зеро, эпик анъаналар бадий адабиётнинг турли жанрларига ўз таъсирини ҳануз ўтказиб келар ва бу Марлонинг “Буюк Темур” трагедияси учун ҳам характерли эди. Биз қуйида Амир Темур образи тасвирланган, эпик анъаналар таъсири мавжуд икки асарни – Марлонинг “Буюк Темур” драмасини ва Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” қиссасини қиёсий таҳлил этамиз. Бу асарлар Ғарб ва Шарқ адабиётига тегишли бўлса-да, уларни бирлаштириб турувчи умумий жиҳатлар мавжуддир.

Эпик асарларда бош қаҳрамон ёш, ақлли ва жисмонан бақувват этиб тасвирланган. Асар қаҳрамони, одатда, узоқ ерларга сафарга чиқади, бошидан турли воқеаларни кечиради, синовлардан ўтади, ёш ва гўзал қизларнинг муҳаббатига эришади ва, албатта, давлат ҳукмдорига айланади. Халқ эпосларидаги бу сюжет линиялари бир оз ўзгарган шаклда ўрта асрлар рицарлик поэма ва романларига кириб келди ва халқ эртакларида ҳам турли кўринишларда яшаб қолди.

Марло ҳам ана шу анъанавийлик изидан боради: Амир Темур шахсини тасвирлашда худди эпик асарлардаги каби услубдан фойдаланади:

*Menaphon: Of stature tall, and straightly fashioned,
Like his desire, lift upwards and divine;
So large of limbs, his joints so strongly knit,
Such breadth of shoulders as might mainly bear
Old Atlas' burden; 'twixt his manly pitch,
A pearl more worth than all the world is plac'd,*

*Wherein by curious sovereignty of art
Are fix'd his piercing instruments of sight,
Whose fiery circles bear encompassed
A heaven of heavenly bodies in their spheres,
That guides his steps and actions to the throne
Where honour sits invested royally;
Pale of complexion, wrought in him with passion,
Thirsting with sovereignty and love of arms;
His lofty brows in folds do figure death,
And in their smoothness amity and life;
About them hangs a knot of amber hair,
Wrapped in curls, as fierce Achilles' was,
On which the breath of heaven delights to play,
Making it dance with wanton majesty;
His arms and fingers long and sinewy,
Betokening valour and excess of strength;
In every part proportion'd like the man
Should make the world subdu'd to Tamburlaine. (P I, Act II, Sc I).*

Юқоридаги парчадан кўриниб турибдики, Темурнинг ташқи кўриниши эпик анъаналарига хос равишда тасвирланган. Марло Темурни “баланд бўйли, тик қоматли деб тасвирлайди. Унинг елкалари кенг бўлиб, унда, худди Атлант каби, гўё бутун дунёни кўтариб тура оладигандай, дейди у. Тасвирда узун қўлларининг кучли мушаклари унинг даҳшатли қудратидан дарак беради, тарзида кўрсатилган. Сочлари эса, худди Ахиллесники каби олтинранг. Кўзлари эса ўткир ва сеҳрли. Буларнинг ҳаммаси унинг қудратидан ва дунё ҳукмдори бўлишидан дарак беради”.

Худди эпик қаҳрамонлар сингари Марло Темури қийин синовларни бошидан кечиради, кам сонли қўшини билан мингта суворийни, кейин эса форсларнинг бир неча мингдан иборат қўшинини енгишга муяссар бўлади. У

Миср ҳукмдорини мағлуб этади ва унинг гўзал қизи – Зенократага уйланади ва қироллик тожини кияди.

Марло драмасида воқеалар худди фольклордаги эпик асарларидаги каби ривожланади. Фақат хайратланарли томони шундаки, айрим воқеалар тасвири Амир Темур ҳаётида ҳам содир бўлган тарихий ходисалар билан уйғунлик касб этади. Масалан, драмадаги уч юз кишидан иборат қўшини билан мингдан зиёд қўшинга “дарс” бериш ва душманни қочишга мажбур қилиш эпизоди билан Низомиддин Шомий ёки Шарафиддин Али Яздий асарларидаги тарихий қайдлар бунинг ёрқин далили бўла олади.

Марло тадқиқотчиси А.Парфёнов Темур (Тамерлан) характерида ҳақиқий эпик қаҳрамонга хос бўлган сифатлар етишмайди, деб ёзади. Моҳиятига кўра эпик қаҳрамон халқдан чиққан умумлашма образ ҳисобланиб, ўзи етишиб чиққан муҳитнинг орзу умидлари ва яхши сифатларини ўзида мужассам этади, деб ёзади у³².

А.Парфёновнинг гапида жон бор. Бироқ айрим эпослар мавжудки, уларда бош қаҳрамон айрим ҳолларда халқ манфаатидан кўра ўз манфаатини устун қўйган. Масалан, Кавказ халқлари фольклорига мансуб “Нартлар” эпосида бош қаҳрамон Батразнинг хатти-ҳаракатлари нарт халқининг орзу умидларини рўёбга чиқариш эмас, балки отаси ва онасини ҳақорат этгани учун улардан ўч олишга қаратилган эди. Батраз ҳам эпик қаҳрамон, у афсонавий қудратга эга. Унинг энг муҳим сифати моҳир жангчи эканлигидир. Батраз нарт эпосида қаҳрамон сифатида эмас, балки жангчи сифатида тасвирланган. Унга эпос қаҳрамонларига хос бўлган сифатлар бегона эди³³.

Марло ҳам ўз қаҳрамонини тасвирлашда айнан ана шу йўлдан борган. Аслида Марло юнон-грек мифологиясидан жуда яхши хабардор бўлган. Бу мифларда ярим маъбуд, ярим инсон кўринишидаги қаҳрамонларнинг ҳаммаси ҳам халқ орзу умидларини рўёбга чиқарувчи персонаж бўлмаган.

³² Марло Кристофер. Сочинения. – Москва: Государственное издательство художественной литературы, 1961. Вступительная статья А.Парфёнова. – С.16.

³³ Гасанов Заур. Царские Скифы. – New York: Liberty publishing house, 2002. – С. 98-103.

Гарчи моҳир жангчи, мардлик, олийжаноблик каби хислатларга эга бўлса-да, хамиша оддий халқ ташвишини қилавермаган. Масалан, Ҳомернинг Ахиллеси худди ана шундай тасвирланган³⁴.

Марло драма аввалида форслар ҳукмдори Мисет тасвирида ҳам афсонага мурожаат қилади. Уни укаси Хисрав тилидан Сатурн ва Синтия сайёралари учрашганда туғилган, деб тасвирлайди:

*Now to be rul'd and govern'd by a man
At whose birth-day Cynthia with Saturn join'd,
And Jove, the Sun, and Mercury denied
To shed their influence in his fickle brain! (P I, Act I, Sc I)*

Таржимаси: Энди (бу мамлакат) Синтия ва Сатурн яқинлашуви даврида туғилган киши томонидан бошқарилмоқда. Юпитер ҳам, Қуёш ҳам, Меркурий ҳам унинг ўзгарувчан миясига ўз таъсирини ёғдиришдан бош тортган.

Ўрта асрларда коинот сайёраларининг инсон тақдири билан боғлиқлиги ҳақидаги фанга эътибор катта эди. Айниқса, сайёраларнинг инсон туғилган вақтидаги жойлашуви катта аҳамиятга эга бўлган. Зеро, Сатурн касаллик, заифлик ва ақли ноқисликни олиб келади. Синтия (Ой) эса ўзига ишончсизлик, меланхолия билан боғлиқ тарзда тасаввур қилинган. Шундан келиб чиқиб, Сатурн ва Синтия сайёралари учрашганда туғилган фарзандларнинг ақли ноқис бўлади, деган қарашлар мавжуд бўлган. Марло бу ўринда ана шу ўхшатишдан усталик билан фойдаланади.

Юпитер сайёраси оқиллик ва донолик маъбуди бўлган. Марс эса жангчилар илоҳи эди. Марло Темур образини Юпитер ва Марс билан боғлайди. Бу мутлақо тасодифий эмас. Европача тасаввур адиб учун осийлик қаҳрамоннинг ўткир ақл соҳиби ва шу билан бирга харб ишининг устаси эканига ишора қилади.

Рус адабиётшуноси А.Парфёновнинг таъкидлашича, “Марло Амир Темур ҳаётига оид тарихий ва сохта тарихий(!) маълумотларни

³⁴ Бу ҳақда қаранг: Homer. The Iliad. Translated by Alexander Pope. Flaxman's designs, 1899.

флоренциялик Пьетро Перондинининг “Скифлар императори Буюк Темурланнинг ҳаёти” ва генуялик Баптиста Фрегозо қаламига мансуб “Унутилмас ҳикматлар ва ишлар” деб номланган трактатлардан олган³⁵. “Шунга ўхшаш маълумотни америкалик ёзувчи Жастин Мароццининг “Tamerlane: Sword of Islam, Conqueror of the World” (Темур: дунё фотиҳи) асарида ҳам учратиш мумкин. Хусусан, у шундай деб ёзади: “Марло Пьетро Перондинининг “Скифлар императори Буюк Темурланнинг ҳаёти” ва Жорж Уэтстоннинг “Инглиз кўзгуси” каби китобларидан фойдаланган³⁶. Марло ижодининг Европадаги машҳур тадқиқотчиси Эллис Фермор ҳам Марлога “Буюк Темур” драмасини ёзишда Халкондилос, Ҳайтн, Фрегозо, Мексия, Примадея ва Пирондиниларнинг ишлари асосий манба бўлиб хизмат қилганини кўрсатади³⁷. Ана шу олим ва ижодкорларнинг ишлари асосида Европада яна кўплаб асарлар юзага келган. Уларда Амир Темурнинг Шарқ мамлакатлари тарихида тутган ўрни ҳақида кўплаб маълумотлар жамланган.

Маълумки, Амир Темур ҳаётини тасвирловчи энг ишончли манбалар Соҳибқирон замондошлари Ғиёсиддин Али ибн Жамол ал-Ислом Яздийнинг «Рўзномаи ғазавоти Ҳиндистон» (Ҳиндистонга юриш кундалиги), Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” ва Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи таворихи Таймур” (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) каби асарлар эътироф этилади. Шуниси қизиқки, бу асарлар Европа тилларига XVIII-XX асрлардагина таржима қилинган. Хусусан, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си Петий де ла Круа³⁸ томонидан қисқартириб таржима қилинган ва 1722 йили чоп этилган. Ибн Арабшоҳ қаламига мансуб “Ажойиб ал-мақдур фи таворихи Таймур” асарини эса 1658 йилда П.Вотье³⁹ француз тилига ўгириб, Парижда

³⁵ Марло, Кристофер. “Тамерлан Великий”. пер. с англ. С. Линецкой (Часть I), Е. Полонской (Часть II). – Москва: Государственное издательство художественной литературы, 1961. – С.5.

³⁶ Мароцци, Жастин. Тамерлан: Завоеватель мира. – Москва: Полиграфиздат, 2010. – С.66.

³⁷ Ellis-Fermor U.M. Christopher Marlowe. – London: Cambridge University Press, 1927. – P.13.

³⁸ (Cherefeddin Ali). Histoire de Temur-Bec, connu sous le nom du Grand Tamerlan, Empereur des Mogols et Tartares. Ecrite en Persian par Cherefeddin Ali, natif d’Yesd, Auteur contemporain. Traduite en Francois par feu M.Petis de la Groix. – Paris: 1722.

³⁹ (Ibn Arabshah). Ahmad ibn Muhammad. L’Histoire du Grand Tamerlan ... Nouvellement traduite en francais de l’arabe d’ Acchmed fils de Gverapse, par M.Pierre Vattier. – Paris: 1658.

чоп эттиради⁴⁰. Демак, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги энг ишончли манбалар Кристофер Марло ўлимидан ярим аср ўтгандан кейингина Европа тилларига таржима қилина бошланган. Бироқ Жастин Мароццининг таъкидлашича, “Марло ўша даврнинг энг сўнгги манбаларини пухта ўрганиб чиққан, шунинг учун у император (Темур) ҳаётини яхши билган”⁴¹.

Шу ўринда бир савол туғилади. Агар Амир Темур ҳақидаги энг ишончли манбалардан Марло беҳабар экан, А.Парфёнов таъбири билан айтганда, сохта(!) тарихий маълумотларни Жастин Мароцци айтганидек, пухта ўрганиб чиққан Марло қандай қилиб Амир Темур ҳаётини яхши билган бўлиши мумкин!?

Тўғри, Халкондилос, Ҳайтн, Фрегосо, Мехиа, Примадея, Жорж Уэтстон ва Пирондиниларнинг асарлари ўша давр Европаси учун энг сўнгги манба бўлиб хизмат қилган, бироқ бу асарлар Европа тилларига таржима қилинган тарихий манбаларга эмас, кўпроқ оғиздан-оғизга ўтиб келган маълумотларга асосланиб ёзилган. Зеро, юқоридаги ёзувчиларнинг бирортаси ҳам Шарқ деб аталмиш ўлкаларда бўлмагани аниқ, Амир Темур ҳаётида юз берган воқеаларнинг шахсан гувоҳи бўлмаган ёки, юқорида айтиб ўтганимиздек, Яздий, Шомий ва ибн Арабшоҳ каби тарихчилар қаламига мансуб ишончли манбаларга бевосита ва ёки билвосита суяниб иш тутмаган.

Марлонинг “Буюк Темур” драмасини ўқир эканмиз, драманинг бош қаҳрамони – ваҳший ва даҳрий Темур билан тарихий шахс Амир Темур ўртасида мутаносибликни асло кўрмаймиз. Нафақат тарихий шахс, балки тарихий воқеалар баёнида ҳам бадий тўқимадан кенг фойдаланилган. Табиийки, уларнинг реал тарих билан алоқаси сезилмайди. Масалан, драмада Миср ўлкаси Темур томонидан босиб олингани ҳақида сўз кетади:

*Tamburlaine hath muster'd all his men,
Marching from Cairo northward, with his camp,
To Alexandria ... (P.II, Act I, sc I.)*

⁴⁰ Қаранг: Амир Темур жаҳон тарихида. Масъул муҳаррир Ҳ.Кароматов. – Тошкент. «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001. – Б.214.

⁴¹ Мароцци, Жастин. Тамерлан: Завоеватель мира. – Москва: Полиграфиздат, 2010. – С.67.

Таржимаси: *Темур қўшин йиғиб, Қоҳирадан шимолга – Александрия томон йўл олди.*

Тарихда эса гарчи Миср Амир Темурга вассалликни тан олган бўлса-да, Соҳибқирон бу ўлкани босиб олмаган.

Драмада тарихий воқеликка мос келмайдиган бундай эпизодлар кўплаб учрайди. Яна бир мисолни кузатайлик: саркардалар босиб олинган ўлкалар ҳақида Темурга ҳисобот бериш жараёнида кўплаб мамлакатларни санаб ўтишадики, бу ерларга тарихий шахс – Амир Темур қадами етмаган эди:

*Usumcasane: For, since we left you at the Soldan's court,
We have subdu'd the southern Guallatia,
And all the land unto the coast of Spain;
We kept the narrow Strait of Jubalter,
And made Canaria call us kings and lords...* (P.II, Act I, sc III)

Таржимаси: *Султон саройида хайрлашганимиздан бери Испания, Галатия, Гибралтар бўғози ва Канар ороллари архипелагини қўлга олдик...*

Англиялик шарқшунос олима Хильда Хукҳемнинг айтишича, “Марло фойдаланган манбалар (Педро Мексия ва Петрус Перондинуснинг асарлари) аслида хужжатли асар эмас, шунчаки қаҳрамонлик романлари эди”⁴². Бу Кристофер Марлонинг “Буюк Темур” драмаси тарихий далил ва хужжатларга асосланиб ёзилмаганини тасдиқлайди. “Қаҳрамонлик романлари” деган терминдан ҳам оғзаки маълумотлар бош ўрин тутгани англашилади. Бу типдаги романлар эпосларни ўзида ифода этади. Европа адабиётида саргузашт асарлари “қаҳрамонлик фантазияси” деган ном билан юритилади. Саргузашт асарлар эса халқ оғзаки ижодининг эртак ва эпослари заминида шаклланади. Бироқ ўз замонасида жамиятни жунбушга келтира олган, ҳали жуда ёш бўла туриб машҳурлик чўққисини эгаллаган Марлонинг қўл учиди, наридан-бери асар ёзишига ҳам ақл бовар қилмайди.

Маълумки, тарихий воқеалар тарихий мавзудаги асарларнинг тасвир объекти, асосий материали ҳисобланади. Тасвирланаётган давр учун типик

⁴² Хукҳем, Хильда. Етти иқлим султони. – Тошкент: Адолат, 1999. – Б.3.

бўлган реал, ҳаётий ва ҳаққоний характерларни яратиш бадиий ижоднинг бош қонунияти ҳисобланади. Бунинг асосида эса ёзувчининг умуман воқеликни, хусусан, тарихий ўтмишни тасвирлаш усуллари ётади. Табиийки, бу усуллар ичида бадиий тўқима ҳам асосий мавқега эга бўлади. Таниқли танқидчи академик М.Қўшжонов таъкидлаганидек, “Тарихий жанрда иш кўрадиган ёзувчи, бошқа мавзуларда асар яратадиган ёзувчи каби ўзининг шахсий тажрибаси билан боғлиқ бўлган бадиий тўқимадан тарихий ҳақиқат тақозо қиладиган даражада фойдаланса ҳам, тарихий далилларга асосий ва муҳим манба сифатида ёндошади. Бинобарин, тарихий асарларда ҳал қилувчи ўринни тарихий воқеалар ва ҳодисалар эгаллайди ва шу асосда тарихий шахс характери тасвирланади”⁴³. Ёки тарихий мавзудаги асарнинг битта хусусияти бор: бу ҳам бўлса тарихий воқеа билан роман ўртасидаги мувозанатни сақлаш ва китобхонни романдаги воқеаларга ишонтира олишдир. Ёзувчининг маҳорати билан китобхоннинг ишончи уйғунлашган нуқта адабиётнинг ютуғи саналади⁴⁴. Бу гаплар нафақат тарихий мавзудаги романга, балки драмага ҳам тегишлидир. Зотан, тарихий мавзудаги бадиий асарлар сентименталликдан холи бўлгани учун ҳам китобхоннинг диққатини тортавермаслиги мумкин. Марло, бизнингча, шуни англаган. Аммо ҳар қандай асарда ҳам оғзаки ва тарихий далиллардан фойдаланишда мезон бор. Тарихий асарлар яратилишида амал қилиниши керак бўлган ана шу мезонларга асосланиб, “Буюк Темур” драмаси яратилишида бадиий тўқимага “бирмунча эрк берган”, аммо тарихий ҳақиқат тақозо қиладиган даражада фойдаланилмаган, тарихий далилларга асосий ва муҳим манба сифатида қаралмаган, - деб айтиш мумкин. Аниқроғи, Амир Темур тарихига оид том маънодаги тарихий далиллар Марлога номаълум бўлгани учун ўзи билган уйдирма ва оғзаки маълумотлар билан чегараланган кўринади. Шу боис, “Буюк Темур” драмасини тарихий шахс ҳақидаги асар деб ҳисоблаш мумкинми ёки йўқми, деган савол кўндаланг бўлади. Зотан, китобхоннинг

⁴³ Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. – Тошкент: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б.96.

⁴⁴ Раҳмонов Н. Тарихий давр манзараси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2012 йил 12 январь.

диққатини тортиши учун ҳар қандай бадиий асарга, айниқса, драмага сентименталлик зарурлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Шу ўринда Шарқ адабиётида Искандар – Александр Македонский образи ҳақида яратилган асарларни эсга олиш жоиз. Ўттиз уч йил умр кўрган бу қудратли юнон фотиҳи образи кишилик жамиятининг доимо диққат марказида бўлиб келган. “Давр ўтиши, замонлар алмашинуви натижасида дунёни ларзага солган Александр шахси, унинг зафарли юришлари-ю ғалабалари афсоналар қобиғига ўралиб, тарихий қиёфаси, фактлар силсиласи ўзгартирилган ҳолда талқин қилина бошлади. Натижада тарихий ҳақиқатдан узоқ бўлган турли-туман асарлар юзага келди. Афсонага айланган Александр образи Искандар номи билан Шарқ халқларининг забардаст шоирлари асарлари қаҳрамони учун ҳам прототип бўлиб хизмат қилди”⁴⁵.

Тарихий жанрдаги асарларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири тарихийликдир. У ҳам тарихий даврни, ҳам даврнинг ижтимоий тузумидаги, одамларнинг ҳаётидаги ва психологиясидаги конкрет, ўзига хос хусусиятларни тўлиқ сақлаган ҳолда тасвирлашни талаб этади. Аммо бу хусусият романтизм ва классицизм оқими етакчи бўлган тарихий асарларда йўқ ёки жуда ҳам суст намоён бўлади. Навоийнинг романтик асари – “Садди Искандарий”да бош қаҳрамон тасвирида тарихийлик йўқ. Буюк мутафаккир шоир Александр Македонский ва Аристотель замони воқеаларига мурожаат этгандек кўринса ҳам, аслида, ўша даврнинг хусусиятларини, икки буюк шахснинг конкрет фаолиятини ва психологиясини тарихий конкретлиги билан тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Навоий Искандар шахсига оид воқеаларни юнон манбаларига уйғунлаштирди. Арастуниги устозлиги натижасида Искандар оламни яхлит ҳолда қабул қилди⁴⁶.

Европа адабиёти ва санъати тарихида катта бир даврни ташкил этган классицизм намояндалари ҳам тарихга мурожаат этганларида тарихий аниқликни ўз олдиларига мақсад қилиб қўймаганлар, тарихий материал улар

⁴⁵ Қаранг: М.Ҳамидова. Жаҳонгирнинг ўзига хос талқини // Навоий. Садди Искандарий. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б.6.

⁴⁶ Шахермайр Ф. Александр Македонский. – Москва. Терра, 1999. – С.75.

учун ўз замонасининг муҳим ижтимоий ва ахлоқий муаммоларини ёритишда восита ролини ўйнаган, холос.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, соҳибқирон Амир Темурнинг Европани ҳам қўрқувга солган, ҳам қувонтирган зафарли юришлари халқ орасида турлича талқин этилган. Халқ орасида буюк тарихий шахслар ҳақида ривоятлар, афсоналар, латифаларнинг пайдо бўлишига сабаб ҳам уларни идеаллаштириш ёки аксинча, қоралаш натижаси эди. Демак, Кристофер Марло ҳам Амир Темур образидан ўз асари қаҳрамони учун прототип сифатида фойдаланган. Бироқ, фикримизча, чин маънодаги тарихий шахс ҳаёти ҳақидаги асар яратиш мақсадидан йироқ бўлган. Зеро, “Искандар мавзуида Шарқда ёзилган дostonларни ҳам, албатта машҳур фотиҳнинг таржимаи ҳоли ёки унинг юришлари хроникаси деб қараш мутлақо асоссиз ва хато фикрдир. Бу дostonлар шу машҳур шахс орқали ўша мутафаккир муаллифларнинг ўз ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарбиявий-эстетик қарашларини ифодаловчи асарлардир”⁴⁷. Шундай экан, Марлога ҳам замонасининг долзарб муаммоларини ёритиб бериш учун ўз ғояларини, сиёсий ва диний қарашларини ифодалаш учун маълум бир экзотик номлар ёки масканлар керак бўлган, деб айтиш мумкин. Масалан, драмада воқеа рўй берган жойлар сифатида Дамашк, Миср, Форс ўлкаси номлари тилга олинган. Қироллар ҳам Шарқ мамлакатлари ҳукмдорларидир: форслар ҳукмдори Мисет, турклар ҳукмдори Боязид, Миср султони, асли скифиялик Темур ва шу кабилар.

Фикримизча, “Буюк Темур” драмасида бадий тўқимага бу даражада кенг ўрин берилганининг асосий иккита омили мавжуд: биринчиси, Амир Темур ҳақида Европада афсоналар мавжуд бўлиб, уларнинг натижасида Соҳибқирон тарихий қиёфаси ва у билан боғлиқ воқеалар ўзгартирилган ҳолда талқин қилина бошлади ва натижада тарихий ҳақиқатдан узоқ бўлган турли-туман асарлар юзага келди. Бунда, айниқса, юқорида айтганимиздай,

⁴⁷ Қаюмов А. Садди Искандарий. – Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б.10.

Шарқдан Ғарб сари оғиздан-оғизга кўчиб келган ва йўл-йўлакай маълум бир ўзгаришларга учраган афсоналарнинг ўрни каттадир. Зотан, тарихий далилларнинг ўзгариши натижасида афсоналар пайдо бўлиши адабий қонуният сифатида кўп олимларнинг эътиборини жалб қилган. Жумладан, Абу Райхон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарининг ёзилиш сабабларини кўрсатар экан, бадий асарлар таркибидаги афсона ва ривоятларни аниқлаб олиш ёки рад қилиш ва маълум бир воқеа ёки ҳодисаларни рад қилиш ёки тасдиқлашда бу жанрларнинг вазифаси ниҳоятда мураккаб бўлганини ёзади⁴⁸. Берунийнинг бу қарашларидан асосий мақсад қадимги халқлар яратган афсона ва ривоятларга кўплаб кириб қолган “ёлғон сўзларни аниқлаш”⁴⁹ зарурат эканини таъкидлашдир.

Иккинчиси, Марло ўз мамлакати – Англиянинг мутлақ монархия давридаги баъзи бир табақа вакиллариининг кирдикорларини ошкор қилиш учун мажозий номлардан фойдаланишга мажбур бўлган. Зеро, ўша даврда юз берган сиёсий воқеаларни тўғридан-тўғри, очикчасига саҳнага кўтариб чиқиш ўз бошини кундаги қўйиш деган гап эди. Рус адабиётшуноси А.Парфёнов Марлонинг “Буюк Темур” драмасини таҳлил қилар экан, шундай деб ёзган эди: “Бу ўринда шарқлик мустабид подшоҳнинг ҳаққоний характерини яратишга шоир ҳаракат қилганини излаш ноўрин бўларди: ўша даврда Англияда рўй бераётган воқеалар унга ўз кузатишлари учун етарлича психологик материал бўлиб хизмат қила оларди”⁵⁰.

Шуни таъкидлаш жоизки, давр руҳини, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий воқеаларни экзотик номлар ва масканлар орқали тасвирлаш Шарқ адабиётида бўлгани сингари, Англия адабиётида ҳам мавжуд эди. Қолаверса, бу бутун жаҳон адабиёти учун ҳам хос бўлган қонуниятлардан биридир. Бу борада Марлодан кейин Англия адабиётида ўчмас из қолдирган Жонатан Свифт ва унинг “Гулливернинг саёҳатлари” асарини эслаш кифоя. Ўйлаб

⁴⁸ Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2016. – Б.36.

⁴⁹ Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Фан, 1968. – Б.41.

⁵⁰ Қаранг: Парфёнов А.Т. Кристофер Марло // Марло К. Сочинения. – М.: Государственное издательство художественной литературы, 1960. – С.3-40.

топилган, узоқдаги мамлакатлардаги ҳаётни тасвирлар экан, Свифт ўз Англиясининг ҳақиқий башарасини кўрсатиб бергани ҳеч кимга сир эмас. Ўша вазиятни Марло драмасида ҳам кузатиш мумкин. Шарқшунос олим С.Гринблатт ҳам айнан мана шу нарсага эътиборини қаратади: “Гарчи Марло ўз асарларида скифиялик чўпон, малталиқ яҳудий, германиялик сеҳргар каби экзотик образлардан фойдаланган бўлса-да, муаллиф улар орқали ўз ватандошларини тасвирлайди”⁵¹.

Агар шарқшунос олимларнинг юқоридаги фикрларига асосланадиган бўлсак, Марло Амир Темур замонида материал сифатида таяниб мурожаат этгандек кўринса ҳам, аслида ўзи яшаётган давр хусусиятларини, ўз мамлакатининг ижтимоий-сиёсий муаммоларини тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунинг учун «Буюк Темур» драмасида тарихий тамойилдан кўра кўпроқ афсона ва ривоятларга йўғрилган бадиийлик тамойиллари бош ўрин тутди.

Драмада танқидчилар ва томошабинлар эътиборини тортган бир қатор “тарихий” воқеалар тасвирланган бўлиб, улар Дамашқда ёш қизларнинг қатл этилиши, Боязиднинг қафасга занжирбанд этилиши, Темурнинг ўз ўғлини ўлдириши воқеаларидир. Бу воқеалар тасвири орқали Марло Амир Темур характерини очиқ беришга ҳаракат қилган. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур эпизодларда баён этилган воқеалар тарихийликдан узоқ бўлиб, уларда халқ оғзаки ижоди таъсири ҳам сезилади.

Драманинг 1-қисм, 4-парда, 1-сахнасида баён қилинган бир эпизод бор. Бу ўринда хабарчи қуйидаги воқеа ҳақида сўзлайди:

*Messenger: The first day when he pitcheth down his tents,
White is their hue, and on his silver crest,
A snowy feather spangled-white he bears,
To signify the mildness of his mind,
That, satiate with spoil, refuseth blood:
But, when Aurora mounts the second time,*

⁵¹ Greenblatt, Stephen. Marlowe and the Will to Absolute Play. – Chicago: U of Chicago P, 1980. – P.194

*As red as scarlet is his furniture;
Then must his kindled wrath be quench'd with blood,
Not sparing any that can manage arms:
But, if these threats move not submission,
Black are his colours, black pavilion;
His spear, his shield, his horse, his armour, plumes,
And jetty feathers, menace death and hell;
Without respect of sex, degree, or age,
He razeth all his foes with fire and sword.*

Парчанинг ўзбек тилидаги мазмуни куйидагича: *Қароргоҳини қурар экан, унинг чодури оқ қоялар орасидаги оппоқ қор мисоли, қурол-аслаҳалари кумушдан, дубулгасига эса оппоқ пат қадалган: бу эса унинг қасос олишига тоқати йўқлиги ва тинчлик исташини англатади. Осмонга яна Аврора кўтарилганда эса у қип-қизил кийимда пайдо бўлади: у ғазаб отига минади, энди ўзига қарши қилич кўтарган душманларга шафқат қилмайди. Шунда ҳам қаршилик кўрсатишса, учинчи кун у қон-қора кийимда пайдо бўлади: оти, қурол-аслаҳаси, қалқони, найзаси. У ҳолда ҳеч кимга шафқат йўқ: на қарияларга, на аёлларга ва на ёшларга.*

Марло ҳикоя қилган бу афсона шарқ ёзма манбаларида учрамайди. Ҳаттоки, Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи таворихи Таймур” асарида ҳам бу афсонага бирор бир ишора йўқ. Шуниси қизиқарлики, кўпчилик ғарблик адабиётшунослар ана шу воқеа тасвирига катта эътибор қаратишади. Хусусан, америкалик шарқшунос олим Ҳарольд Лэмб бу воқеа ҳақида ўзининг “Тамерлан. Дунё ҳумдори” китобида алоҳида тўхталиб ўтади. У ранглар билан боғлиқ бу воқеа тўғрисида сўз юритар экан, бу ривоятни тасдиқловчи ишончли манба йўқ, бироқ бу Темурга хос хусусият, деб ҳисоблаш мумкин деган фикрни билдиради.⁵² Шунингдек, бу ўринда афсонавий воқеанинг ўзаги ҳисобланган оқ ва қора ранглари ҳам Марло алоҳида эътибор қаратганини ҳам айтиб ўтиш керак. Оқ ранг ҳамма

⁵² Лэмб Г. Тамерлан. Потрясатель вселенной. – Москва: Вече, 2008. – С.52.

халқларнинг рамзийлик тизимида қоранинг зидди сифатида қўлланиб, поклик, ҳақиқат, айбсизлик каби ижобий маънода қўлланган.⁵³ Қора рамзий маънода салбий кучлар ва ғамгин воқеа ифодаси сифатида ишлатилган.⁵⁴ Демак, Шарқ ва Ғарбда ҳар иккала рангнинг универсал маъно ифодаси Марлога жуда қўл келган.

Марлога қадар ранглар билан боғлиқ бу воқеа Педро Мексия “*Silva de varia leccion*” асарида ҳам тилга олинган.⁵⁵

Ранглар символикаси Европа халқлари оғзаки ижодида ва мифологиясида ҳам⁵⁶, қолаверса, ўзбек фольклорида ҳам⁵⁷ мавжуд.

Умуман, ўрта аср Европа адабиётининг (V-XV асрлар) шаклланиш омиллари, бошқа халқлар адабиётининг шаклланиши сингари, халқ оғзаки ижоди анъаналарини асло четлаб ўтолмаган. Зотан, рицарлик романлари ёки бошқа жанрдаги ўрта аср адабиёти учун халқ оғзаки ижоди замин бўлгани адабий қонуният эди. Бу қонуният барча халқлар ёзма адабиётининг илк босқичи ва ўрта асрлар адабиётига хос эди. Қолаверса, бундай сюжет ва мазмунга эга бўлган эртаклар ўзбек, рус халқ эртакларида ҳам кузатилади.

Масалан, “Ўтинчи чол” ўзбек халқ эртагида⁵⁸ қора отга алоҳида урғу берилгани, ёки Сибирь рус халқ эртакларидан “Уч оға-инилар ҳақида эртак”⁵⁹да, “Ота васияти”⁶⁰ ўзбек халқ эртаги сюжети ҳамда уч хил – оқ, сариқ, қора рангдаги от тимсолининг семантик ва функционал жиҳатдан айнан такрорланиш ҳодисаси Европа рицарлик романларидаги халқ оғзаки ижоди сюжетлари ва рамзий образларини ўзида ифода этадики, бу қонуният халқаро адабий муносабатлар доирасида таҳлил этиладиган бўлса, “бир томондан, халқларнинг адабий ва ижтимоий тараққиётидаги ўхшашлигига; иккинчи томондан, улар ўртасидаги маданий ва адабий алоқаларга

⁵³ Тресиддер Джек. Словарь символов. – Москва: Гранд, 1999. – С.23.

⁵⁴ Тресиддер Джек. Қўрсатилган асар. – Б.410.

⁵⁵ Mexia, Pedro. Silve de varia leccion. – Madrid: 1673. – P.200.

⁵⁶ Леви- Брюль Л. Первобытное мышление. – Москва: 1930. – С.45-47.

⁵⁷ Раҳмонов Н. Туркий халқлар сеҳрли эртакларида метаморфозанинг мифологик асослари // Ўзбек фольклоршунослигининг долзарб масалалари. – Т.: 2018. – Б.5.

⁵⁸ O'zbek xalq ertaklari, 1-jild. – T: O'qituvchi, 2007. – B.290-303;

⁵⁹ Русские народные сказки Сибири о чудесном коне. – Новосибирск Наука СО, 1984. – С.90-94.

⁶⁰ O'zbek xalq ertaklari, 2-jild. – T: O'qituvchi, 2007. – B.253-257.

асосланиши”⁶¹ ёки адабий жараённинг типологик аналогия ҳодисаси бўлиши ҳам мумкин.

“Буюк Темур” драмасининг 5-парда 1-кўринишида Дамашқ ҳокими қўлларида дафна новдалари кўтарган шаҳар аҳолисидан 3-4 киши ва 4 та ёш кизни Темурнинг олдига жўнатади, шу йўл билан унинг кўнглида раҳм-шафқат уйғотмоқчи бўлади:

*..... for these our harmless virgins' sakes,
Whose honours and whose lives rely on him,
Let us have hope that their unspotted prayers,
Their blubber'd cheeks, and hearty humble moans
Will melt his fury into some remorse,
And use us like a loving conqueror.*

Таржимаси: ...ҳаётлари унинг қўлида бўлган мана шу норасида қизлар ҳаққи-ҳурмати умид қиламизки, уларнинг илтижолари ва нидолари унинг ғзабини ачиниш ва надомат ҳиссига алмаштиради.

Бироқ ҳокимнинг умиди пучга чиқади. Темурга қизларнинг сўзлари таъсир қилмайди ва уларни ўлимга ҳукм қилади:

“Away with them, I say, and show them Death” (p. I, act V, sc. 2)

Таржимаси: *Олиб бориб уларни ўлимга рўбарў қилинг.*

Кристофер Марло фойдаланган, деб ҳисобланган Педро Мексия асарида ҳам бир шаҳарнинг қамал ҳолатида экани тасвирланган. Амалдорлар дарвозаларни очиб, барча болалар ва аёлларни қўлларида зайтун новдалари билан шаҳардан ташқарига чиқаришга қарор қилишади. Мақсад – Темурнинг кўнглида раҳм-шафқат уйғотиш эди.⁶²

Бироқ Педро Мексиянинг асарида бу воқеа Дамашқда рўй бергани ҳақида ёзилмаган. Дамашқнинг қамал қилиниш воқеасини Педро Мексия

⁶¹ Жирмунский В.Ш. Сравнительное литературоведение. – Л.: Наука ЛО, 1979. – С.138.

⁶² Mexia, Pedro. Silve de varia leccion. – Madrid: 1673. – P.195.

бошқа ўринда тасвирлайди.⁶³ Бу икки воқеа Кристофер Марло драмасида бирлаштирилган.

Умуман олганда, бу воқеа Амир Темур тириклик пайтида турли эллар орасида тарқалган афсоналардан биридир. Шунинг учун ҳар хил манбаларда турли кўриниш, мазмун ва услубда тасвирланган. Яна шуни айтиш керакки, шарқлик муаррихлар – Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Яздийларнинг “Зафарнома”ларида бу сингари воқеа ҳақида бирон маълумот берилмаган. Ибн Арабшоҳ асарида эса бу воқеанинг Исфаҳонда рўй бергани ҳақида гап боради. Фақат унда қизлар эмас, балки гўдаклар ҳақида сўз юритилган.⁶⁴ Немис зобити Йоханн Шилтбергер эса худди ўзи кўриб, гувоҳ бўлгандек воқеа Исфаҳонда юз бергани ҳақида ёзади.⁶⁵ Ваҳоланки, Амир Темур Исфаҳонни 1387 йили забт этган бўлса, Шилтбергер Боязид мағлуб этилганидан сўнг, яъни 1402 йилда темурийларга асир тушган.

Бунга қўшимча сифатида бир маълумотни келтиришни ўринли кўринади. Амир Темур олдида гўдакларнинг элчи бўлиб келгани ҳақидаги воқеа Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”сида бор. Бироқ Ибн Арабшоҳ, Педро Мексия ва Кристофер Марло асарларидан фарқли ўлароқ унда воқеа бошқача ривожланади. Хусусан, Шомий шундай деб ёзади: “...у норасида олти ёшда бўлиб, ғоятда хушрўй, ширинсўз эди. У олий даргоҳга етиб келгач, ҳожатмандлик юзини ёлвориш заминига кўйиб, Амир Соҳибқирон ҳазратлари оёғини ўпди ва ёқимли сўзлар билан ёлвориб ва зорланиб, отаси қонидан ўтишни илтимос қилиб деди: “Агар ижозат бўлса, мен бориб уни кафан ва шамшир билан Соҳибқирон ҳазрат ҳузурига олиб келаман”. Амир Соҳибқирон унга раҳм қилиб, сарпо кийгизди, бўйнига олтин ҳамойил солиб отаси олдида юборди”⁶⁶.

Бу воқеа Авник қалъасини забт этиш пайтида рўй берган бўлиб, ўшанда қалъа хўжайини Миср ўзининг олти ёшли ўғлини Амир Темурга элчи

⁶³ Mexia, Pedro. Silve de varia leccion. – Madrid: 1673. – P.195.

⁶⁴ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Тошкент: Мехнат, 1992. – Б.117.

⁶⁵ Shciltberger, Johann. The bondage and travels of Johann Schiltberger. – London: 1879. – P.28.

⁶⁶ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.204.

килиб жўнатган. Мисрнинг ўғли элчи бўлиб Амир Темур хузурига уч марта келади. Биринчи марта келганда Амир Темур бу боланинг ҳурматини жойига қўйиб қалъага қайтаради ва отасига омонлик берганини айтади. Миср эса ишонмасдан яна жангга киришади. Кейинчалик Миср ўғлини иккинчи бор жўнатганда ҳам Амир Темур болага яхши муомала қилади ва отасига омонлик беришини айтади. Миср эса яна қаршилик кўрсатиб жангга киришади. Қалъа ҳимояси ночор аҳволда қолгач, енгилишини билгач, ўғлини учинчи бор Соҳибқирон олдига жўнатади. Шунда бола ер ўпиб ёлвориб, отаси қонини Амир Темурдан сўрайди. Амир Соҳибқирон эса шундай жавоб беради: “Уни сенга бағишладим ва қонидан ўтдим”⁶⁷.

Элчиликка бир эмас, уч марта келган ва отасининг қонидан кечишни сўраган олти ёшли болага шунчалик эътибор бериб муомала қилиши Соҳибқироннинг ғайриоддий ҳукмдор эканлигидан далолат беради. Шундай экан, Исфаҳонда норасида гўдакларнинг ўлдирилиши ёки Марло драмасида тасвирланган Дамашқдаги элчи қизларнинг қатл этилиши воқеаси умуман ҳақиқатга тўғри келмайди. Миср ва унинг ўғли воқеаси нафақат элчилар, балки ранглар ҳақидаги афсонанинг ҳам уйдирма эканини тасдиқлайди. Аммо, афсуски, хотирага ўрнашиб қолган тасаввурлардан, ҳатто ёлғон бўлса ҳам, қутулиб бўлмайди. Бу – Амир Темурга хос шафқатсизлик эмас. Зеро, Амир Темур элчи бўлиб келган ҳар қандай шахснинг ҳурматини жойига қўйган. Унинг қонунига кўра элчига ўлим йўқ эди. Ҳатто, Дамашқда унинг жонига қасд қилиш учун жўнатилган элчиларга оид воқеада ҳам бунга гувоҳ бўлиш мумкин. “Бизнинг қоидамизга кўра, элчини ўлдириш расм эмас, аммо улардан бири фитначидир, шариат фатвоси билан уни ўлдириш жоиздир”, – дейди Соҳибқирон ва қолган иккитасини озод қилиб юборишга буйруқ беради.⁶⁸

Битта воқеанинг учта асарда уч хил ўзгартирилишидан ва тарихий ҳақиқатдан узоқлашишига сабаб нима деган савол туғилади. Бу ижодий

⁶⁷ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.204.

⁶⁸ Низомиддин Шомий. Кўрсатилган асар. – Б.299.

жараён қонуниятими ёки оғзаки маълумотларга таяниб, беихтиёр равишда тарихий ҳақиқатни бузишми? Воқеалар тизимидаги кескин ўзгаришлар, ижодкор нияти ва матн тузилиши, асарнинг жанр хусусиятлари бир-бирига боғлиқдир. Ҳар учала асарда оғзаки маълумотларга таянилган, аммо шунинг ўзи ижодкорлар ниятини амалган ошириш учун таянч нукта эмас. Бу – битта деталь, холос. Шу ўринда машҳур шарқшунос А.Б.Тураевнинг бир қиёсини келтиришни ўринли кўринади. У ўзининг Миср адабиёти тарихига бағишланган китобида шуни қайд этади: “Миср ибодатхоналари давридаги суратлар махсус сюжетни – қатъий равишда такрорланадиган фиръавнларнинг туғилиши лавҳалари ва сахналари кўринишини билдиради. Матн билан бирга берилган тасвирлар галереяси қадимги композицияни билдиради. Бу композиция бешинчи авлод шоҳлари учун яратилган ва кейин стереотип шаклда авлоддан-авлодга расмий равишда ўтаверган.”⁶⁹

Юқоридаги уч асарда келтирилган битта лавҳа А.Б.Тураев тавсифлаган лавҳага айнан ўхшайди. Анъанавийлик Миср санъат асарларида шунчалик қатъийлашганки, ҳатто ҳукмдор аёлнинг фармониға қарамасдан, аёлнинг девор суратларидаги туғилиши лавҳаси ўғил бола тасвирида берилган.⁷⁰ Шундай фикрга келиш мумкинки, халқнинг бирон тарихий шахс ҳақидаги тасаввури анъанавий тарзда авлоддан-авлодга кўчиб, ҳатто жинсни ҳам ўзгартиришға олиб келган. Бу тасвирлар ҳам аслида Марло драмасида оғзаки ижод сюжетиға айланган миш-мишларнинг айнан ўзидир.

Драманинг биринчи қисмида Темурнинг турк кўшинларини енгиши, Боязидни асир олиши, уни таҳқирлаши, қафасға солиб, ўзи билан олиб юриши каби воқеалар тасвирланади. Европанинг кўпчилик тадқиқотчилари драмада айнан Боязиднинг қафасға солиниши воқеасиға асосий эътиборни қаратадиларки, неча замонлардан бери бу масала Ғарб адабиётшунослари ва тарихчиларининг кўплаб тортишувларига сабаб бўлиб келади.

⁶⁹ Тураев А.Б. Египетская литература. Т.І. – Москва: 1920. – С.43-44.

⁷⁰ Лотман Ю.М. Структура художественного текста. Анализ поэтического текста. – Москва: Азбука, 2015. – С.27.

Илмий мунозаралар жараёнида Марло трагедияси билан Ибн Арабшоҳ китобидаги воқеалар тасвири ўртасида ўхшашликлар борлиги ҳақида фикр юритганлар ҳам пайдо бўлди⁷¹. Ибн Арабшоҳ ва Кристофер Марлонинг Амир Темур ҳаётига доир маълумотлари орасидаги ўхшашлик биринчи бор Темурнинг жисмоний хусусиятларига эътибор қаратган тарихчилар ва антропологлар томонидан аниқланган. 1941 йилда Амир Темурнинг қабри очилиб, унинг скелети ўрганиб чиқилади. Ана шунда олинган маълумотларга асосланган П.Фрогат 1962 йилда «Арабшоҳ ва Марлонинг ёзганлари ҳақиқатга яқинроқ» деган, хулосага келган:⁷² Ҳақиқатан ҳам трагедиядаги Боязиднинг асир олиниши ва унинг Амир Темур томонидан таҳқирланиши эпизодлари Ибн Арабшоҳ китобида қайд этилган маълумотларга ҳамоҳанг. Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тавориҳи Таймур» асарида ҳам, Марлонинг драмасида ҳам Темур Туркия султони Боязид билан жангда тўқнаш келади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам Темур ғалаба қозониб, Боязидни қафасга банди этади.

Ибн Арабшоҳ китобида Темур Боязидни қафасда сақлаган деган маълумот икки ўринда келтирилган ва шундай тасвирланган: “Ибн Усмон ўлжа тушиб, қафасдаги қушдек тутқунликда қолди”⁷³, “У Темур билан бўлиб, темир қафасда кишанланган эди”.⁷⁴

Кристофер Марло драмасида эса 1-қисм, 4-парда, 2-сахнаси очилишида Боязидни қафасда олиб келишади.

Баъзи бир европалик адабиётшунослар “қафас” сўзи Европа тилларига нотўғри таржима қилинган, деган фикрни билдирадилар⁷⁵. Уларнинг фикрича, туркча “safes” сўзи ҳам “қафас”, ҳам “замбил” маъноларини англатади ва бу таржима жараёнида англашилмовчиликка олиб келган бўлиши мумкин. Америкалик шарқшунос Жастин Мароцци ҳам, Ибн

⁷¹ Miller, Howard. Tamburlaine: Migration and Translation in Marlowe's Arabic Sources // Travel and Translation in the Early Modern Period. Rodopi. – Amsterdam and New York: 2006. – P.255-266.

⁷² Froggatt P. The Albinism of Timur, Zal, and Edward the Confessor // Medieval History. 1962. №4. – P.328-342.

⁷³ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Тошкент: Меҳнат, 1992. – Б.271.

⁷⁴ Ибн Арабшоҳ. Кўрсатилган асар. – Б.286.

⁷⁵ Miller. H. Tamburlaine: Migration and Translation in Marlowe's Arabic Sources // Travel and Translation in the Early Modern Period. Rodopi. – Amsterdam and New York: 2006. – P.255-266.

Арабшоҳнинг ҳикояси нотўғри талқин қилинган, дейди. У ҳам туркча *kafes* сўзининг “қафас” ҳамда “замбил” маъноларига эга экани ва жангдан кейин ярадор Боязидни қафасга эмас, балки замбилга солган бўлишлари мумкинлигини таъкидлайди⁷⁶.

Ўзбек адабиётшуноси Ҳ.Кароматовнинг бу борадаги фикри ҳам европалик ҳамкасбларникига ўхшаш. “Туркча “қафас” сўзини Франческо нотўғри тушуниб, тескари талқин қилади ва Ғарбда бу афсонанинг кенг тарқалишига сабабчи бўлади”,⁷⁷ – деб ёзади олим ўзининг “Қуръон ва ўзбек адабиёти” номли китобида.

Педро Мексиянинг тасвирлашича, Боязид отдан йиқилгач, Темурнинг одамлари уни қўлга олишади ва уни Темурнинг олдига судраб олиб келишади. Темур уни қафасда сақлайди. Отга минишда эса ундан стул сифатида фойдаланади⁷⁸.

Марло драмасида Боязидни темир қафасда олиб келишади ва Темур уни “оёқ остига қўйиладиган стул,” – деб таҳқирлайди. Педро Мексия тасвирлаган қафас ва оёқ остидаги курси тасвири Кристофер Марло томонидан драмага сўзма-сўз кўчирилган. Марло фақат Боязидга овқат бериш воқеасига бир оз ўзгартириш киритган. Чунки Педро Мексия асарида Боязид Темур столи остида худди овчи ит каби овқатлантирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қафас билан боғлиқ воқеа Европада Ибн Арабшоҳнинг асари лотин ва француз тилларига таржима қилинмасидан анча олдин мавжуд бўлган. Бу Амир Темур ҳақидаги афсоналар Европа халқлари оғзаки ижодида ҳам мавжуд бўлганидан далолатдир.

“Оёқ остидаги стул” эса шарқ манбаларида умуман учрамайди. Марло бу эпизодни Педро Мексиядан олгани аниқ. Бироқ шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, бу тимсол Педро Мексия асаридан аввалги бошқа асарларда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, милoddан аввалги 260 йилда Рим императори Валериан (260-253 йилларда Рим императори бўлган) сосонийлар сулоласи

⁷⁶ Мароцци, Жастин. Тамерлан: Завоеватель мира. – М.: Полиграфиздат, 2010. – Б.354.

⁷⁷ Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993. – Б.29.

⁷⁸ Mexia, Pedro. Silve de varia leccion. – Madrid: 1673. – P.194.

подшоҳи Шопурнинг (240-272 йй) оёқлари остида ана шундай хор-зорликда бош эккан. Эрондаги Нишопур шаҳри яқинидаги Танги Чоганда тош қояга ўйиб ишланган расмда Валерианнинг Шопур оёғи остида тиз чўккан ҳолда бош эгиб тургани тасвирланган⁷⁹. Бундан ташқари, Жон Фокснинг 1570 йилда нашр қилинган “Books of martyr”⁸⁰ асарида ҳамда Жерри Броттон⁸¹ қаламига мансуб асарда ҳам Англия қироли Ҳенри VIII нинг папа Клемент VII га нисбатан муносабатида Темурнинг Боязидга муносабати билан бир хил ҳолат тасвирланган сурат бор. Умуман олганда, мағлуб қиролнинг “оёқ остида стул” бўлиб хорланиши Шарққа эмас, балки Ғарбга хос тасвирдир. Ҳар доим ўз юртида ҳам, босиб олинган ўлкаларда ҳам инсониятга меҳрибонлик намунасини кўрсатган Амир Темур мағлуб ҳукмдорни бунчалик хўрлаши мумкин эмас эди. Қолаверса, Амир Темур Боязидга ёзган иккинчи мактубида Боязидни ғурурга ва такаббурликка берилмасликка даъват қилиб, “Мусулмон мусулмонни ранжитиши, молларини хароб қилиши жоиз бўлмаган ишдир,” – деган гапида унинг аъмоли ва инсоний фазилати аниқ кўриниб туради. Шундай гапни айтган одам мунофиқлик қилиши мумкин эмас эди.

Драманинг 2-қисми, 4-парда, 1-кўринишида Темурнинг ўз ўғли Халифни ўлдириши саҳнаси бор. Марло бу воқеани Педро Мексиядан олмагани аниқ. Педро Мексиянинг ёзишича, Темур ҳаёти охирида ўз она юртига қайтади, ундан икки ўғил қолиб, давлат бошқаруви ишларида бир-бирлари билан мурося қилолмайди ва оқибатда ўз оталари асос солган буюк империяни сақлаб қололмайдилар⁸².

Марло драмасида Темурнинг уч ўғли образи тасвирланади, улар Калиф, Амир ва Селебин образларидир. Калиф образи Марло томонидан асар драматизмини кучайтириш мақсадида қўшилган. Темурнинг ўз ўғлини

⁷⁹ <https://www.google.com/search?biw=1366&bih=662&tbm=isch&sa=1&ei=S0UFW4eyFs2TmwXflrrwDw&q=Naqshi+Rustam&oq=Naqshi+Rustam>

⁸⁰ <https://www.google.com/search?q=john+foxe+book+of+martyrs&source>

⁸¹ Brotton, Jerry. This orient isle. Elizabethan England and the Islamic world. – London: Penguin random house, 2016. – P.162.

⁸² Mexia, Pedro. Silve de varia leccion. – Madrid: 1673. – P.194.

ўлдириши воқеаси Шарқдан Ғарбга қайтган савдогарлар томонидан тўқилган бўлиб, Амир Темур томонидан Мироншоҳ Мирзонинг ўлимга ҳукм қилиниши воқеасига боғланган бўлиши мумкин. Тарихий манбалардан маълумки, Амир Темур ўғли Мироншоҳ Мирзони ўзбошимчалик қилгани, фақат айш-ишратга берилиб кетгани, мамлакатда вайронагарчиликларга сабаб бўлгани ва яна бошқа катор жиноятлари учун ўлимга ҳукм қилади. Алишер Навоий “Мажолис-ун-нафоис” асарида Мироншоҳ мирзонинг чоғирга кўп берилиб кетгани ва бунинг оқибатида номақбул амрлар чиққани ҳақида рўй-рост айтади⁸³. Фақатгина табиблар қўйган ташхисга кўра ҳамда аъёнларнинг илтимослари билан ҳукм бекор қилинади, бироқ Мироншоҳ Мирзо умрбод давлат ишларидан четлатилади. Бу воқеалар сайёҳлар ва савдогарлар томонидан турли талқинда, тарихий ҳақиқатдан узоқлаштирилиб Ғарбга етказилган.

Европаликларга Чингизхоннинг ўз фарзанди Жўчини ўлдиртириши воқеаси ҳам маълум бўлган бўлиши керак. Баъзи маълумотларга кўра, Жўчини марказий ҳокимиятдан ажралиб чиқмоқчи эканликда гумонсираган Чингизхон махфий буйруқ бериб қатл эттирган. Бу воқеа ўзбек адабиётида Нурали Қобулнинг “Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамиш” тарихий романида ҳам ўз аксини топган⁸⁴. 1946 йилда Жўчининг қабрини очиб, унинг жасадини текширган археологлар унинг ҳақиқатан ўлдирилгани тўғрисида хабар беришган⁸⁵. 1227 йилда содир бўлган бу воқеа, албатта, турли афсоналар кўринишида Шарқдан Ғарбга карвонлар ва савдогарлар ёрдамида саёҳат қилган ва етиб борган, деб фараз қиламиз. Бу афсоналар ҳам Амир Темурга нисбат берилган бўлиши мумкин. Зеро, солномалардан маълумки, ўрта асрларда ҳам бир сюжетни турли тарихий шахсларга нисбат бериш ҳолатлари кўп учрайди. Масалан, Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг туғилиши воқеасига тўхталаркан, у туғилганда қўллари

⁸³ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1997. – Б.163.

⁸⁴ Нурали Қобул. Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамиш. – Т.: Камалак, 2014. – Б.247-250.

⁸⁵ <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%94%D0%B6%D1%83%D1%87%D0%B8>

янги қонга бўялган экан, деган афсонани келтиради⁸⁶. Ваҳоланки, бошқа манбаларда бу афсона Чингизхонга оид воқеа сифатида келтирилади⁸⁷.

Амир Темурнинг буюк жаҳонгирлиги ҳақидаги афсоналар ва буюк Соҳибқиронга ғарбликлар ва шарқликларнинг симпатияси ғайритабиий воқеаларни, яъни Темур билан боғлиқ бўлмаган воқеаларни ҳам унга нисбат беришга ва шу тариқа Соҳибқиронни идеаллаштиришга олиб келган. Амир Темурнинг Марло драмасидаги тасвирларини типиклаштириш, деб талқин қилиш, бизнингча, тўғри бўлади. Бош қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати билан типик характери мутаносиблиги⁸⁸ шу ўринда аниқ намоён бўлади. Тарихий воқеалар ва тарихий шахс образи ўртасидаги мутаносибликни икки қарра икки – тўрт сингари талаб қилиш бадий асар қонуниятига зиддир.

Инглиз гуманизми XVI асрда умумевропа гуманистик маданиятининг кучли ва сермахсул бўлагига айланган бўлиб, Марлонинг унга қўшган ҳиссаси бебаҳодир. Ўрта асрлар ижтимоий тузумининг емирилиши ва гуманизм ғоялари ривожланишининг бош манбаи бўлмиш янги буржуа ижтимоий-иқтисодий жараёни Англияда Италия ва Нидерландия каби бошқа Европа мамлакатларидан кечроқ содир бўлди. Инглиз гуманизми итальян, француз, нидерланд ва испан Уйғониш даврининг ғоявий қарашларини ўзлаштирди, Европа илғор гуманистларидан черковнинг ғоявий зўравонлигига қарши, инсонларни касбий табақалашувга занжирбанд этган феодализм дунёқарашига қарши курашиш йўллариини ўрганди. Қадриятларнинг янги тизими унга кучли таъсир этди: булар – жисмоний ва маънавий комил инсон идеали; реал ташқи дунё гўзаллигининг ва инсон кечинмалари мураккаб дунёсининг санъат томонидан кашф этилиши; антик дунё маданияти турли қирраларининг чуқур эгалланиши эди.

Умумгуманизмнинг бир қирраси, яъни кучли шахс тарихи ва образига қизиқиш ва хайрихоҳлик инглиз гуманистларига ҳам хос хусусият эди.

⁸⁶ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Т.: Меҳнат, 1992. – Б.68.

⁸⁷ Стэнли Лэн Пуль. Мусулманские династии. Москва – Ташкент – Бишкек: Международное издательство “Туркистан”, 1996. – С.194.

⁸⁸ Томашевский Б.В. Теория литературы. – М.: Поэтика, 1936. – С.215.

Уларнинг инсоният ҳақидаги тушунчалари чексиз ва шу билан бирга, ҳали синалмаган имконият ва куч-қудратга эга алоҳида шахс билан боғлиқ эди.

XVI аср инглиз драмаси, умуман олганда, фавкулудда ва кескин вазиятларга, оташин ва кучли характер қирраларига ҳамда ҳис-туйғуларга тўла нутққа интилган. Бу умумий хусусиятлар, драмаларнинг жанр хусусиятларига оид умумий белгилар бир қонуний жараён ва ҳодиса эканини кўрсатади, уларни бир тизим сифатида баҳолаш ва шу нуқтаи назардан тавсифлаш қаҳрамонлар нутқининг эмоционаллиги, бўёқдорлигини кўрсатиш билан бирга драманинг жанр сифатида шаклланиш жараёнини ҳам далиллайди⁸⁹.

Драма инглиз гуманистик ғоялари билан суғорилган экан, санъатда, энг аввало, драмада ҳаётнинг ва воқеликнинг реалистик хусусиятлари, инсоннинг кўп қиррали тасвири ва бу борадаги анъанавийлик, персонажларнинг психологик ҳолати, қаҳрамонлар нутқининг таъсирчанлиги, тил ифодаси аниқлиги бўй кўрсата борди. Натижада эски – антик давр ва ўрта асрлар даврининг драма шакллари ўзгариб, янгича кўриниш ва мазмун касб этди. Юқорида айтганимиздай, адабиётда, хусусан, драматургияда даврлар алмашинуви юз бериш арафаси акс этгани боис шундай ўзгаришлар юз бериши табиий эди. Зотан, эстетик эҳтиёж ҳам шундай ўзгаришни талаб қиларди. М.М.Бахтиннинг таъбири билан айтганда, эстетик фаолият “фақат санъатда ўзини намоён қилади.”⁹⁰

“Университет ақллари” (University wits)га мансуб драматург Кристофер Марлонинг ҳаёт ва ижод йўли жуда қисқа, ўзига хос бўлиб, у даврнинг ҳур фикрли, янгиликларга интилувчан, ўз драмаларида инсоннинг яратувчанлик куч-қудратини тараннум этган санъаткор эди. Марло инглиз драматургиясида “даҳшатли фожиа” (Powerful tragedy) жанрига асос солди, “инглиз театрининг отаси” (father of the English theatre) деган шарафли номга

⁸⁹ Бу ҳақда қаранг: Тамарченко И.Д. Точка зрения персонажа и авторская позиция в реалистической драме “Гроза” А.Н.Островского // Русская трагедия: Пьеса А.Н.Островского “Гроза” в русской критике и литературоведении. СПб., 2002 – С.396-415; Тамарченко И.Д. Точка зрения героя и авторская позиция в структуре драмы // Филологические записки. – Воронеж, 2000. №15. – С.72.

⁹⁰ Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: 1975. – С.22.

сазовор бўлди. Дарҳақиқат, унинг қаламига мансуб “Буюк Темур”, “Доктор Фаустнинг фожиавий тарихи”, “Мальталиқ яхудий” фожеалари инглиз театрида ижобий бурилиш ясади, Ренессанс ғоялари пурмаъно образларда талқин қилинди,⁹¹ - деб ёзади профессор М.Холбеков.

Ҳар бир ёзувчининг у ёки бу асари бадиияти ва моҳиятини таҳлил қилишдан олдин ёзувчи яшаган давр, мамлакатдаги сиёсий-иҷтимоий ва иқтисодий вазиятга баҳо берилса, ижодкорнинг нияти янада ойдинлашади. Зеро, ижодкор бадиий асарда, шубҳасиз, ҳар бир образ, персонажни ижодкор маълум бир мақсад билан яратади. Унинг вужудга келиши ҳам, такомиллашиб бориши ҳам анчагина мураккаб жараён бўлиб, хилма-хил шаклларда ифодаланади.

Адиблар асарда ўзлари яшаётган макон ва замоннинг долзарб муаммоларини ёритиб беришни мақсад қилади. Шундай экан, Кристофер Марло ва унга замондош ёзувчиларнинг “асарлари тарихий жиҳатдан жуда ҳам муҳим, чунки бу асарлар оммавий сахналар орқали ўз замонасининг аянчли сиёсий ва иҷтимоий воқеаларини ифодалаган эди.”⁹²

Маълумки, Кристофер Марло Англияда сиёсий зиддиятлар авжига чиққан бир даврда яшади. Унинг ёшлиқ йиллари Англия ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий таназзулга учраган даврга тўғри келди. Бўлажак ёзувчи дунёқараши шаклланишида ва ижодда ўз йўлини топиб олишида жуда катта роль ўйнади. Ёзувчининг ижодига синчиклаб эътибор берсак, ўша ҳолатни кузатишимиз мумкин.

Кристофер Марло асарларида илгари сурилган энг долзарб мавзулардан бири монархия ва монархлар масаласи бўлиб, ёзувчи ўзи яшаётган даврнинг эскирган ақида ва ғояларига қарши чиқади. Албатта, бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Англияда иерархия дунёси инқирозга юз бураётган, қироллар илоҳий мажбуриятларини тўлиқ бажармаётган ҳолда, ўз имконият ва имтиёзларини сақлаб қолишга интилишар, Худонинг хоҳиш-

⁹¹ Қаранг: Холбеков М. Марло ва Шекспир: икки адиб тақдири //Хорижий филология. 2014. №1. – Б.78-84.

⁹² Michael, J. Kelly. Christopher Marlowe and Golden Age of England //The Marlowe Society Research Journal. 2008. Volume №05. – P.25-38.

иродасидан ўз истакларини юқори қўя бошлагандилар. Зулм ва истибдод шароитида абсолют монархияга жамиятнинг ишончи йўқолиб бораётгани боис, омманинг эътирозларига сабаб бўлаётган эди.

Авваллари қиролларни илоҳийликка алоқадор деб ҳисоблаган ва уларнинг нуқсонлари ҳақида ҳатто гап очишга қўрққан халқ энди уларнинг юриш-туриши, турмуш тарзини муҳокама қила бошладилар. Бу ҳолат Марло драмасида ҳам ўз ифодасини топган эди:

*Theridamas: A god is not so glorious as a king:
I think the pleasure they enjoy in heaven,
Cannot compare with kingly joys in earth;
To wear a crown enchased with pearl and gold.
Whose virtues carry with it life and death;
To ask and have, command and be obey'd;
When looks breed love, with looks to gain the prize,
Such power attractive shines in princes' eyes. (Act I, sc,II)*

Таржимаси: Теридам: худолар қиролдек улугвор эмас: ўйлашимча, уларнинг кўкдаги фароғатлари қиролларнинг ердаги шоҳона ҳаётларига тенг кела олмайди. Марварид ва олтин ила безатилган тож кийган бу саховат эгаларига ўлим ҳам, ҳаёт ҳам боғлиқ, сўраган нарсаси муҳайё бўлар, буйруқ берса агар ҳамма бўйсунар.

Табиийки, Марло ўзи яшаётган жамиятнинг ожиз томонларини тасвирлаш учун экзотик номлардан, хусусан, Темур (яъни Тамберлейн) образидан прототип сифатида фойдаланган. Аввал айтиб ўтганимиздай, “Темур Усмонли турк ҳукмдори Боязид устидан ғалабаси туфайли Европа диққат-эътиборини тортади. Темур Уйғониш даври Европасида истак ва хоҳиш, ирода қудрати рамзига айланади. Уни адабиётда ғайри табиий куч-қудрат ва ирода эгаси сифатида тасвирлай бошладилар”⁹³. Марло ўзини қийнаётган кўплаб ижтимоий саволларга ана шу шарқлик ҳукмдор сиймосида жавоб топади. Бунинг натижасида “Буюк Темур” драмаси юзага

⁹³ Manz, Beatrice Forbes. Tamerlanes Career and Its Uses //Journal of World History, 2002. № 1. – P.1-25.

келади. Бироқ кўпчилик ўйлаганидек, бу драмада соҳибқирон Амир Темурнинг фотиҳлик юришлари эмас, балки XVI аср Англиясидаги монархия заифликлари, зиддиятларини ёритиш асосий ўрин тутди. Марло Темур образидан ўз даври қиролларининг камчилик ва нуқсонларини акс эттирувчи ойна сифатида фойдаланди, уқувсиз қироллардан буюк Темурнинг устунлигини иложи борича кўпроқ кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. Зотан, Ватанига меҳр қўйган, Ватанини чинакам севган ижодкоргина ана шундай катта мақсадларни ўз асарига олиб киради. Зеро, юксак бадиият талабларига жавоб бера оладиган асарлар ўз даврининг ижтимоий ғояларини ташийдиган адабий-эстетик майдон вазифасини адо этади.

Энг аввало, драма бошида Хисрав ва унинг акаси – қирол Мисет ўртасидаги суҳбат сахнаси эътиборни тортади. Марло тасвиридаги Мисет уқувсиз ва мустақил қарор қабул қила олиш лаёқати бўлмаган қиролдир. Шунинг учун ҳам унинг душманлар олдидаги ожиз экани ошкор кўрсатилади. Масалан:

*... I perceive you think
I am not wise enough to be a king:
But I refer me to my noblemen,
That know my wit, and can be witnesses.
I might command you to be slain for this,--
Meander, might I not?*

Таржимаси: *Биламан нима деб ўйлаганингни, қирол бўлиш учун етарли даражада ақлли эмасман: бироқ аъёнларим гувоҳ донолигимга. Сени ўлимга ҳукм қилишим мумкин. Шундай эмасми, Меандр?*

Қирол Мисет ўзининг доно эканини таъкидласа-да, аммо у ҳукм чиқаришда маслаҳатчиларига мурожаат қилмоқда. Бу сахна эса унинг ўз муаммоларини мустақил ҳал эта олмаслигини кўрсатади, охир-оқибат унинг бу камчиликлари тахтдан қулашига олиб келади. Мисет сўнгги қарор ёки масъулиятни ўзидан қуйи лавозимдаги одамга ўтказди. Маслаҳатчиси Меандрга, ўзимнинг укам Хисрав мени ҳақоратлагани учун ўлимга ҳукм

килишим мумкинми ёки мумкин эмасми, дея сўрайди. Бу билан адиб Мисет қарорларининг қатъий эмаслиги, ўзига ишонмаслигини таъкидлайди. Бу сахна бизга қиролича Мэрининг қатл этилишида қиролича Елизаветанинг мустақил қарор қабул қила олмасдан, ўз маслаҳатчилари томонидан кўндирилгани воқеаларини эслатади. Зеро, Елизаветанинг маслаҳатчилари уни “Мэри ҳаёт экан, Елизаветанинг тахти ҳам, ...ҳаёти ҳам хавфсиз бўлмаслигига”⁹⁴ ишонтира олишгани тарихий ҳақиқатдир.

Драма аввалидаёқ ака-укалар Мисет ва Хисравнинг тож-тахт учун курашини англатувчи диалог берилади. Бу сахна воқеалари инглиз томошабинларига таниш бўлиб, уларнинг диққат-эътиборини дарҳол жалб эта оларди. Зеро, бу ўша даврдаги Англияда рўй бераётган сиёсий курашларга ишора эди:

*Cosroe. Unhappy Persia, that in former age
Hast been the seat of mighty conquerors,
Now to be ruled and governed by a man
At whose birthday Cynthia with Saturn joined,
And Jove, the Sun, and Mercury denied
To shed their influence in his fickle brain!
Now Turks and Tartars shake their swords at thee.
Meaning to mangle all thy provinces.*

Таржимаси: Бечора форс ўлкаси, ўтмишида қудратли фотиҳлар макони эди, энди эса уни ақли ноқис бир киши бошқармоқда. Энди турк ва татарлар сенга қилич ялангочлашар, бу эса сенинг ўлкангга путур етишидан далолатдир.

Хисравнинг Форс тахтига ўтириш орзуси қиролича Мэри орзуларига ҳамоҳанг бўлиб, ака-ука Мисет ва Хисравнинг ички зиддиятлари бизга Елизавета ва Мэриларнинг салтанат ҳукмронлиги учун олиб борган ўзаро курашларини эслатади.

⁹⁴ Mac Caffrey, Wallace T. Elizabeth I. E. Arnold. – London: 1993. p. 104-105.

Ўрта аср Европасида қироллар, биз Худонинг рухсати билан бошқарув ҳуқуқига, яъни илоҳий ҳуқуққа эгамиз, деб даъво қилишарди. Улар ўзларини Худонинг ердаги ноиби ҳисоблар эдилар. Гарчи қирол бирон-бир қўзғолон туфайли тахтдан қулатилса ҳам, у қироллигича қолаверарди. Бироқ Марло “Буюк Темур” драмасида қиролларнинг ҳеч қандай илоҳийликка дахлдор эмасликларини кўрсатиб берди, “Темур дунёсида қироллар ўз куч-қудратлари билангина тахтга эришадилар. Улар бор-йўғи ўзгалардан куч-қудрати кўпроқ инсонлар, холос. Инсоннинг қудрати ошса, у қирол бўлиши мумкин, тож-тахтнинг эса илоҳийликка ҳеч қандай дахли йўқ”⁹⁵.

Tamburlaine. *Is this your crown?*

Mycetes. *Ay: didst thou ever see a fairer?*

Tamburlaine. *You will not sell it, will you?*

Mycetes. *Such another word, and I will have thee executed. Come, give it me.*

Tamburlaine. *No; I took it prisoner. (I.4)*

Таржимаси: Темур: *Бу нима? Сенинг тожсингми?*

Мисет: *Албатта. Яхшими?*

Темур: *Менга сота қол!*

Мисет: *Бундайин сурбетлик учун*

Хали жавоб берасан! Бу ёққа узат!

Темур: *Йўқ! Мен уни жанг ила олдим.*

Бу парчадаги ғоя XVI аср Англиясининг ақидаларини тамомила рад этади. Марло инсон истак-хоҳишининг ва қатъиятининг кучига эътибор қаратади, тож-тахтнинг омонатлигига рамзлар орқали урғу беради. Қирол Мисетнинг хатти-ҳаракатлари эса тождан қироллик куч-қудрати сифатида фойдаланадиган оддий инсонни эслатади. Америкалик шарқшунос Жастин Мароцци ҳам Марло ўз драмасида айнан Англиядаги вазиятни тасвирлаганига шубҳа билдирмайди: “Пьесани қироллик ҳукумати ва

⁹⁵ Beal, Nathaniel. *Let us March Against the Fires of Heaven: Tamburlaine, Marlowe and Atheism* // *Speech & Drama Honors Theses*. 2008. Paper №3. http://digitalcommons.trinity.edu/speechdrama_honors/3

абсолют монархия тартиблари устидан масхаралаш деб қабул қилиш мумкин”⁹⁶. Муаллиф бундай болаларча дунёқарашга эга бўлган қироллар устидан кулади:

*Mycetes. For kings are clouts that every man shoots at,
Our crown the pin that thousands seek to cleave:
Therefore in policy I think it good
To hide it close;... (P.I, Act.I, Sc.4)*

Таржимаси: *Мисет: Ахир шоҳ ҳамманинг кўнглидаги нишон, ҳар ким ундан тожни тортиб олишга интилади! Шу боис хилват жойга тожни яшириб қўйиш керак.*

Марло қиролларнинг нафақат юриш-туришлари, балки гап-сўзларида ҳам маъни йўқ эканини Темур тили билан фош қилади ва Темурни улардан юқори қўяди:

Tamburlaine: I would entreat you to speak but three wise words. (P.I, Act.I, Sc.4)

Таржимаси: Темур: *Илтимос, ҳеч бўлмаса икки-учта маънили сўз айт.*

Марло драмасида кўтарилган ғоялардан бири бу инсон омилкорлиги масаласидир. Темур Мисет армиясини тор-мор этгач, унинг тожини тортиб олиб, тахтга ўтиради. У қиролликка ўз-куч-қудрати, ҳукмдорлик иқтидори ва қиличбозлик маҳорати билан эришади. У ҳеч қандай илоҳдан мадад тиламайди. Менга тожни олишда ёрдам берган қиличим ҳаққи қасам ичаман, дейди у.

Марло драмасида ўз ифодасини топган бу каби ғоялар Европа қиролларининг тож-тахтга қонуний даъвогарликларини асослаб турувчи илоҳий ақидаларни йўққа чиқаради. У қироллар ҳам оддий инсонлар, фақат улар кўпроқ куч-қудрат эгаси эканликларини, агар ана шу куч-қудратидан маҳрум бўлсалар, оддий инсонлар қаторига тушиб қолишларини, аксинча, оддий инсонлар ҳам куч-қудрати ва шижоати ва омилкорлиги орқали

⁹⁶ Мароцци, Жастин. Тамерлан: Завоеватель мира. – М: Полиграфиздат? 2010. – С.66.

кироллика даъво қилибгина қолмасдан мақсадига ета олишларимумкинлигини ҳам кўрсатиб беради.

Темур Мисетнинг бошидан тожни олади ва бошига кияди: ”Ким келса ҳам бу ўлжани унга бермасман”, дея ўз шижоаткорлигини намоён қилади.

Темурнинг тожни ўлжа дейиши диққатга сазовордир. Табиат конунларига кўра, ўлжа доим кучли ва шижоатлиларга насиб қилади. Ўлжа меросхўрлик ва анъанавийликка алоқадор эмас. Марлонинг таъкидича, ҳаётда ким кучли бўлса, юқори даражага эришиши мумкин, имконият борасида қирол ҳам, қарол ҳам барабардир.

Тож билан боғлиқ эпизод Боязид ва Темур тўқнашувидан кейин ҳам кўзга ташланади. Эътибор беринг: Боязид аждоди ҳукмдор бўлган шахс. Темур эса оддий инсонлар авлоди, холос. Тасвирдаги бу нуқта яна тахтнинг илоҳий эмаслигини таъкидлайди. Агар сиёсий куч-қудрат, давлат илоҳий бўлганида қўлдан-қўлга, айниқса, ҳукмрон қўлдан оддий – “қуйи табақа” вакилининг қўлига ўтиб қолармиди?

Марлонинг Боязид образини драмага нима учун киритгани маълум. Европаликларнинг диққат марказида Амир Темурнинг Боязидга қарши кураши туради. Ўрта аср Европа ёзувчилари ижодига ўзларига қўшни бўлган туркларнинг Амир Темур ҳақидаги афсоналари катта таъсир ўтказган ва натижада уларнинг наздида “Темур грек ва туркларнинг бир ёқлама ғараз билан баён қилинган фантазиялари натижасида афсонавий қаҳрамонга айланади”⁹⁷. Ўша давр адабий контекстида Боязиднинг душмани Темур туркий ўлкалар хони бўлиб, келиб чиқиши скифиялик чўпон деб тасвирланади. Европалик адиблар тасаввурида Амир Темур Анатолия, Қуддус, Бобилни забт этиб, Боязидни ҳам мағлуб этади. “Шуни ҳақиқатан тан олиб айтиш керакки, - деб ёзади Ҳарольд Лэмб, - ўтмишда европаликлар Анқарадаги Темурнинг зафарли юришларини нотўғри талқин этишган. Бу жангга тарихий ҳужжатларга кам мурожаат қилган ҳолда асосан турклар ва греклар қарашлари бўйича баҳо беришган, туркий манбаларни эса умуман

⁹⁷ Лемб, Гарольд. Тамерлан. Потрясатель вселенной. – М: Вече, 2008. – С.293.

ҳисобга олишмаган”⁹⁸. Шунинг учун Марлонинг Темури тарихий Темурдан анча фарқ қилган. Аниқроқ айтадиган бўлса, айти мана шу омил Темур образидаги тўқимага кенг йўл очгани ҳолда, унинг тарихий асосларидан узоқлашиб кетишига сабаб бўлган.

Уйғониш даврининг иқтисодий-сиёсий ҳаёти инсон шахсини биринчи ўринга қўйди. Инсон фаолиятига феодал-табақачилик муносабатлари, черков-аскетик ахлоқ, ўрта аср анъаналари доираси торлик қила бошлади. У энди ўзига, атрофга бошқача кўз билан қарайдиган бўлди, унинг воқеликка, ўтмишга баҳоси, эстетик муносабати ўзгара бошлади. Янги давр намояндалари, шу жумладан, Марло ҳам ўз драмасининг объекти сифатида инсонни бош ўринга қўйди. Инсонни табиатнинг ажралмас бир қисми ва мукаммал маҳсули сифатида тушунди.

Марло Англияга намуна қилиб кўрсатиб бермоқчи бўлган ҳақиқий кирол, жаҳонгир ва қаҳрамон Темур образи эди. Бу тарихий шахс характеридаги кўплаб қирралар Марлони ром қилган бўлса, ажабмас. Ўрта аср қироллари унутиб қўйган мардлик, жасурлик ва тантилик каби хислатларни у балки Амир Темур шахсида кўргандир:

Tamburlaine: We will not steal upon him cowardly,

But give him warning and more warriors... (P.I, Act.I, Sc.5)

Таржимаси: Темур: *Биз қўрқоқ эмасмиз, пусиб келиб ҳужум этмоққа.*

Йўқ, биз олдиндан огоҳлантирамиз ҳужум ҳақида.

Қиролларга хос бу каби мардлик намунасини рицарлик романларидагина ўқиган Марло учун Амир Темур сиймоси афсонавий туюлгани аниқ. Аммо Марло тавсифидаги бу афсонавийлик тарихий ҳақиқат эди. Зеро, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий ва бошқа шарқлик муаррихларнинг Амир Темур ҳақидаги асарларида Соҳибқироннинг доим душманга ошкора ҳужум қилгани, қолаверса, кўплаб қалъаларга ҳужум қилишдан олдин уларни огоҳлантиргани ҳақида маълумотлар берилган.

⁹⁸ Лемб, Гарольд. Тамерлан. Потрясатель вселенной. – М.: Вече, 2008. – С.282.

Марло Англияда сиёсий ва диний зиддиятлар авжига чиққан бир пайтда яшади. “Қирол Ҳенри VIII ҳукмронлиги даврида ҳукумат католик черковидан ажралиб чиққанидан бери қайси диннинг тўғрилиги, ким қайси динга эътиқод қилиши ва шунга ўхшаш фикрлар одамларнинг онгига сингиб кетган эди”⁹⁹. Халқ гоҳ католик, гоҳ протестант мазҳабига ўтар, қайси мазҳаб таълимоти ҳақ, қайси бири ноҳақ эканини тушуниб ета олмасди. Елизавета ҳукмронлиги даврида эса дин қадимий черков анъаналарига эътиқод қилишдан кўра парламент ва қиролича буйруқларига бўйсунар эди.

Ўша пайтларда бу каби масалаларни театр сахнасига олиб чиқиш ва одамлар ҳукмига ҳавола этиш хатарли эди. Диний масалалар ва ҳукумат ишларини муҳокама этувчи ҳар қандай асарлар қиролича томонидан таъқиқланганди. Драматурглар ҳам бундай мавзулардан ўзларини четга олишарди. Янги диний тартиблар энди жорий этилган ва ҳукумат ўзини тўлиқ мустаҳкамлаб олмаган бундай пайтда халққа ва унинг онгига кучли таъсир этувчи театр санъатининг диний масалаларни таҳлил этишига йўл қўйиб бўлмасди.

Шундай экан, Марло ўзининг динга бўлган муносабатини экзотик қаҳрамонлар тилидан айтади:

*Tamburlaine: Now, Casane, where's the Turkish Alcoran,
And all the heaps of superstitious books
Found in the temples of that Mahomet
Whom I have thought a god? they shall be burnt. (P.I, Act.II, Sc.II)*

Таржимаси: *Темур: Ҳазан, Мен худо деб ўйлаган ўша Муҳаммаднинг ибодатхонасидан топилган турклар Қуръони ва ўша бир тўда хурофий китоблар қани? Ҳаммаси ёқилсин...*

Хўш, Марло мусулмон динини шунчалар ёмон кўрганми, ёки Амир Темурнинг ислом дини, дин пешволари ва муқаддас китобларга бўлган муносабатини билмаганми? Балки Марло косасининг тагида нимкоса бордир?! Бу каби саволларга жавоб топиш учун аввало Марло яшаган

⁹⁹ Riggs, David. Marlowe's Quarrel with God. – New York: AMS Press, 1988. – P.31.

даврнинг ижтимоий, сиёсий жараёнларини ўрганиш лозим. “Кристофер Марло асарлари у яшаган давр маҳсули экани шубҳасиз. Шундай экан, Елизавета жамиятининг Марло асарларига таъсирини аниқлаш учун ана шу даврга олиб келган тарихий воқеаларни изчил ўрганиб чиқиш муҳим”¹⁰⁰.

Кристофер Марлонинг ҳаёти жуда мураккаб ва қийин шароитларда, янгилик билан эскилик орасидаги кескин олишувлар жараёнида ўтади. Адиб тобора разиллашиб бораётган буржуазия зулми ва реакцияси, тескарича монархия, амалдорлар зулми ва реакцияси ғоят шиддатли тус олган жуда оғир ва машаққатли даврда яшади.

“Буюк Темур” драмаси ана шундай диний ва сиёсий карама-қаршиликлар замонида яратилди. “Кристофер Марло Амир Темурни динсиз, даҳрий қилиб кўрсатади. Уни ўз тасвирида Муқаддас китобларни, жумладан, Қуръонни ёқишга мажбур этади. Бу эса тарихий ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди,”¹⁰¹ – деб ёзади Ҳ.Кароматов. Тарихий ҳақиқатга зид экан, демак, драмада гап Шарқ олами ҳақида бормаган. Хўш, у ҳолда Марло ўз асарида кимларни, қайси эътиқоддаги халқни назарда тутган? Адабиётшунос Лиза Хопкинзнинг фикрлари ана шундай саволларга жавоб бериши мумкин: “Инглиз томошабинлари наздидаги ўзга объектлар аслида уларга ўзларини кўрсатиб беришга хизмат қилади”¹⁰².

Ҳақиқатан, Лиза Хопкинзнинг гапи мантиқли. Сиёсий вазият таранглашган бир пайтда Марлонинг ўз мамлакатада юз бераётган воқеаларни тасвирлаши учун экзотик номлардан фойдалангани нисбатан ҳавфсиз эди. Зеро, “... ўзгалар мамлакатада Муҳаммадни ҳақорат қилиш ва унинг муқаддас китобини ёқишга Елизавета давридаги театр сахнаси учун рухсат бериларди, унга ишонишлари, ҳатто хайрихоҳлик билдиришлари ҳам мумкин эди,”¹⁰³ – деб ёзади Лиан Маркус.

¹⁰⁰ Scott, Jeffrey. The influence of Elizabethan society on the writings of Christopher Marlowe // The Marlowe Society Research Journal. 2008. № 5. – P.26-54.

¹⁰¹ Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993. – Б.21.

¹⁰² Hopkins, Lisa. And shall I die, and this unconquered?: Inverted colonialism // Early Modern Literary Studies. 1996. № 1. – P.1-23. URL:<http://purl.oclc.org/emls/02-2/hopkmarl.html>.)

¹⁰³ Marquis, Liane. Marlowe, Tamburlaine and the Demise of Traditional Elizabethan Monarchy. Senior Honors Thesis. 2006. – P.1-43. <http://handle.net/2047/d10001517>

Лиан Маркус фикрларини давом эттириб, шундай таъкидлайди: “Тамбурлейн Исони эмас, Муҳаммадни қоралаган чоғда, агар унга имкон берилганда у Исога ҳам шундай муносабатда бўларди. Ҳақиқатан у шундай қилган бўларди, бироқ Елизавета давридаги театр сахналарида бу катта жанжалга олиб келар, ҳойнаҳой бу каби мавзуда ижод қилиш Марло учун ўлим билан тугаши ҳам мумкин эди”¹⁰⁴.

Марло ўзи яшаётган даврда диннинг фақат ҳукмрон доиралар манфаати учун хизмат қилишининг гувоҳи бўлган ва бу, албатта, қуйи табақа вакили бўлмиш ёзувчининг динга бўлган ишончини йўққа чиқарган. Рухонийларнинг кирдикорларини, халқнинг эса турли сиёсий ўйинлардан эзилиб бораётганини кўрган Марло бу ҳолатларни ўз ижодида тасвирлашга ҳаракат қилади. Бироқ ўша пайтларда бу каби масалаларни театрда ёритиш ва одамлар ҳукмига ҳавола этиш хатарли эди. Диний масалалар ва ҳукумат ишларини муҳокама этувчи ҳар қандай асарлар қиролича томонидан таъқиқланган эди. Кўпчилик драматурглар бундай мавзулардан ўзларини четга олишарди. Янги диний тартиблар энди жорий этила бошлаган ва ҳукумат ўзини тўлиқ мустаҳкамлаб олмаган бундай пайтда халққа кучли таъсир этувчи театр санъатига диний масалаларни таҳлил этишга йўл қўйиб бўлмасди. “Буюк Темур” драмаси муаллифи эса масалага бошқача ёндашади, яъни экзотик номлар ва ўзга диндан усталик билан фойдаланадики, “...форслар тилидан гапириш Марло учун ўз ҳис-туйғуларини яширишнинг энг яхши йўли эди,”¹⁰⁵ – деб ёзганда Изабель Гортазар ҳақ эди.

Минглаб инсонларнинг беҳуда қирилиб кетишига сабаб бўлган монархлар ва дин арбоблари қанча хунрезликлар қилмасин, Худо томонидан улар жазоланмаётганини кўрган Марло драма қаҳрамони тилидан шундай дейди:

In vain, I see, men worship Mahomet:

¹⁰⁴ Marquis, Liane. Marlowe, Tamburlaine and the Demise of Traditional Elizabethan Monarchy. Senior Honors Thesis. 2006. – P.1-43. <http://handle.net/2047/d10001517>

¹⁰⁵ Gortazar, Isabel. Tamburlaine's sonnets // The Marlowe Society Research Journal. 2009. №6. Online Research Journal article. – P.46-75.

*My sword hath sent millions of Turks to hell,
Slew all his priests, his kinsmen, and his friends,
And yet I live untouch'd by Mahomet.*

Таржимаси: *Англадимки, бекор ишонишар Муҳаммадга халқ,
миллионлаб туркларни дўзахга равона қилдим ва дин пешволарию дўсту
ёрларин ва лек тирикман, жазоламас мени Муҳаммад.*

Шу ўринда яна қўшимча қилиб айтиш мумкинки, исломда Муҳаммад пайғамбарнинг қайтиб келиб, эзилган халқини ҳимоя қилиши ва зулмкорларни жазолаши ҳақидаги таълимот йўқ. Фикримизча, бу каби таълимотлар христиан динига тааллуқлидир. Исо Масих ер юзига қиёмат куни қайтиб келиб, ҳаммани ҳукм қилиши ҳақидаги ақида исломга ҳам, мусулмонликка ҳам тааллуқли эмас. Мана шу ишорадан ҳам драмада гап қайси эътиқод ҳақида бораётгани аниқ кўриниб турибди.

Халқни динга сиғинишга ҳам даъват қилган, ҳам мажбур қилган монархлар ва дин пешволарининг ўз таълимотларига амал қилишмагани, бир дин вакиллариининг ўзаро адоватлари, фикримизча, Марлонинг динга бўлган ишончини сўндиради. Шунинг учун “Буюк Темур” драмасининг асосий ғояси Амир Темур тарихий шахси ва унинг мусулмон динига бўлган муносабатини тасвирлашдан эмас, балки Майкл Келлининг “Марлонинг динга хужумидан иборат”¹⁰⁶, деган фикри мантиқан тўғридир. Қолаверса, динга давлат сиёсий ҳаётида жуда эрк берилиши фақат кенг халқ оммасига жабр эканини Марло кўрсата олган.

Аммо Марло худоларга қарши чиққанини кечирса-да, оддий инсонлар ўлимига сабаб бўлган бош қаҳрамонни кечира олмасди. Шунинг учун асар якунида Темурнинг ҳаётига нуқта қўяди.

Шундай қилиб, Амир Темур ҳақида яратилган асарлар муаллифларнинг ўз даврлари ижтимоий-сиёсий ҳолати ҳақидаги қарашларини билдириш воситасини бажарган.

¹⁰⁶ Kelly, Michael J. Christopher Marlowe and Golden Age of England // The Marlowe Society Research Journal. 2008. №5. – P.64-80.

ЭПИК АНЪАНАЛАРДАН РЕАЛИСТИК ТАЛҚИН САРИ

Амир Темур мавзуси Англияда Марло драмаси билан ўз якунини топмади. Кейинги даврда инглиз адабиётида Темур образи янгича талқинда яратила бошланди. Марло қаҳрамони илохий, маълум даражада афсонавий қудрат эгаси бўлган, Чарльз Сандерс ва Николас Роулар яратган Темур образи эса реалистик унсурларга бойлиги билан ажралиб туради.

Инглиз драматурги Чарльз Сандерс 1681 йилда “Буюк Темур” драмасини ёзди. Драма шу йили Лондонда чоп этилди.

Драма 5 парда, 9 кўринишдан иборат. Унинг аввалида қатнашувчилар рўйхати келтирилмаган. Асар Тамерлан, Мандрикард (Тамерланнинг тўнғич ўғли), Одмар, Абдалла, Боязид, Аштерия (Боязиднинг кизи), Арсейн (Тамерланнинг кичик ўғли), Аксалла каби образлар иштирок этади.

Чарльз Сандерс драмасида ҳам, кейинги давр ғарб асарларидаги сингари, асосий етакчи сюжет Темур ва Боязид тўқнашувига асосланган. Драма руҳонийларнинг Оллоҳга илтижоси ва шукрона ҳамду санолари билан бошланган. Шундан кейинги сахнада Темур ва унинг лашкарбошилари ўртасидаги суҳбат боради. Бу суҳбат мазмунидан ўша пайтда Европани зир титратган Боязид ҳақида сўз кетаётгани англашилади:

Abdalla: ... *Bajaset,*

Whose dreadful Name so oft shook Greece with Terror

And struck her Princes Dumb with fear, That Man

To whom all Asia Bow'd, has Learnt to Kneel,

To Tamerlane more Mighty Pow'r; ...

Таржимаси: *Боязид... Бу номдан зир титрар Юнонистон ҳам, қўрқувдан титрайди шаҳзодалари, бутун Осиё бош эгган унга, аммо у ҳам мажбур тиз чўқмоқликка, ўзидан қудратли Тамерланга.*

Парчадан кўриниб турибдики, Боязиднинг исмиданоқ бутун Юнонистон қўрқувдан зир титраган, унинг исми шаҳзодалар юрагига ваҳима солган, бутун Осиё ҳам унинг олдида бўйин эгган. Аммо шундай инсон ўзидан-да қудратлироқ Темур олдида тиз чўкишга мажбур бўлган.

Яна бир қаҳрамон – Одмар тилидан айтилган куйидаги сўзлар муаллифнинг Темур ҳақида билдирган фикрларидир:

*Odmar: ...the World is pleas'd and silent,
Amaz'd, and wondering at the sudden Change,
The happy change of Monarchs...*

Таржимаси: ... дунё хурсанд ва сақлар жимлик, таажжуб ва ҳайрон бу ногаҳон ўзгаришдан, ҳукмдорнинг ўзгаришидан...

Муаллиф дунё аҳлининг қироллар алмашинувидан мамнун. Бу Одмар нутқи воситасида билдирилмоқда. У яна шуни қўшимча қиладики, бу ўзгариш одамлар учун кутилмаган янгилик эди. Зеро, Европа халқлари ўз бошларига келаётган офат муқаррар эканини, ундан қутулишнинг иложи йўқлигига ишончлари комил эди. Ана шу пайтда улар учун кутилмаган томондан носалум ҳукмдор пайдо бўлади. Бу ҳукмдор уларни муқаррар фалокатдан қутқариб қолади. У Темур эди. Одмар тилидан айтилган мамнунлик фақат муаллиф нуқтаи назари эмас, балки Европа халқларининг нияти ҳам эди.

Темур ҳузурига Боязид ва унинг рафиқасини қўллари боғланган ҳолда олиб киришади. Ана шу сахна кўринишида Тамерлан ва Боязид ўртасида суҳбат борадики, шу суҳбат орқали асар муаллифи ўз қаҳрамонлари характериini ўқувчиларга очиб беришга уринади. Тамерлан Боязидга қирол дея мурожаат қилади ва Боязидга унинг қулаб бораётган ва кучсизланиб қолган салтанатига нафрат билан қарамагани, уни тобе қилиш учун келмаганини тушунтиришга уринади. Темур унга хусумати йўқлигини айтади ва ҳаётини ўзига инъом этади. Бироқ Боязид бу инъомни ўз душмани олдида ҳақорат ва камситилиш деб қабул қилади:

*Bajaset: And dost thou think the Glorious Bajaset
Can stoop so low?*

Таржимаси: Улугвор Боязидни шунчалар паст кетади деб ўйлайсанми?

Шуниси қизиқки, гарчи Чарльз Сандерснинг тарихий шахс Амир Темур ҳаёти ҳақида қандай маълумотга ва далилларга эга экани бизга аён

бўлмаса-да, драмада бош қаҳрамон тилидан айтилган сўзлар, унинг нуқтаи назари тарихий ҳақиқатга мос келади. Тарихий далилларга кўра, Амир Темур Боязид билан жангидан олдин унга тўрт марта мактуб жўнатган ва мактубларига жавоб олган.¹⁰⁷ Мактублар мазмунидан англашилишича, Амир Темурнинг биринчи ёзган мактубига Йилдирим Боязид ғазабини тўкиб солиб, номақбул сўзлар билан ҳақоратлаган бўлса, охириги тўртинчи мактубда “Темур Кўрагон ҳазратлари!” деб мурожаат этади. Амир Темурнинг мактубларида босиқлик, Йилдирим Боязидни сулҳ тузишга ундаш мазмуни бор. Мусулмон оламининг раҳнамоси сифатида Боязидга ўғит оҳанглари устувор. Ўзбек адабиётшунослигининг катта билимдони А.Ҳайитметов айтганидек, Амир Темурда қаҳр ҳам бўлган, меҳр ҳам¹⁰⁸. Қолаверса, тарих солномаларидан маълумки, Амир Темур ҳаёти давомида кадрлаган энг муҳим фазилатлардан бири ишонч ва дўстликдир. Чарльз Сандерс ҳам ўз асари бош қаҳрамони Амир Темурдаги ана шу фазилатга алоҳида эътибор қаратган:

Tamerlane: ...*Faith is the brightest Jewel of a Crown.*

Сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак, Темур ишонч – тожнинг энг ёрқин, ярақлаб тургувчи, порлоқ жавоҳири, деган фикрни билдирмоқда.

Асарни аслида том маънода тарихий драма деб аташ нотўғри бўларди. Зеро, драмадаги воқеалар аслида икки ёш ўртасидаги севги қиссасига асосланган. Бир-бирига душман бўлган икки ҳукмдорнинг фарзандлари бир-бирларига кўнгил қўйишган ва уларнинг бошларидан ўтган қийинчиликлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Фикримизча, Чарльз Сандерс Амир Темур тарихий шахси ва Боязид каби ўша даврнинг машҳур ҳукмдорлари тақдири, улар ўртасидаги бутун дунёга машҳур тўқнашувдан маҳорат билан фойдаланган. Чунки ўрта асрларда Европа халқлари Шарқда бўлиб ўтган воқеаларга катта қизиқиш билан қарашган. Шарқ улар учун жуда сирли мамлакат бўлиб туюлган.

¹⁰⁷ <http://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/amir-temur-va-ildirim-boyazid-orasidagi-maktublashuv/>

¹⁰⁸ Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1996. – Б.15.

Айниқса, Европани зир титратган Боязиднинг Амир Темурдан енгилиши, буюк Анқара жанги тафсилотлари, Амир Темур ва Боязид муносабатлари ҳақидаги афсонаю ривоятлар, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ҳикоялар европаликлар учун муҳим мавзу ҳисобланган. Тарихий воқеалар, қолаверса, буюк шахсиятлар билан боғлиқ воқеаларга омма албатта ўзининг муносабатини билдиргани боис халқ оғзаки ижодига оид жанрлардан ижодкорлар унумли фойдаланганлар. Шунинг учун Чарльз Сандерс драманинг номидан ва бу икки тарихий шахс образидан моҳирона фойдаланган, натижада драма омма томонидан яхши кутиб олинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Чарльз Сандерс ҳам тарихий шахслар ва воқеалар тасвирига табиийлик, реаллик бахш этишга ҳаракат қилган. Бироқ унинг маълум бир ишончли тарихий манбага мурожаат этгани ҳақиқатдан йироқ. Фикримизча, Чарльз Сандерс ҳам, ўша даврнинг кўплаб драматурглари сингари, оғзаки маълумотларга асосланган. Чамаси, Амир Темурнинг шахсиятига оид юқорида биз келтирган аниқ далиллар Чарльз Сандерсга оғзаки шаклда етиб келган. Амир Темур ва Боязиднинг бир-бирига ёзган мактублари мазмуни акс этган тасвирлардан шу фикр англашилади. Бунга асос шуки, драмада Боязиднинг исми ва унинг асир тушганидан бошқа ҳамма образ ва воқеа муаллифнинг бадиий тўқимаси маҳсулидир. Драмадаги образларнинг айримлари исмлари ўша давр Европасидаги инглиз тили талаффузига мосланган шарқона исмлардир. Масалан, Абдалла – Абдулла, Одмар – Умар, Тамерлан – Амир Темурнинг Европада кенг тарқалган номи. Бундан ташқари, Амир Темурни ҳатто XVII асрда ҳам европаликлар скифиялик деб ҳисоблашган кўринади. Чунки Чарльз Сандерс драмасида ҳам Темур тилидан айтилган сўзларда худди шу нарса кузатилади:

Tamerlane: After our Sacred Rites to Alha paid

Tis fit we show our second Thanks in Joy

And Triumphs which to Victory are due.

Let Scythia now Arrai'd in all the Pride.

Таржимаси: *Худо олдиди муқаддас маросим бажо этгач, қувонч ила галаба учун ўзимизнинг шукронамизни айтамыз. Энди Скифия гурурга буркансин.*

Амир Темур қанчалик афсонавий шахс бўлса, унинг мамлакати Скифия ҳам афсонавий мамлакат деб тасаввур қилинган. Шарқ эртак ва достонларининг мотив ва сюжетларининг изларини мазкур драмада ҳам кўрамыз. Афсонавий сюжет ва мотивлар нафақат шахсиятларни, балки географик муҳитни ҳам афсонавийлаштиради. Айтиш мумкинки, Чарльз Сандерс Амир Темур образига сеҳрли эртаклардаги “ўлмас Кашшей” сингари образларнинг моҳиятини ҳам сингдирган кўринади. Юқорида айтганимиздай, Амир Темурни Боязид зулмидан қутқарадиган ҳалоскор сифатида талқин қилиш Амир Темур образига қаҳрамонлик мотивини драма сюжетида айлантиришга туртки бўлган. Шуни эътиборга олиш керакки, “Агар тарих жамиятда юз берган воқеалар занжирини далиллар орқали ёритса, халқ томонидан бу воқеаларнинг қабул қилиниши фольклорда ва воқеаларнинг бадиий тасвирида яратилади. Яъни фольклор воқеликни фольклорнинг ўзида шаклланган образлар ва архетиплар орқали таҳлил қилади. Шу тариқа тарих фольклор орқали талқин қилинади”¹⁰⁹. Чарльз Сандерснинг драмасидаги фольклор мотивларини ҳам ана шу қонуният асосида тушуниш ва таҳлил қилиш керак.

Бадиий адабиётда мазкур мавзу ва ғояларнинг пайдо бўлиши ва тасвири учун ҳам, назаримизда, шу омиллар ва қонуниятлар сабаб бўлган. Мавжуд тарихий муҳит, ўша муҳитдаги воқеаларнинг реал ривожини ўн еттинчи асрда Амир Темур ҳақидаги Европадаги қарашларнинг бир мунча ижобий бўлишини кафолатлаган. Ана шунда Чарльз Сандерс ижодида бу буюк шахс талқини ижобий образ сифатида бежиз шаклланмаганини тасаввур этиш қулайлашади. Кристофер Марлодан фарқли ўлароқ, Чарльз

¹⁰⁹ Закирова И. Г. Народное творчество периода Золотой Орды: мифологические и исторические основы. – Казань: АДД, 2011. – С.3.

Сандерснинг шарқлик ҳукмдори дунёга тинчлик ва озодлик инъом этгувчи, адолатпарвар қирол сифатида намоён бўлади. Буни асар қаҳрамонлари тилидан айтилган сўзлардан ҳам билса бўлади:

*Arsanes: Thanks O our Royal Father, God-like Prince,
And double author of my happy being.
So may great Alha all your Actions Crown,
And with Eternal Blessings Guard your Throne.
As I your worthy Praises loudly sing,
The Kindest Father, and the Justest King.*

Таржимаси: *Раҳмат сизга подшоҳ ота, икка қарра бахтим гарови.
Буюк Оллоҳ сизни қўлласин, илоҳий дуо-ла паноҳида асрасин. Сизнинг
мақтовингизни бор овоз ила қўйлай, меҳрибон отани, адолатли қиролни.*

Муаллиф Боязид ва Темур образларини қарама-қарши қўйиш орқали асар драматизмини кучайтиришга ҳаракат қилади ва шу билан бирга қаҳрамонлар нутқи орқали уларнинг характер қирраларини очиб беради. Масалан, бош қаҳрамон Темурнинг тилида қўлланган айрим лисоний воситалар унинг характерини очиб беришга хизмат қилади. Жумладан, Боязидга қарата айтган унинг нутқида:

*Tamerlane: Think not, O King, we come in proud disdain
To thy fal'n state, or scorn thy ebbing fortunes,
Or with vain glory to commend our deeds
Which of themselves do loudly praise the doer.
But as thy conqueror and prince to claim
A just submission to our power; live,
But to our mercy owe the life we give.*

Таржимаси: *Ўйлама, эй қирол, қулаб бораётган давлатингга
менсимаслик ила келмадик, ва ё тугаб бораётган бахтингдан ҳазар
қилмоққа, ёки мақтанчоқлар каби манманлик-ла ўзни мақтмоқликка. Бироқ
бизнинг қудратимизга бўйин эгсанг гар, яша, марҳаматимиз-ла берган
ҳаётда.*

Юқоридаги парчадаги тасвир мазмунидан кўриниб турибдики, Чарльз Сандерс Темур образи орқали кечиримли, бағри кенг қирол образини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, зеро у ўзининг энг улкан душманига ҳам кечиримлилиқ кўзи билан қарамоқда ва унга ҳаётини қайтариб беришини ваъда қилмоқда. Чамаси, Чарльз Сандерс Амир Темурнинг шахсий фазилатлари ҳақида етарли маълумотларга эга бўлган.

Боязид образи орқали эса Чарльз Сандерс ўзига бино қўйган, димоғдор ва шу билан бирга мағрур қирол образини яратишни мақсад қилган. Бундай контраст усули Амир Темур образини ёрқинроқ гавдалантиришга катта хизмат қилган, унинг шахсияти тасвирининг ишонарли ва таъсирчан бўлишини таъминлаган.

Шуниси қизиқарлики, ўша даврларда, яъни XV-XVII асрларда европалıklar Амир Темурни Оллоҳнинг Ерға юборган ғзаби, аниқроғи, Боязидни жазолаш учун юборилган Оллоҳ ғзаби деб ҳисоблашган. Шунинг учун бўлса керак, бу каби ғоялар ўша давр ёзувчилари асарларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Кристофер Марлонинг “Буюк Темур” драмасида ҳам бош қаҳрамон Темур ўзини қиролларни жазолаш учун юборилган Оллоҳнинг ғзаби экани ҳақида гапиради. Бу ғоя кейинги давр ёзувчилари асарларида ҳам бир оз сипаришталанган ҳолда бериб ўтилган. Хусусан, Чарльз Сандерс бош қаҳрамон тилидан шундай дейди:

Tamerlane: Behold thy greatest

Most dreadful foe, see me Heaven's fatal scourge

Sent from above to purge the sickly earth

By blood from bloody tyrans.

Таржимаси: *Мана, сенинг буюк ганиминг, менман ўша қонхўр шохлардан қон-ла ерни тозаламоққа, юборилган Худо ғзаби.*

Фикримизча, бу ғоя ҳам Шарқ манбаларидан Ғарбга турли йўллар билан етиб борган бўлиши табиий. Зеро, Шарқда туркий қавмларга нисбатан Оллоҳнинг ғзаби сифатида қарашлар мавжуд бўлган. Хусусан, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғот ит- турк” асарида бу ҳақда қуйидаги маълумот

келтирилган: “Кошғарлик Халаф ўғли имом Шайх Ҳусайн унга ибн Фарқий деган одамнинг охир замон ҳақидаги китобида пайғамбардан шу ҳадисни ривоят қилади: Улуғ тангри айтади: менинг бир тоифа аскарим бор, уларни турк деб атадим, уларни кунчиқарга ўринлаштирдим. Бирор халқдан ғазаблансам, туркларни унга қарши йўллайман”¹¹⁰. Маҳмуд Кошғарий яшаган даврда турклар ҳақидаги бу маълумот араб халқлари орасида кенг тарқалган. Испания VIII-XIX асрлар давомида араблар ҳукмронлиги остида бўлган. Демак, кунчиқар томонда яшовчи турклар ҳақидаги бу афсона араблар орқали элдан-элга, оғиздан оғизга кўчиб Европагача етиб борган ва бундан испаниялик ёзувчилар ҳам хабар топган. Бундан ташқари, бу ном Европада Амир Темурдан аввал бошқа тарихий шахс номлари билан боғлиқ тарзда ишлатиб келинган. Хусусан, Атиллага Европа халқлари, Чингизхонга эса у босиб олган юртлар халқи “Худонинг ғзаби” деб қарашгани ҳақида маълумотлар бор¹¹¹. Ҳар иккала ҳукмдор ҳам, худди Темур каби шарқлик ва келиб чиқиши эса туркдир.

Шубҳасиз, тез орада қулликка маҳкум этилган, умидсиз ва иложсиз Европани 1402 йилда Амир Темур Боязид таҳдидидан қутқариб қолади. Амир Темур салтанати ва Усмонли турклар давлати ўртасида бўлиб ўтган сиёсий келишмовчиликлар ва бунинг натижасидаги ўзаро маҳораба шунчалик қисқа фурсат ичида бўлиб ўтадики, ёрдам келишидан умидини узган европаликлар учун Амир Темурнинг Анқарада пайдо бўлиши илоҳий мўжиза каби бир неъмат эди. Ана шунинг учун ҳам улар Темур Оллоҳнинг ерга қонхўр қиролларни жазолаш учун юборилган жазоси дея илоҳий бир қудратга ишонишган.

Гарчи драма Боязиднинг асир олиниши эпизоди билан бошланган бўлса-да, муаллиф кейинги парда ва кўринишларда умуман Боязид ҳақида сўз юритмайди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, драмада рўй берадиган

¹¹⁰ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталибов. – Т.: ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, 1960. – Б.334.

¹¹¹ Бу ҳақда қаранг: Потанин Г.Н. Восточные мотивы в средневековом европейском эпосе. – Москва: 1899. – С.31.

воқеалар аслида икки севишган ёшнинг саргузаштлари асосига қурилган. Бундан ташқари, муаллиф саройда рўй берадиган турли найранг ва фитналар, давлат, бойлик ва тахт талашувчиларнинг ҳақиқий башарасини очиб берган. Фикримизча, Амир Темур тарихий шахси ва унинг буюк ғалабалари европаликларни лол қолдирган Анкара жанги, енгилмас ва мағрур Боязиднинг асир олиниши ва унинг Соҳибқирон Амир Темур томонидан афв этилиши, яъни қатл этилмаслиги тарихий воқеаси асар муаллифи учун бир туртки берувчи ғоя бўлган, холос. Бундан ташқари, драматург Чарльз Сандерс томошабинларнинг ўша даврда ана шу мавзуга бўлган катта қизиқишларини ҳам ҳисобга олгандир.

Чарльз Сандерсдан сўнг 1701 йилда Николас Роу ҳам Амир Темур ҳақида драма ёзади. Шу ўринда бир оз олдин кетиб айтиш мумкинки, драма Николас Роуга мисли кўрилмаган ва кутилмаган шухрат ва обрў олиб келади. Асар биринчи бор Линкольнс Инн Фильд театрида сахнага чиқади. Драма сахнада биринчи марта қачон намоёниш этилгани аниқ маълум эмас, бироқ драма 1702 йилда илк бор нашр этилиб, сотувга чиқарилган. Уни биринчи бор Питер Бак нашр этган бўлса-да, кейинги нашрлар ҳуқуқини Лондоннинг энг катта ношири Жакоб Тонсон сотиб олади ва бир аср давомида уни тўхтовсиз чоп этади. Манбаларда келтирилишича, пьеса халқ орасида шунчалик машҳур бўлиб кетадики, кейинги 70 йил ичида Лондон театрларида 325 марта қўйилади ва театрларнинг асосий репертуарларидан бири бўлиб қолади, XVIII аср давомида эса драма Лондонда 348 марта сахна юзини кўради¹¹². Ана шу статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, Николас Роунинг “Темур” драмаси ўз даврида халқ орасида энг машҳур асар бўлиб қолган. Муаллиф замондошларининг гувоҳлик беришича, Николас

¹¹² Sennett H.H. Jr. Nicholas Rowe's writing of woman as feminist hero. A dissertation submitted to the graduate faculty of the Louisiana State University and Agricultural and Mechanical College in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy. – P.1-248

Роу ҳам “Тамерлейн” драмаси ўзининг энг севимли асари экани ҳақида кўп бор гапирган¹¹³.

Драма 5 пардадан иборат бўлиб, унда Тамерлан, Монес, Аксалла, Омар, Стратокл, Танаис шахзодаси, Мирван, Зама, Боязид, Хали, дарвиш, Салима ва Арпасия каби образлар иштирок этади. Бу драма воқеалари асосан Амир Темур ва Боязид ўртасидаги тарихий уруш воқеаларига асосланган.

Пьеса қаҳрамонларини икки тоифага: ижобий ва салбий қаҳрамонларга бўлиш мумкин. Улар ўртасидаги конфликтларнинг асл моҳияти пьесанинг биринчи парда, биринчи кўринишидаёқ юзага келади, яъни Тамерлан ва Боязид ўртасидаги уруш воқеалари натижаси билан бошланади. Кейинги кўринишларда воқеаларнинг шиддатли ривожланиб бориши асарнинг қизиқарлилигини таъминлашга хизмат қилган. Драматург осийлик ҳукмдор Амир Темур тимсолида тақводор, художўй ҳукмдорни, ўз мамлакати фаровонлиги учун курашган, тинчликсевар бир шахсни кўради.

Пьесанинг мавзуси, сюжети, олий насабли персонажлари ва, албатта, экзотик бўёқдорлик каби омиллар томошабинларни ўзига ром этади.

Темур ожиз ва мазлум халқларнинг олийҳиммат, мард ҳимоячиси образи сифатида намоён бўлади. Темур, ҳатто, душманлари ва уларнинг яқинларига ҳам яхшилик кўзи билан қарайди. Жангда асир олинган турк хоқони қизига унинг муносабатидан ҳам буни яққол кўриш мумкин:

Tam: *[Raising her.]*

Rise, royal maid!

..... think not that we hold

Thy innocence and virtue as our foe.

Here, till the fate of Asia is decided,

In safety stay. Tomorrow is your own:

Nor grieve for who may conquer, or who lose;

Fortune, on either side, shall wait thy wishes.

¹¹³ Rowe, Nicholas. Tamerlane. Introductory remarks by Mrs. Inchbald. – Dublin: William Savage printer, 1750. – P.5.

Таржимаси: *Тура қол ўрнингдан, қиролнинг қизи! Шунин бил, душманлик-ла боқмасмиз, безуборлик, обрўйингга ҳеч. Осиёнинг тақдири ҳал бўлгунга қадар шунда қолгин, беҳатардир бил бу жой. Ким голиб бўлишидан қатъий назар, бахт-саодат сенла бўлгай ҳамиша.*

У шубҳасиз ҳарбий шон-шуҳратга бурканган, аини пайтда жангларда ўз мардлиги ва жасурлиги билан ном чиқарган бу инсон ўзаро низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш тарафдори:

*Tamerlane: ... tho' I dare face death, and all the dangers
Which furious war wears in its bloody front,
Yet would I chuse to fix my name by peace,
By justice, and by mercy; and to raise
My trophies on the blessings of mankind.*

Таржимаси: ... қонли жанггоҳларда қутурган урушнинг барча хатарлари ва ўлимга тик бора олсам-да, бироқ ўз номимни тинчлик, ҳақиқат ва раҳм-шафқат ила мустаҳкамлаш ҳамда инсоният дуоси ила шуҳратимни ошириш йўлини танлардим.

Темур жангу жадалларга ўз жасоратларининг улуғворлигини кўрсатиш ёки шон-шуҳратга эришиш мақсадида кирмайди. Уруш ва жангу жадалларда у, авваламбор, шафқатсиз, бузғунчи, қирғинбарот келтирувчи кучни, инсониятнинг қўркуви ва азоб-уқубатларини кўради:

*Tamerlane: Oh, thou fell monster, war! that in a moment
Lay'st waste the noblest part of the creation,
The boast and masterpiece of the great Maker,
That wears in vain th'impression of his image,
Unprivileg'd from thee.*

Таржимаси: *О, сен уруш, қутурган махлуқ! Бир онда сен вайрон этарсан бор мавжудотни, Яратганнинг сиймоси акс этган буюк асарни, сендан қочиб қутулмас улар.*

Сиёсатчи сифатида у “қутурган урушнинг” ва “қонли жанггоҳларнинг” оддий одамлар ҳаётидаги вайронкор таъсирини жуда яхши биларди:

*Yet would I chuse to fix my Fame by peace,
By Justice, and by Mercy, and to raise
My Trophies on the Blessings of Mankind;
Nor would I buy the Empire of the World
With ruin of the people whom I sway. (Act II, Sc I)*

Таржимаси: Бироқ шуҳратимни тинчлик, адолат ва меҳр-шафқат билан тиклашни, ғалабаларимни инсониятга бахт улашиши билан оширган бўлардим; қўл остимдаги одамларнинг вайрона дунёлари салтанати менга керак эмас.

Боязид урушдан баҳра оладиган ҳукмдор сифатида тасвирланган бўлса, Тамерлан имкон бўлса, урушдан қочиш лозим деб ҳисобларди. Тамерлан учун урушда ғалаба қозониш бу:

*...to redress an Injur'd people's Wrongs,
To save the weak one from the strong Oppressor. (Act I, Sc I)*

Таржимаси: азият чеккан одамларга ёрдам бериш учундир, кучсизларни қудратли зулмкорлардан қутқариш учундир.

Асар муаллифининг қарашлари драма бош қаҳрамони Тамерлан ва унинг тутқунига айланган Боязид ўртасидаги диалогларда ўз ифодасини топади.

Хусусан, нафрат ҳақида муаллиф Тамерлан тилидан шундай дейди:

*Causeless to hate, is not of human kind;
The savage brute, that haunts in woods remote
And desert wilds, tears not the fearful traveler,
If hunger or some injury provoke not.*

Таржимаси: Сабабсиз нафрат инсонга хосмас; Ёввойи ўрмон ёки чўлларда ов қилгучи йиртқич ҳайвон ҳам магар оч бўлмаса ё ярадор, ўлдирмагай ҳеч бир сайёҳни.

Николас Роу қиролларга хос димоғдорлик, манманликни бош қаҳрамон тилидан танқид остига олади:

Tamerlane: Thou vain, rash thing,

*That, with gigantic insolence, hast dar'd
To lift thy wretched self above the stars,
And mate with pow'r almighty: Thou art fall'n!*

Таржимаси: *Сен шошқалоқ, ноумид кимса, манманлик-ла
қўтармоқчисан ночор ўзлигингни юлдузлар қадар. Оллоҳ қудратига тенг
келмоқ учун: Билки, қулайсан!*

Ёзувчи киролар ўз характериға эға бўлиши керак бўлган
кечиримлилик, бағрикенглик ва тантилик каби хислатларни ўз қаҳрамонида
кўради. Тамерлан гарчи Боязиднинг душмани бўлса-да, асир олингач, унга
нафақат ҳаётини, балки ҳарамини ҳам қайтариб беришға буйруқ беради:

*Tamerlane: ... I would bid thee
Live, and be still a king,
This royal tent, with such of thy domestics
As can be found, shall wait upon thy service.*

Таржимаси: *... Мен сени кечирдим. Яшайвер, ва қолгин қиролигингча,
шоҳона бу чодир, хизматкорларинг сени, хизматингга шайдир, қутмоқда.*

Чарльз Сандерс драмаси билан Николас Роу ва унинг “Тамерлейн”
драмасининг мотив ва бош қаҳрамонини афсонавий эпик руҳда
тасвирлашдан муайян поэтик мақсад кўзда тутилган: улар драматик турга
насрий асарларнинг – роман, қисса ва бошқа жанрларнинг қонуниятларини
маҳорат билан сингдиришға ҳаракат қилишган. Драманинг бош қаҳрамонига
бу тарзда катта юк юклашдан шу нарса англашиладики, бу даврда Европа
адабиёти эйдетик поэтика босқичининг сўнгги даврини бошдан кечираётган
эди. Эйдетик поэтикада тамомила янги поэтик тамойиллар эмас, балки
анъанавий “қурилмалар”¹¹⁴ муҳимдир.

“Эйдос” юнонча сўз бўлиб, “зоҳирий образ” демакдир. Шунингдек,
эйдетик поэтикада бадий феномен тамомила янги, оригинал, такрорланмас
ҳодисаларға эмас, балки анъанавий, такрорланувчи сюжетларға, бадий

¹¹⁴ Тамарченко И.Д, Тюпа В.И, Бройтман С.Н. Теория литературы в двух томах. Том 2. – Москва: 1981. – С.118.

воситаларга, умумий ўринларга асосланади. Юқоридаги ҳар иккала драмадаги Амир Темур образининг афсонавий – эпик руҳда тасвирлангани айтиш шунун билан белгиланади.

Тамерлан ва Боязид ўртасидаги суҳбат икки дунёқарашга эга ҳукмдорларнинг ғоявий курашига ўхшайди. Калондимоғ, ўзидан ўзгани инсон сирасига қўшмайдиган, шуҳратпараст – Боязидга олийҳиммат, бағрикенг, инсонпарвар ҳукмдор – Тамерланни қарши қўяркан, Николас Роу ўзининг инсонпарварлик ғоялари охир-оқибат ғалаба қозонишига ишонади. Буюк кишиларга фақат буюк яхшиликлар хос бўлиши керак дейди у.

Great minds, like Heav'n, are pleased in doing good..., яъни, буюклар яхшилик қилиш билан хурсанд бўладилар, дея хулоса қилади муаллиф.

Муаллиф ўтмишдаги қаҳрамонларнинг шон-шуҳрати ҳақида ҳикоя қилиш орқали ўз даврининг сиёсий-ижтимоий ҳаётини ёритиб бермоқчи бўлади. Зеро, театр томошабинлари саховатли Темур образи тимсолида ўзларининг севимли қиролларини, жирканч Боязид образи тимсолида эса эски ғанимлари бўлмиш Франция қиролини кўришарди¹¹⁵.

Асар бош қаҳрамони – Тамерланнинг тақводорлиги дин эркинлигини эътироф қилиш каби олийжаноб хислати билан уйғунлашиб кетади. Асар қаҳрамонининг бундай дунёқараши диний фанатизмга қарши кескин норозилик кайфиятида бўлган муаллиф эътиқоди билан бир хилдир¹¹⁶. Шу ўринда Николас Роунинг дунё динлари ҳақидаги қарашлари эътиборни ўзига тортганини алоҳида айтиб ўтишимиз керак. У динлараро бағрикенглик ғояларини олға суради:

Tamerlane: ... *Look round, how Providence bestows alike
Sunshine and rain, to bless the fruitful year,
On different nations, all of different faiths;
And (tho' by several names and titles worship'd)*

¹¹⁵ Rowe Nicholas. Tamerlane. Introductory remarks by Mrs. Inchbald. – Dublin: William Savage printer, 1750. – P.10.

¹¹⁶ Загирева О.Е. Творчества Николаса Роу и становление жанра сентиментальной драмы в Англии конца XVII-начало XVIII века. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата филологических наук. – Киров, 2007. – С.15.

*Heav'n takes the various tribute of their praise;
Since all agree to own, at least to mean,
One best, one greatest, only Lord of all.*

Таржимаси: *Қара, Яратган турли миллат, турли дин вакилларига қуёшнинг бир хил нурин сочар ва ёмғир ёғдирар, серҳосил йил ила сийламоқ учун. (гарчи улар турлича номлансалар-да ва турлича сизинсалар-да) Худо уларнинг турлича қурбонликлари ва мақтовларини қабул қилади. Зеро, уларнинг ҳаммаси энг зўр, энг буюк ягона Худони тан олишади.*

Тамерлан дунёни инсонпарварлик ғоялари асосида қайта қуришни ўз ҳаётининг бош мақсади деб билади. У фақат халқ манфаати йўлида хизмат қилиш орқалигина мангу шон-шуҳрат қозониш мумкин деб ҳисоблайди. Зотан, халқ қудратига таянган ҳукмдор ҳамма соҳада – давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида ҳам, халқ меҳрини қозониш билан ўз мақсадига эришиш мумкинлиги ҳақидаги ғоя авлодларга ўғит бўлиб жаранглайди. Бизнингча, бу Шарқона ўғитни Николас Роу Амир Темур шахси ва унинг давлат бошқаруви ҳақидаги ғояларидан илҳомланиб, драмасига киритган.

Драмада олдинга сурилган ғоялардан кўриниб турибдики, Николас Роу ҳам маърифатпарварлик даври вакилларининг оптимистик қарашлари тарафдори бўлган, зеро пьесада Темурнинг Боязид устидан ғалабаси фақатгина тарихий далил эмас, балки бу дунёда яқинлашиб келаётган маънавий ва маърифий уйғонишнинг яққол тимсоли эди.

Тамерлан ва Боязид ўртасида нафақат сиёсий, балки маънавий тафовут ҳам мавжуд. Боязид димоғдор шоҳ сифатида тасвирланган. Тамерлан сиймосида эса оддий, кўнгилчан ҳукмдор ўз ифодасини топган. Зама, Боязиднинг характери тасвирлар экан, Тамерланга шундай дейди:

"I oft observ'd him, proud,...

Of Ought Superior, ev'n of Heav'n, that made him" (Act I, Sc I).

Таржимаси: *Димоғдорлигига кўп бўлдим гувоҳ,... Ҳатто ўзин яратган буюк қудрат соҳибига ҳам.*

Бу нарса Боязид Тамерлан қаршисида қўллари кишанланган ҳолда пайдо бўлганда ўз тасдиғини топади. Тамерлан ундан Худо ва инсонлар олдидаги гуноҳини ювиши талаб этиши лозимлигини сўраганда, у шундай жавоб беради:

*Make thy Demand to those that own thy power,
Know I am still beyond it; and tho' Fortune
(Curse on that Changeling Deity of Fools!)
Has stript me of the Train, and Pomp of
Greatness, ..., yet still my Soul,
Fix high, and of it self alone dependent
Is ever free, and royal, ... (Act II, Sc I)*

Таржимаси: *Талабингни ўзингга қудрат бергувчига айт, шуни билки, мен бундай нарсалардан йироқман; гарчи омад мендан юз ўгирган бўлса-да...*

Боязид ўз табиати, характерининг олий даражада эканига ишонар, бу илоҳий монархия ва мутлоқ ҳокимият тушунчаси билан бевосита боғлиқ эди. Юқоридаги парчадан аён бўладики, гарчи Тамерланга енгилган ва асир тушган бўлса-да, унга бўйин эгмагани Боязиднинг озодлик ва эркинликка интилувчи руҳиятидан дарак бермайди, балки ахлоқ нормалари ва, аввало, Худонинг хоҳишига қарши боришини англатади.

Тамерлан эса маънавий қиёфаси билан ундан ажралиб туради. У ўзининг Боязиддан фарқли ўлароқ инсон эканига алоҳида урғу берилади:

"I think like a Man, /Thou like a Monster."

Таржимаси: *Мен инсонга ўхшаб фикрлайман, Сен эса ёвуз махлуқларга хос.*

Темур ўзи ва энг яқин дўсти – христиан шаҳзодаси Аксалла ўртасида фарқ йўқ эканини билдириш учун шундай дейди:

*Oh! Axalla! / Could I forget I am a man, as thou art,
Would not the winter's cold, or summer's heat,
Sickness, or thirst, and hunger, all the train
Of nature's clamorous appetites asserting*

An equal right in kings, and common men

Reprove me daily? (Act II, Sc II)

Таржимаси: Аксалла! Мен сен каби инсон эканимни унута олармидим, қироллар ва оддий инсонларнинг тенглигини тасдиқловчи қишининг совуғи, ёзининг иссиғи, таиналик ва очлик кабилар менга кунда танбеҳ бермасми?

Шундан кўриниб турибдики, Тамерлан қирол бўлса-да, ўзининг оддий инсон эканини таъкидламоқда. Маълумки, қиролларнинг жангчилари эришган ютуқдан ғурурланишади, бундан ўзларини шон-шуҳратга буркашади. Тамерлан эса бундай қилмайди. У Боязид устидан қозонилган ғалаба учун ўзини шарафлашларини хоҳламайди:

It is too much: you dress me,

Like an usurper, in the borrow'd attributes

Of injur'd heav'n: Can we call conquest ours?

Shall man, this pigmy, with a gyant's pride,

Vaunt of himself, and say, Thus have I done this?

Oh! Vain pretence to greatness! (Act II, Sc I)

Таржимаси: Ҳаддан ортиқ безаманглар мени узурпатордай, яраланган тангри белгилари-ла: Ғалабани ўзимизники деб айта олурмизми? Шундайин заиф ва лекин димоғдор кимса ўзини мақтамоғи ва буни мен қилдим демоғи шартми? Бекорга даъвогарлик буюкликка!

У бундай шон-шуҳратдан ғурурланишни Худо ва инсониятга нисбатан ҳақорат деб билади. Айни пайтда, Боязиднинг мағлубияти омилини ўз жангчиларининг жасурлиги ва садоқатида эканини ҳам инкор этмайди. Боязид эса Худога эҳтиром ва жангчиларга бўлган ҳурмат туйғуларидан йироқ эди. Унинг димоғдорлиги ўзидан устун турувчи куч-қудратни тан олишига йўл қўймасди.

Боязид образида Николас Роу халқларга сабабсиз зулм қилувчи, ҳар нарсага заҳрини сочувчи золим, мустабид ҳукмдорни тасвирлайди. Унинг собиқ кулларида бири шундай дейди:

“Some accidental Passion [that] fires his Breast, / And adds new Horror to his native Fury” (Act I, Sc I).

Таржимаси: *Кутилмаган эҳтирос юрагин ёқар ва табиийки, зазабига бир даҳшат қўшар.*

Заманинг сўзлари ҳам буни тасдиқлайди:

I know his temper well, since, in his court,

Companion of the brave Axalla’s embassy,

I oft observ’d him, ...Impatient

Fond of...ruling without reason...(Act I, Sc I)

Таржимаси: *унинг феълини яхши биламан, жасур Аксалла элчилари ила унинг саройида бўлганимда, уни кузатдим,... сабрсиз, ақлга бўйсунмай бошқармоқ ... унга маъқул.*

Боязид Тамерлан характеридаги босиқликни кўриб, уни “итоаткор кироли”, “ваъзхон дарвиш” деб ерга уришга ҳаракат қилади. Бу орқали муаллиф Боязиднинг золим ҳукмдор эканига яна бир қарра урғу беради. Тамерлан эса бағрикенглиги билан ўз душманларини ҳам лол қолдиради: унинг жонига қасд қилган дарвешни авф этади. Ўлимни бўйнига олиб турган дарвеш унинг бу ҳукмидан ҳайрон қолади:

Tis but death at last;

And I will suffer greatly for the cause

That urg’d me first to the bold deed. (Act III, Sc II)

Таржимаси: *Бу фақат ўлимдир. Мени биринчи бор жасоратга ундаган сабаб учун жуда оғир азоб чекам.*

... and bid thee live.

Keep thy own wicked secret, and be safe. (Act III, Sc II)

Таржимаси: *сенга яшашига имкон бераман. Ёвуз ниятинг ҳам ўзингга йўлдош бўлсин ва омон бўл.*

Гарчи драмада икки тарихий ҳукмдор иштирок этса-да, уни тарихий воқеалар асосига қурилган драма деб айтиб бўлмайди. Зеро Амир Темур ва Боязид образларидан ташқари барча образлар бадий тўқима маҳсулидир.

Қолаверса, юқорида айтиб ўтганимиздек, Амир Темур шахси билан боғлиқ воқеаларнинг ҳаммаси ҳам тарихда юз бермаган, балки драмага халқ оғзаки ижодининг таъсири кучли бўлган. Драмада Амир Темур ва Боязид ўртасидаги жанг тасвири йўқ. Воқеалар Боязиднинг асир олиниши лавҳасидан бошланади.

Умуман олганда, Николас Роу ўз олдига тарихий драма ёзишни мақсад қилиб қўймайди. Уни шарқлик бу икки ҳукмдорнинг феъл-атворлари, улар ўртасидаги тарихий уруш натижаси қизиқтирган. Зеро, юқорида айтиб ўтганимиздек, Амир Темур шахсининг маълум бир қирралари Николас Роунинг бўлажак драмаси яратилишига туртки бўлади. Энг аввало, Амир Темурнинг Боязид устидан ғалабаси Европани муқаррар қуллиқдан қутқариб қолгани унга маълум эди. Драматург Соҳибқирон тимсолида ватанпарвар, диннинг ҳимоячиси, инсонпарвар бир ҳукмдорни кўради. Амир Темурнинг кечиримлилиги, ўз қўли остидагиларга яхши муносабатда бўлиши ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлган муаллифнинг кўнглида Англия учун кўплаб ишлар қилган қирол Уильям образини яратиш истаги пайдо бўлади. Драманинг бағишлов қисмида унинг Англия қироли Уильям III га бағишлаб ёзилгани англашилади. Хусусан, унда муаллиф шундай дейди: “Шуниси ҳақиқатки, бу Буюк Инсон (Амир Темур назарда тутилмоқда- О.Д.) ҳаётида, Олий Ҳазратлари каби (бу ўринда муаллиф қирол Уильямни назарда тутмоқда – О.Д.), кўплаб сифатлар мавжуд: жасурлиги, художўйлиги, ўзини тута билиши, одиллиги, ўз халқини оталарча севиши, разолат ва жаҳолатга қаршилиги, оддий халққа ғамхўрлиги унга ўхшаб кетади...”

Европалик адабиётшунослар - Виллар Торп ҳамда Дональд Кларк ўз ишларида драманинг сиёсий интерпретацияси ва аҳамиятини кўрсатиб беришди.¹¹⁷ Шунингдек, ҳар икки адабиётшунос ҳам драманинг мажозий мазмунга эга эканини, муаллиф Тамерлан образи орқали Англия қироли Уильям III ни, Боязид орқали эса Франция қироли Луис IV ни

¹¹⁷ Clark, Donald B. The Source and Characterization of Nicholas Rowe's Tamerlane // Modern Language Notes. 1950. № 65. – P.145-152.

тасвирлаганини таъкидлашган. Бошқа бир манбада эса Боязид образи орқали Англия қироли Жэймс II тасвири қайд этилган¹¹⁸. Фикримизча, ҳар иккала карашда ҳам жон бор ва улар бир-бирини тўлдиради. Зеро, Англия қироли Жэймс II ва Франция қироли Людовик XIV иттифоқдош ва маслакдош бўлган. Бунинг устига, бу икки ҳукмдор католик бўлиб, протестант Уильямга душман эди.

Умуман олганда, XVII асрнинг иккинчи ярмида ҳам Англияда католик ва протестант мазҳаблари ўртасидаги зиддиятлари тугамаган, инглизлар католик қирол Жэймснинг олиб бораётган сиёсатидан норози кайфиятда эдилар. 1685 йилда Карл II нинг ўлимидан сўнг Англия тахтига Жэймс II ўтиради. Янги қирол биринчи навбатда Франция билан иттифоқ тузиш ва мамлакатда католицизмни ривожлантиришга бел боғлайди. Бу эса нафақат оддий халқ, балки ҳукмрон доиралар орасида ҳам норозиликка сабаб бўлади¹¹⁹. Шунинг учун улар давлат тўнтариши қилиб, Жэймс II нинг куёви – Уильям III ни тахтга ўтқазишади. Жэймс II эса Францияга Людовик XIV ҳузурига қочиб кетади ва умрининг охиригача ўша ерда қолади.

Николас Роу бу асарни ёзишда қандай манбаларга асослангани ҳақида маълумот бермайди. Бироқ ундаги тасвирланган воқеалар ва ғоялар бунинг тахмин қилиш имконини беради. Дональд Кларкнинг фикрича, Николас Роу драмани ёзишда ўзидан олдин ёзилган икки тарихий драма, яъни Кристофер Марлонинг “Буюк Темур” ҳамда Чарльз Сандерснинг “Буюк Тамерлейн” драмаларига эмас, балки Ричард Ноллнинг “Туркларнинг умумий тарихи” китобига асосланган.¹²⁰ Дональд Кларкнинг бу гапи ҳақиқатга яқин, зеро Николас Роу қаҳрамони ҳақиқатан ҳам Марло қаҳрамонидан тубдан фарқ қилади. Бундан ташқари, Николас Роу ўз драмаси қаҳрамонларига исм танлашда С.Кларкнинг 1664 йилда чоп этилган “Буюк Тамерланнинг ҳаёти”

¹¹⁸ Бу ҳақда қаранг: Samia AL-Shayban. In Search of James II: Bajazet's Figurative Presence in Nicholas Rowe's Tamerlan // Human and Social Sciences. – Dirasat: 2009. Volume 36, No. 1. – P.36-54.

¹¹⁹ https://en.wikipedia.org/wiki/James_II_of_England

¹²⁰ Clark, Donald B. The Source and Characterization of Nicholas Rowe's Tamerlane // Modern Language Notes 1950. № 65. – P.145-152.

асаридан ҳам фойдаланган бўлиши мумкин. Чунки бу икки асардаги шахслар исмларида ўхшашликлар мавжуд.

Европалик баъзи бир адабиётшунослар Николас Роунинг “Тамерлейн” асарини “христиан драмаси” деб номлашади. Чунки улар Тамерлан образига мусулмонлар ҳукмдори Боязидга қарши қўйилган христиан қироли сифатида ёндошади. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Зеро, европаликларга Амир Темур Ислом Қиличини – Боязидни енгган фотиҳ сифатидагина маълум ва машхурдир. Бундан ташқари, драмадаги баъзи эпизодлар ҳам шунга ишора қилади. Хусусан, Тамерланнинг ҳаётига қасд қилган дарвешни у жазолаш ўрнига авф этгандан сўнг Тамерланнинг айтган гаплари ҳам шундай қарашларнинг пайдо бўлганига сабаб бўлиши мумкин:

Now learn the difference 'twixt thy Faith and mine:

Thine bids thee lift thy Dagger to my Throat,

Mine can forgive the Wrong, and bid thee live. (Act III, sc 2)

Таржимаси: *сенинг менинг эътиқодим ўртасидаги фарқ шуки, сеники менинг томоғимга ханжар қадашингга ундайди, меники эса ёмонликларингни ва ўзингни кечиради.*

Шу ўринда Николас Роунинг драмаси Англия ва Европа драматургиясида қандай из қолдиргани ҳақида баъзи далилларни айтишимиз керак. Юқорида биз Амир Темур ҳақидаги драмаларга бу улуғ шахс ҳақидаги оғзаки маълумотлар ва халқ оғзаки ижоди таъсир этгани ҳақида тўхталган эдик. Драмаларнинг шаклланишида айни шу хусусият ва омиллар XVIII асрдаги Европа драматургиясининг ноклассик ёки янги даврга алоқадорлигини ва классик даврга зид қўйилишига сабаб бўлган. Айнан XVIII аср ўрталаридан янги ёки ноклассик даврга ўтиш бошланган эди.¹²¹ Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, юқоридаги ҳар иккала тарихий мавзудаги драмани классик драма босқичига мансуб, шу билан бирга эйдетик поэтика хусусиятларини анъанавий равишда сақлаб қолган асарлар сифатида қараш керак бўлади. Аммо эйдетик поэтика босқичи хусусиятларининг давом

¹²¹ Тамарченко Н.Д, Тюпа В, Бройтман С. Теория литературы. В 2х томах. Том 2. – Москва: 1981. – С.408.

этгани XVII аср инглиз адабиётининг алоҳида давр сифатида шаклланганини инкор қилмайди. Машҳур адабиётшунос Ю.Б.Виппернинг нуқтаи назари бўйича, XVII аср инглиз адабиёти Уйғониш даври адабиёти сифатида ўрта асрдаги шахсиятни, гуманистик кадриятларнинг асосий ўлчови сифатида унинг ҳуқуқ ва имкониятларини чегаралашдан мустақил, эркин адабиётга ўтиш ҳақидаги тасаввурлардан келиб чиқади. Аммо бу давр адабиёти шахсиятларни воқеликни чуқур ва кенг қамраб олиши нуқтаи назаридан, воқеликдан ташқаридаги ўзича тушуниш нуқтаси, шу билан бирга воқеликка таъсир этувчи куч, деб қарайди¹²².

Хулоса қилиб айтиш кеаркки, бу даврда ижтимоий ҳаётдаги кескин ўзгаришлар ҳам Амир Темур образини Уйғониш адабиётига хос образ сифатида яратишга туртки бўлгани. Албатта, Англия адабиётида бадий тафаккурдаги ўзгаришлар ҳам мавжуд воқеликка таъсир этувчи асосий омиллардан бири сифатида қаралиши лозим.

¹²² Виппер Ю.Б. Творческие судьбы и история. – Москва: 1991. С.70.

ҒАРБ АДИБЛАРИ ҲУЖЖАТЛИ РОМАНЛАРИДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ

Европада Амир Темур ҳақида ёзилган фаннинг турли соҳасига оид асарлар ва турли жанрга оид бадиий адабиёт намуналари XX асрларга келиб мазмун жиҳатдан ўзгача моҳият касб эта бошлади. Даставвал ғарблик ёзувчилар Соҳибқироннинг фотиҳлик юришлари ҳақида ёзган бўлсалар, кейинги давр ёзувчиларини унинг нафақат саркардалик маҳорати, балки давлат арбоби ва ҳаттоки оддий инсон сифатидаги қирралари ҳам қизиқтира бошлади. Бунинг асосий сабаби эса Амир Темур ҳаётини тасвирловчи энг ишончли манбалар – Ғиёсиддин Али ибн Жамол ал-Ислом Яздий, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий ва Ибн Арабшоҳ каби солномачиларнинг асарлари Европа тилларига таржима қилинганидир.

XX асрга келиб Европада Амир Темур ҳақида ёзилган асарлар жанрининг ранг-баранглиги кузатилади: бу туркум асарларнинг мазмун-моҳиятига Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Муиниддин Натанзий, Ибн Халдун каби Шарқ солномачилари асарларининг таъсири жуда катта бўлди. Ҳильда Хукхэм, Ҳарольд Лэмб, Жастин Мароцци, Люсьен Керен, Жан Поль Ру каби бир қатор шарқшуносларнинг Соҳибқирон ҳақида яратган асарлари тўлиғича ана шу солномалардаги маълумотлар асосига қурилган эди. Бу асарларда ҳужжатларга асослангани боис, бадиий образ тасвиридан кўра, илмий маълумотларни бериш бирламчи ўрин тутди. Гарчи Ҳильда Хукхэм асарини “ҳужжатли қисса”, Жастин Мароцци асарини “тарихий роман” деб номланган бўлса-да, бу асарларнинг ҳаммасини, жанр хусусиятига кўра, фикримизча, ҳужжатли наср деган термин билан аташ мақсадга мувофиқ кўринади.

Бу жанр ҳақида профессор Қ.Йўлдошев шундай деб таъриф беради: Ҳужжатли наср тарихий шахс, тарихий ҳодиса ёки ижтимоий воқеликни тўлиғича ёки қисман ҳужжатли материалларга таянган ҳолда бадиий тадқиқ

этишга қаратилади¹²³. Кўринадики, бадийлик ҳужжатли наср учун ҳам энг асосий ва бирламчи белгидир. Айни вақтда, у соф бадий насрдан бадий тўқиманинг минимал ҳолати, таянилган ҳужжат ва тарихий маълумотларнинг ўзи муҳим ижтимоий қимматга эгаллиги, қаҳрамонлар табиатидаги ўзига хос фазилат ёки нуқсонларни кўрсатишга ортикча уринилмаслиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ҳужжатларга бадиият нуқтаи назаридан ёндашилгани, ҳаётий далиллар тарихий истиқболда кўрсатилгани, қаҳрамонларнинг кейинчалик нечоғли машҳур бўлганининг тасвирланиши жиҳатидан ҳужжатли наср журналистикадаги мақола ва очерк жанридан фарқланиб туради. Ҳужжатли насрда персонажлар ифодасига бадий тасвир талаби асосида ёндашилса-да, ҳужжатларга, тарихий воқеаларга ишончли далил сифатида суяниш, унинг теран илмий талқинини бериш ва фақат мавжуд материаллар доирасида бадий тадқиқ этиш лозим бўлганидан ундан тарихий ва илмий аниқлик талаб этилади¹²⁴. Шу ўринда аниқроқ тасаввур пайдо қилиш учун Ўрта Осиё маданияти тарихида ҳужжатли насрнинг энг жонли намунаси сифатида Ҳеродотнинг “Тарих” асаридаги тарихий воқеалар баёнини келтириш мумкин. Жумладан, “Тарих” асарининг учинчи китобидаги Камбис ва унинг қўл остидаги жарчи, қоҳинларга оид воқеалар ва ҳукмдор Кирнинг уларга муносабати, бизнингча, ҳужжатли насрни ўзида ифода этади. Зотан, Геродот фақат тарихий воқеаларни баён қилиб қолмайди, балки илмий аниқлик йўлидан борган¹²⁵.

Мазкур жанрда Амир Темур мавзусига қўл урган деярли ҳар бир ёзувчи унинг характер қирраларини очишга, бу инсоннинг ботиний ва зоҳирий хислатларини очиб беришга ҳаракат қилган. Бироқ бу инсон характеридаги серқирралилик, бир вужудга жо бўлган шафқат билмас жаҳонгир фотиҳ, бағрикенг саркарда, қаттиққўл давлат арбоби, меҳрибон ота ва ини, вафодор дўст, бунёдкор арбоб каби хислатлар Европанинг ҳамма ёзувчиларини боши берк кўчага олиб кириб қўйган эди. Бу инсонни ёвуз дея

¹²³ Қозокбой Йўлдош. Олимнинг насри // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011 й. №11.

¹²⁴ Қозокбой Йўлдош. Олимнинг насри // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011 й. №11.

¹²⁵ Геродот. История в девяти книгах. – М.: Ладомир, 1993. – С.157.

қоралашга мойил бўлган ижодкорлар унинг инсоний фазилатлари олдида тўхтаб қолдилар. Соҳибқиронни ёмон дегувчилар шу оннинг ўзида ундаги яхши хислатларни ҳам бирма-бир санашдан тортинмадилар. Шунинг учун бўлса керак, бу инсоннинг турли кирраларини ёритишга жазм қилган ижодкорлар Европада ҳам, Ўрта Осиёда ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Амир Темурнинг ҳаёт йўли ҳақидаги тафсилотлар ва маълумотлар нечоғли кўп бўлмасин, шунчалик чигал ҳамдир. Бу инсон ҳақидаги тарихий маълумотларнинг кўплиги унинг характери тасвиридаги турли-туманликка олиб келган. Ўтган олти аср мобайнида янги-янги тарихчилар, ёзувчилар Амир Темурни нисбатан ё қоралаб, ё оқлаб асарлар битишган. Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, ана шу ёзувчиларнинг барчаси ўз қўлида мавжуд бўлган тарихий фактларгагина мурожаат қила олишган. Амир Темур ҳаётлиги ва ундан кейинги даврга оид сақланиб қолган ҳужжатлар, солномалар, мактублару ахборотлар сони етарлича. Бу шахс ҳаётидаги биргина воқеа мисолида гувоҳ ва муаллифлар турли хулосалар чиқаришган. Боз устига, тарихий маълумотлардаги чалкашликка муайян сиёсий мойиллик ёки миллий ватанпарварлик туйғуларига йўғрилган баҳолар ҳам қўшилади ва бундан қарама-қаршилик ортса ортадики, асло камаймайди. Бундан ташқари, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига доир манбалардан фойдаланиш тартиби ҳам ҳамма ижодкорда ҳар хил. Демокчимизки, қайсидир ёзувчи мавжуд манбаларни синчиклаб солиштириб чиқиб, холис баҳо беришга уринган бўлса, бошқаси ўзига керакли бўлган, ўз қарашларигагина мос келувчи манбани маъқул кўрган.

Бу шуни кўрсатадики, мазкур жанрда Амир Темур ҳақида хорижда яратилаётган ҳужжатли наср жанрига мансуб асарларни ўрганиш ҳам муҳим ва долзарбдир. Зеро, замонавий саналмиш бу жанрнинг “аудитория”си хориж мамлакатларида жуда ҳам улкан ҳисобланади.

Аввало, хорижда ҳужжатли наср жанрида яратилган асарлардан биз Жастин Мароцци қаламига мансуб асарни таҳлилга тортамыз. Шуниси аниқки, ҳужжатли наср жанрига оид бу асарнинг кириш қисмининг ўзидаёқ

ёзувчининг Амир Темурга, қолаверса, туркий халқларга нисбатан тутган позицияси намоён бўлади. Хусусан, Жастин Мароцци асар бошида исмлар ва терминлар ҳақидаги изоҳ бўлимида шундай дейди: “Марказий Осиё худди миналаштирилган майдонни эслатади. Ва бу ерда гап фақат шаҳар номлари ҳақидагина кетмаяпти”¹²⁶. Журналистларга хос услуб. Жастин Мароцци асар бошидаёқ ғарблик ўқувчини сергак тортишга мажбур қилади. Танлаган жумлалари ҳам китобхон онгида Шарқ ҳақида салбий фикрлар пайдо бўлишига олиб келади. Тўғри, у осийликлар атоқли отларининг ўзи учун кийинчилик туғдирганини айтмоқчи бўлади. Бироқ тасвирда ҳам услуб бор. Биргина жумла билан Жастин Мароцци Осиё деганда шундоқ ҳам жанрлар майдонини тасаввур қиладиган ғарбликлар онгида салбий фикрлар уйғота олади.

Европа ижодкорлари учун Соҳибқироннинг тарихий образи ва у ҳақдаги маълумотлар жумбоқ бўлиб қолаверган. Жумбоқни ҳал қилиш учун эса улар Амир Темур ҳақидаги бирламчи манбаларни чуқур ва изчил ўрганишлари лозим эди.

Аждодларимиз ҳақида ёзилган ҳар бир асар бизнинг ҳам маънавий мулкимиздир. Жумладан, Жастин Мароццининг асарини ўқиб, буни яна бир бор ҳис қилиш мумкин. У Кристофер Марлонинг “Буюк Темур” драмаси ҳақида сўз юритиб, шундай дейди: “... драмадан олинadиган яна бир сабоқ бор. Бир адабий танқидчи ёзганидек: “Ўрта Осиё ва бошқа жойлардаги воқеалар шуни кўрсатадики, агар биз уларга етарлича баҳо бермасак, уларнинг авлодлари эртага бизга таҳдид қилишлари мумкин”¹²⁷. Шоҳид бўлиб турганимиздек, юқоридаги нуқтаи назар ва позициядан туриб ўз фикрини кенг китобхон оммасига етказмоқчи бўлган ёзувчи ёки адабий танқидчилар, афсуски, ҳозирги замонда ҳам етарлича топилади. Таассуф билан айтиш керакки, Европа ёхуд Америка ва Шарқ ўртасидаги ўзаро англашмовчиликлар, зиддиятли қарашлар турли даврдаги адабий

¹²⁶ Мароцци, Жастин. Тамерлан. Завоеватель мира. – М.: Полиграфиздат, 2010. – С.3.

¹²⁷ Мароцци Жастин. Тамерлан. Завоеватель мира. – М.: Полиграфиздат, 2010. – С.62.

жараёнларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Ҳаттоки, ўтмиш воқеаларини ҳикоя қилиш, изоҳлаш, замон одамларига кимнинг аслида ким бўлганини етказиб беришда ҳам сиёсатнинг нозик ўйинлари ўз сўзини айтмоқда. Ёзувчи тарихга холис қарамас экан, бу аҳвол китобхонлар онгида буюк шахслар ҳақида нотўғри тушунчалар пайдо бўлишига сабаб бўлиши, шубҳасиз. Адабиёт ва тарих ҳар қандай нарсадан (бу ўринда сиёсатни назарда тутмоқдамиз – О.Д.) холи бўлмоғи даркор.

Жастин Мароцци асарида унинг ёзувчилик позициясидан кўра журналистлик мавқесидан туриб воқеа-ҳодисаларга баҳо беришга уринишлари яққол сезилиб туради. Сарик матбуотнинг ўз мақсадига эришиш йўлида юзаки ва сохта маълумотларга таяниши, ўқувчилар эътиборини кўпроқ тортиш учун “шов-шувга асосланган” ваҳимали маълумотларни омма эътиборига ҳавола этиши каби услублар асарда яққол сезилиб туради.

Бир қарашда ёзувчи, асосан, Шарқ ва Ғарб муаррихлари берган маълумотларни китобхонларга етказиб бериш вазифасини бажариш билан чекланишга ҳаракат қилганга ўхшайди. Бироқ тарихий манбалардан у усталик билан фойдаланган ва уларни ўзининг мақсадига бўйсундира олган. Асарни ўқир эканмиз, унинг ёзилишидан англашиладиган ягона мақсад кундай равшан бўлиб қолади. Ёзувчи Амир Темур шахсига бир томонлама ёндашган.

Ижодкор ва олимнинг тарихий шахсларга ёндашувида гарчи тамойиллар ўзига хос бўлса ҳам, ижодкордан тарихчи олим бўлиш ҳам талаб этилади. “Давлат ёки халқ ҳаётини ёритувчи тарихчи бизга йилномалар, мемуарлар, турли мазмундаги ёзишмаларга асосланган ҳолда, давр арбобларининг жонли феъл-атворларига таянган ҳолда бутун давр манзарасини яратади”¹²⁸. Аммо тарихий мавзуда асар яратаётган ижодкор фақат оғзаки маълумотларга таянадиган бўлса, асосий мақсаддан чалғийди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Жастин Мароцци Шарқ солномаларидаги маълумотларни китобхонга доим ҳам тўғри етказишга

¹²⁸ Буслаев Ф. О литературе. Исследования. Статьи. – М.: Художественная литература, 1990. – С.417.

ҳаракат қилмаган. Баъзи ўринларда арзимасдай кўринган далилларни тушириб қолдириш орқали тарихий шахс ва у билан боғлиқ тарихий воқеа ҳақидаги қарашларни ўзгартириб юборган. Масалан, Бағдод воқеаси ҳақида ёзаркан, Амир Темурнинг шаҳар аҳлидан кўплаб кишиларга раҳм-шафқат қилиб, авф этгани ҳақида ёзмайди. Мароцци маълумотларини ўқир эканмиз, Бағдод аҳли тамомила қирилиб кетган, деган тасаввур пайдо бўлади. Ваҳоланки, Низомиддин Шомий айни ўша воқеани аниқ ва батафсил тасвирлаб берган. Унинг ёзишича, шаҳар қамалидан чиқиб келган кўплаб одамларга Соҳибқирон қўшинлари яхши муомала қилишган. Қирқ кун давом этган қамалнинг ҳар кунда бундай қочкинлардан анчаси шаҳарни тарк этган эди¹²⁹. Негадир Жастин Мароцци асарини ўқиган китобхон, у ўзини бу маълумотлардан гўё беҳабардек кўрсатганига амин бўлади. Тарихий воқеа ва шахсга “ҳолисона” баҳо беришнинг бундай йўли маълум бир мақсадга қаратилгани шубҳасиз. Мароцци солномалардан ўзи кўришни ва ёзишни хоҳлаган маълумотларнигина танлаб олади, Соҳибқирон шахсини рўй-рост кўрсатадиган далиллар ҳақида лом-мим демайди. Ёки Дамашқнинг фатҳ этилиши воқеаси ҳақида ёзар экан, гарчи Мароцци ўзи ҳам ишонмаса-да, Шилтбергер берган маълумотларни келтириб ўтишни лозим топади. “Шилтбергернинг ёзишича, – дейди у, – Уммавийлар масжиди ичига йиғилган 30000 дин вакиллари ва уларнинг қариндош-уруғлари ёқиб юборилган”.¹³⁰ Ваҳоланки, Дамашқ аҳолисини ўлдирмаслик ҳақида Амир Темур фармон бергани ҳақида Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”сида ёзилган¹³¹ ва Мароцци ҳам ана шу маълумотни эътиборга олиши мумкин эди. Шарқ манбаларини инобатга олишни истамаган Мароцци ҳеч бўлмаса бошқа Ғарб манбаларини ҳам эътиборга олиши мумкин эди. Хусусан, Бертрандо де Мигнанелли ҳам Дамашққа ўт қўйилишидан олдин унинг аҳолисини шаҳар

¹²⁹ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.313.

¹³⁰ Мароцци, Жастин. Тамерлан. Завоеватель мира. – М.: Полиграфиздат, 2010. – С.156.

¹³¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – С.308.

ташқарисига олиб чиқилишига фармон бўлгани ҳақида ёзган.¹³² Бироқ бу маълумот ҳам Мароццининг мақсадига тўғри келмасди. Мигнанелли Дамашқнинг катта шаҳар бўлмагани, Италиянинг Пиза шаҳридан кичик экани ва у ерда тахминан 100 минг аҳоли яшагани ҳақида хабар беради.¹³³ Агар 30 минг киши ёқиб юборилганида у, албатта, бу ҳақда ёзган бўларди. Демак, юқорида айтиб ўтганимиздек, Мароцци ўз манфаатига хизмат қиладиган маълумотлардангина фойдаланишни истайди. Кўра била туриб ёлғон маълумот билан XX аср китобхони онгида Амир Темур ҳақида нотўғри таассурот уйғотади.

Мароцци аксарият ҳолларда Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи”га асосланади. У асосий эътиборини Соҳибқироннинг фотиҳлик юришлари ва бунинг оқибатларига қаратади. Китобхон эътиборини Соҳибқироннинг салбий томонларига қаратишга ҳаракат қиладди. Жумладан, Соҳибқирон ҳарами ҳақида гапирар экан, у, Амир Темур хотинбозлиги билан машҳур эди деб ёзади¹³⁴. Ваҳоланки, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўрта асрлар Шарқида кўп хотинлилик нафақат ҳукмдорлар, балки ўзига тўқ аҳоли қатлами орасида ҳам кенг тарқалган одатдаги ҳаёт тарзи бўлган эди. Бунинг устига, енгилган ҳукмдорларнинг ҳарами ҳам ғолиб ҳукмдорнинг мулки ҳисобланган. Бу Амир Темургача шаклланиб бўлган одат эди. Бироқ Мароцци бу ёзилмаган қонидани билса-да, Соҳибқирон номига айблов шаклида тиркайди. Бир ўринда у, “Темур ўзидан кейин музаффарона юришлари ва улкан қурилишлари ҳақида хотира қолдиришга қаттиқ уринади, аммо бу натижа бермайди”, – деб ёзади¹³⁵. Албатта, муаллиф Амир Темур қолдирган маҳобатли иншоотларни, саройларни, у ҳақда кўплаб ёзилаётган асарларни билмайди, дейиш бир ёқламалик бўлар эди. Мароцци Амир Темурнинг бунёдкорлик ишларидан яхши хабардор бўлса-да, ўзини

¹³² A New Latin Source on Tamerlane's Conquest of Damascus (1400/1401): (B. de Mignanelli's "Vita Tamerlani" 1416). Tr. Walter J. Fishel. Oriens, Vol. 9, No. 2 (Dec. 31, 1956). – P.201-232.

¹³³ A New Latin Source on Tamerlane's Conquest of Damascus (1400/1401): (B. de Mignanelli's "Vita Tamerlani" 1416). Tr. Walter J. Fishel. Oriens, Vol. 9, No. 2 (Dec. 31, 1956). – P.201-232.

¹³⁴ Мароцци, Жастин. Тамерлан. Завоеватель мира. – М.: Полиграфиздат, 2010. – С.50.

¹³⁵ Мароцци, Жастин. Тамерлан. Завоеватель мира. – М.: Полиграфиздат, 2010. – С.60.

билмагандай қилиб кўрсатади. Зеро, унинг Амир Темур ҳақидаги манбаларни ўқигани, у туфайли Мовароуннаҳр ва Хуросонда Уйғониш даври юз бергани, унинг ўзи ва авлодлари амалга оширган ободончилик ишлари, илм-фан ниҳоятда тараққий қилганини жуда яхши билади. Фақат Мароқцининг нияти бошқача, холос. Мароқци асарини ёзиш давомида Ибн Арабшоҳ солномасига 70 маротабадан ортиқроқ мурожаат этган. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”сига ҳам деярли шунча маротаба мурожаат қилган. Бироқ диққатни тортадиган томони шундаки, Шарафиддин Али Яздийнинг фақат ҳарбий юришлар натижалари борасидаги ҳикояларигагина мурожаат қилган, холос. Амир Темурнинг шахс сифатидаги айрим кирраларини очиб берувчи воқеаларга умуман мурожаат қилмаган.

Баъзи ўринларда унинг холис баҳо беришга уринишлари ҳам сезилиб туради. Жумладан, бир неча ўринларда Мароқци Ибн Арабшоҳнинг Амир Темур ҳақидаги фикрларига тўхталгандан сўнг, шарқлик бу араб тарихчисининг Соҳибқиронни ёмон кўрганидан ҳамма маълумотларини ишончли, деб қараб бўлмаслигига ҳам ишора қилади. Унинг “Арабшоҳни холис биограф деб ҳисоблаб бўлмайди”¹³⁶ деган гапи айни шу мақсадда айтилган. Бироқ шундай бўлса-да, асар давомида Жастин Мароқцининг Ибн Арабшоҳ маълумотларига хайрихоҳлиги яққол сезилиб туради.

Жастин Мароқцини бир сўз билан XX асрнинг Ибн Арабшоҳи деб аташ мумкин. Унинг асаридан олинadиган сабоқ ўқувчиларнинг туркий қавмлар тарихи, қолаверса, соҳибқирон Амир Темур тарихий шахси ҳақидаги нотўғри хулосалар чиқаришига сабаб бўлади.

Кўпгина европалик шарқшунослар қатори Жастин Мароқци ҳам Анқара жангидаги зафарни Амир Темур учун энг улкан ғалаба бўлган, деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, Шарқ солномаларида бу ғалабага катта эътибор қаратилмаган. Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси энг катта воқеа сифатида тилга олинган. Амир Темурнинг Султон Боязид билан жанг қилишни хоҳламагани тарихдан маълум. Аммо, гарчи Жастин Мароқци

¹³⁶ Мароқци Жастин. Тамерлан. Завоеватель мира. – М.: Полиграфиздат, 2010. – С.91.

асар давомида Амир Темур характерининг салбий қирраларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган бўлса-да, унинг Соҳибқирон шахсидаги саркардалик маҳоратига, ҳукмдорлик қудратига ботиний ихлосмандлиги асардан сезилиб туради. Асар аввалида Мароцци подполковник П.М.Сайкснинг “Форс тарихи” китобидан эпиграф келтиради. Унда, хусусан, шундай деб ёзилган: “У нафақат ниҳоятда қўрқмас ва жасур, балки ҳаддан ташқари ўткир зехнли, мard, ҳимматли, тажрибали ва тадбиркор инсон эди”¹³⁷. Мана шунинг ўзи ҳам Мароццидаги Амир Темур шахсига бўлган ички ҳурматнинг нишонасидир.

Ғарб адабиётида Амир Темур шахси талқини масаласида ўзгача ёндашувлар ҳам мавжуд. Хусусан, француз ёзувчиси Жан Поль Рунинг “Тамерлан”¹³⁸ бадиаси ана шундай асарлардан биридир. Асар икки қисмдан иборат: биринчи қисми Амир Темурнинг давлат тепасига келиши ҳамда фотиҳлик юришларига бағишланган; иккинчи қисмда муаллиф Соҳибқирон ҳақидаги ўз қарашларини ёзади. Биз учун асарнинг ана шу иккинчи қисми алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, европалик темуршунос ёзувчилар ичида Жан Поль Ру биринчилардан бўлиб Амир Темур масаласига далилларга суянган ҳолда ҳолис ёндашишга ҳаракат қилган.

Жан Поль Ру асарнинг кириш қисмида Амир Темур шахсиятидаги қарама-қаршилиқлар ҳақида сўз юритади: “Темур шахсиятидаги ҳамма нарса зиддиятли бўлиб туюлади. Буюк амирни бизга ҳаддан ташқари мағрур этиб тасвирлашган, бироқ у тахтга бошқа кишини ўтқазиб, ўзи оддийгина мансаб билан чекланган. У меъморий обидаларни вайрон қилган, лекин шу билан бирга жон дили билан уларни қурган ҳам. У шафқат нималигини билмаган, бироқ шу билан бирга кечиримли бўлган”¹³⁹. Жан Поль Ру ана шундай услуб ва тасвир билан ўқувчи эътиборини тортади. Асар аввалида қўйилган бу муаммо ўқувчини асарга ва, албатта, Амир Темур шахсига бўлган қизиқишини орттириши, шубҳасиз.

¹³⁷ Бу ҳақда қаранг: Мароцци Жастин. Тамерлан. Завоеватель мира. – М.: Полиграфиздат, 2010. – С.6.

¹³⁸ Roux, Jean-Paul. Tamerlan. – Paris:Fayard, 1991. 240 p.

¹³⁹ Ру, Жан Поль. Тамерлан. – М.: Молодая гвардия, 2007. – С.15.

Кўпчилик онгида Соҳибқирон салбий шахс сифатида қотиб қолган. Лекин ҳар қандай замонавий тадқиқотда оқлаш ва тиклашга бўлган интилиш мавжудки, бу қоида тусига кирган. Жан Поль Рунинг фикрича, тарихчилар асрлар давомида ўз даврида ҳукмрон бўлган ғоя ва бошқа таъсирлар остида қолганлар. Энди эса замон ўзгариб, тарихий далиллар маълум бир манфаатлар асосида эмас, балки холис ўрганиш вақти келганини назарда тутиш керак.¹⁴⁰ Ёзувчининг гапи ҳақиқат. Зеро, нафақат собиқ шўро тузуми ҳукм сурган ўлкаларда, балки бир қатор Ғарб мамлакатларида ҳам даврга хос ғоявий таъсирлар Амир Темур шахсига баҳо беришда жиддий роль ўйнаган.

Жан Поль Рунинг Амир Темур атрофида билдирилган фикрлар ва у ҳақда битилган ёзма манбалардаги майда-чуйда, бир қарашда арзимасдек бўлиб кўринган далиллардан асл манзарани тиклашга урингани ва бунга эришгани асар бошиданок маълум бўлиб туради.

Жан Поль Ру баъзи ўринларда ўзи учун устоз сифатида бўлган Рене Груссе фикрларига қарши чиқади. “Темурни ёмон кўрганидан Рене Груссенинг шунчалар “кўзи кўр” бўлганки, ҳатто уни “стратегик макиавеллизм”да, “давлат манфаатлари билан уйғунлашиб кетган ёвуз иккиюзламачилик”да айблайди ва, табиийки, мен унинг бу фикрларига кўшила олмайман”. Ўзига “Куч адолатдадир” деган шиорни байроқ қилиб олган инсоннинг айёр ва доғули бўлганига мен ишонмайман”, - дейди у. Темурнинг ҳаётида дўстликка хиёнат қилганларга нисбатан нафратини исботловчи кўплаб воқеалар бўлган. Ҳарбий ҳийла ишлатиш – бу ҳаққоний сиёсатдир. У ҳар доим ҳам ўз режаларини сир тутгани, доимо ғанимларини ўзи қўйган тузоғига туширгани – буларнинг ҳаммаси жанг қоидалари доирасидаги ишлардир¹⁴¹.

Яна бир ўринда ёзувчи, Темур ҳақиқатда ҳис-туйғусиз инсон эдими, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Буюк амир ҳақиқий, чин муҳаббат билан севишга қодир инсон бўлган, дейди у. У ўз оиласига қаттиқ

¹⁴⁰ Ру, Жан-Поль. Тамерлан. – М.: Молодая Гвардия, 2007. – С.135.

¹⁴¹ Ру Жан Поль. Тамерлан. – М.: Молодая Гвардия, 2007. – С.144.

боғланиб қолган бўлиб, улар учун ҳамма нарсага тайёр эди. Хусусан, қийин кунларида ҳамиша ёрдам қўлини чўзган синглиси Туркон Оқани умрининг охиригача иницилик муҳаббати билан севган, унинг учун дунёдаги энг гўзал мақбаралардан бирини қурдирган. Отаси олдидаги ўғиллик бурчини, бир дам бўлсин, унутмаган: харб юришларидан ватанига қайтганда доим, иши кўп бўлишига қарамасдан, унинг қабрини зиёрат қилиш учун вақт ажрата олган. Ўғли Жаҳонгир Мирзо ва қизи Оқа Бегининг вафоти унинг қаддини букади. Невараси Муҳаммад Султоннинг ўлими эса уни буткул умидсизликка тушириб қўяди. Султон Боязиднинг ўлиmidан қаттиқ қайғуради. Улуғбек туғилганда эса бутун Мордин аҳолисига авфи умумий эълон қилади.

Ёзувчи Жан Поль Ру соҳибқирон ҳаётидаги ана шундай қайғули, баъзан эса шодлик онларини баён қилар экан, соҳибқирон “қалбининг тубига тушганинг сайин унинг ботинидаги сув зоҳирига қараганда анча тиниқ экани аёнлашади”, - дея таъкидлайди¹⁴².

Жан Поль Руининг фикрича, Анатолиядаги вайронагарчиликлар ҳам афсона бўлиб, ҳақиқатга мос келмайди¹⁴³. Бу фикрни туркиялик олим Мармара университети профессори Меҳмед Шимширгил ҳам тасдиқлайди. Унинг таъкидлашича, Амир Темурнинг Туркияни босиб олиши масаласида кўплаб сохта маълумотлар мавжуд. Масалан, Боязид ҳарамининг хўрланиши, Сивосдаги қирғин ҳақидаги гаплар, умуман, ҳақиқатга тўғри келмайди, – деб айтади у¹⁴⁴.

Амир Темур вайронкорликни ёмон кўрганини ҳатто шўролар даврида у ҳақда асар ёзган Сергей Бородин ҳам тасдиқлаган. Хусусан, у “Самарқанд осмонида юлдузлар” асарида шундай деб ёзади:

¹⁴² Ру Жан Поль. Тамерлан. – М.: Молодая Гвардия, 2007. – С.142.

¹⁴³ Ру, Жан Поль. Тамерлан. – М.: Молодая Гвардия, 2007. – С.159.

¹⁴⁴ <https://www.youtube.com/watch>

“ – *Кўрдингизми, кимнинг гуноҳини сўраганингизни? ... Кимни ёқладингиз? – деди у гинахонлик билан. – Бизлар қурамыз, у ёввойи чўчқа бузади*”¹⁴⁵.

Француз ёзувчиси, Темур босиб олинган ўлкаларнинг илм аҳлини Самарқандга жўнатгани ҳақидаги гаплардан ҳамма безор бўлди, – дейди. Бу хаддан ташқари бўрттириб айтилган гаплардир... Албатта, у майда хунармандларни ва бир қанча моҳир усталарни олиб келтирган. Шу ўринда балки уларни олийҳиммат ҳомий сифатида ўз мамлакатига жалб қилмаганмикин, деган ўринли савол туғилади. На Ибн Халдун ва на Ҳофиз Абрў Трансоксиана йўлига қадам босганлар. Шунинг учун истейдод, илм ва санъат ривож топиши учун маълум бир муҳит зарур экани ҳақиқат. Қандайдир бир табибнинг Дамашқдан, мусиқачининг Бағдоддан кўчириб олиб келингани маълум. Бир қанча керакли одамлар Бурсадан олиб келинган, бироқ уларнинг ҳаммаси орадан бир қанча вақт ўтгач, озод қилинган¹⁴⁶.

Жан Поль Рунинг гапида жон бор. Зеро, Дамашқдан қул қилиб ҳайдаб келинган Ибн Арабшоҳнинг Самарқандда олган таҳсилини ерли халқнинг анча-мунча боласи кўрмаган эди. Айтишларича, Ибн Арабшоҳ Самарқандда ўз даврининг илғор зиёлиларидан сабоқ олган. “Самарқандда яшаган йиллари (1401-1408) Ибн Арабшоҳ ўз билимини истаганича оширишга муяссар бўлгани ва кейинчалик жуда кўп ўлкаларга саёҳат қилгани унинг Самарқандда бирор тазйиқ остида яшамаганлигидан далолат беради... Ўша вақтда Самарқандда истило этилган мамлакатлардан келтирилган таниқли олим, табиб, фақиҳ, санъаткор ва хунармандларнинг кўп бўлгани Ибн Арабшоҳ каби илм толибларининг етарли билим олишига ижобий таъсир кўрсатди”¹⁴⁷.

Жан Поль Рунинг кейинги эътирози Амир Темурни саводсиз деб айтганларга қарши эди. “Бу билан нимани назарда тутганларини билишни

¹⁴⁵ Бородин Сергей. Самарқанд осмонида юлдузлар. 2-китоб. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – Б.17.

¹⁴⁶ Ру, Жан Поль. Тамерлан. – М.: Молодая Гвардия, 2007. – С.180.

¹⁴⁷ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. У.Уватов сўз боши. – Т.: Меҳнат, 1992. – Б.11.

хоҳлардим.” Агар у ёшлигидаёқ Кеш дарвешлари қўлида таълим олган бўлса, ўқиш ва ёзишни билмаслиги ғалати бўлар эди. Амир Темурнинг биографиясини ёзганлар уни фақат араб тилини билмаслигини айтмоқчи бўлганликларини тахмин қилишга асосимиз бор. Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг араб тилини билмаслиги ҳақида ёзган. Бу маълумотни ўзига дастак қилиб олган баъзи бир ғарблик “билимдонлар” Соҳибқиронни умуман саводсиз бўлган, деб оғиз кўпиртирадилар. Аммо яна худди шу Ибн Арабшоҳнинг Амир Темур форс, турк ва мўғул тилларини бошқалардан яхши билган, деб айтган маълумотини ана шулар билиб билмаганликка оладилар.

Яна диққатга сазовор томони шундаки, айнан Соҳибқирон номи билан боғлиқ бўлган Уйғониш даври борки, буни Жан Поль Ру ҳам ўз китобида Темурийлар Уйғониш даври деб атайдди. “Темурийлар Уйғониш даври мусулмон цивилизацияси тожининг энг гўзал жавоҳирларидан биридир”, – деб таърифлайди у¹⁴⁸.

Амир Темур ҳақидаги Шарқ манбаларининг европаликлар томонидан ўрганилиши Ғарб адабий контекстидаги мазкур мавзудаги мазмун моҳиятига бир қанча ўзгаришлар олиб кирди. Араб, форс тилида ёзилган кўплаб манбалардаги Амир Темур тўғрисида маълумотлар шарқшунослар учун катта ижодий арсенал вазифасини бажара бошлади. Бироқ шуни алоҳида қайд этиш керакки, ана шу Шарқ манбаларидаги маълумотлар ғарбликлар томонидан турли кўринишларда, турли вазифаларни мақсад қилган ҳолда фойдалана бошланди. Қайсидир ўринларда маълумотлар нотўғри талқин қилинган бўлса, яна қайсидир ўринларда “мақсадли тўғри” талқинлар ҳам учраб туради.

Европалик ҳамма шарқшуносни ҳам Амир Темур ҳақидаги тарихий маълумотни мақсадли равишда нотўғри талқин қилган, деб айблаш ноўрин. Зеро, агар Амир Темур ҳақида ўз давридаги манбаларни синчиклаб ўрганган Жан Поль Ру уни тўғри таҳлил қилишга ҳаракат қилган бўлса, Жастин

¹⁴⁸ Ру, Жан Поль. Тамерлан. – М.: Молодая Гвардия, 2007. – С.264.

Мароццида бу воқеанинг таг заминини тушуниш истаги бўлмаган ҳам. Агар шундай истак бўлганда эди, манбаларни солиштириб, синчиклаб ўрганиб чиққан ва ундан кейингина Амир Темур ҳақидаги воқеаларга холис ва ишонарли баҳо берган бўларди.

Аммо матнларни шунчаки филологик қиёслашнинг ўзи асл мақсадни юзага чиқиши учун кифоя қилмайди. Бунинг учун матнларни ижтимоий ҳаёт билан ўзаро алоқадорликда синчиклаб ўрганиш тақозо этилади¹⁴⁹. Жастин Мароццининг ўз асарида Темур даври ижтимоий ҳаётига эътибор бергани А.Диманинг юқоридаги қараши қиёсий адабиётшуносликнинг қонуний ходисаларидан эканини тасдиқлайди. Келгусида Амир Темур ҳақидаги Европа ва Шарқнинг турли жанрдаги асарларини қиёсий аспектда ўрганиш ишлари А.Дима кўрсатгани сингари давом этиши шубҳасиз. Зотан, бу йўналишдаги тадқиқот тарихий поэтиканинг объекти бўлиб, фақат бир томонлама фаолият орқали бу йўналишда адабиётлараро умумийликни кўрсатувчи тадқиқот ёзиш мумкин эмас¹⁵⁰, балки фаолият икки томонлама, яъни қиёсланувчи объект албатта бўлиши зарур. Қолаверса, ўзбек адабиётшунослигининг жаҳон миқёсига чиқиши учун ҳам ана шу йўналишдаги тадқиқотлар зарур.

Мавжуд барча тарих дарсликлари ва яратилаётган тарихий асарларга қарамасдан, тарихий персонажлар, воқеалар ва уларнинг моҳияти ҳақидаги маълумотларда, афсуски, ҳали ҳам аниқлик етишмайди. Асрлар ва йиллар давомида кўп марта қайта айтилаверганидан қўшиб-чатилган муболағалар ва ёлғон маълумотлар ҳаққоний манзарани ўта бузиб кўрсатмоқда. Алал-оқибатда, тарих шов-шувли миш-мишлардан фарқли бўлмай қолган, энг ишончли деб қаралган далиллар ҳам турли таъсирлар ва бузилиш эффектига учраган.

¹⁴⁹ Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. — М.: 1977. Изд. «Прогресс», 1977. С.144.

¹⁵⁰ Дюришин Д. Межлитературные общности как конкретизация закономерностей мировой литературы//Проблемы особых межлитературных общностей, — М.: «Наука», Издательская фирма «Восточная литература», 1993. С. 39.

Бизнингча, ҳар қандай жанрдаги асарда ҳам, агар бу асар тарихий шахс ҳақида бўлса, ўтмишда рўй берган воқеалар моҳиятига чуқурроқ кириб бориш тақазо этилади. Тарихий шахсининг ўша давр жамиятидаги ўзгаришларга қай даражада алоқаси бор, бу ўзгаришлар кишилик жамиятининг ривожланишига олиб келдими ёки инқирозга сабаб бўлдики, мана шу каби саволларга ҳам жавоб бериш керак.

Маълумки, Европада XV аср бошидаёқ Амир Темур ҳақида асарлар юзага кела бошланган. XVI-XVIII асрларда Англияда Соҳибқирон ҳақида драмалар яратилган. Италия, Испания, Франция каби мамлакатларда эса опера жанридаги сахна асарлари европаликларни Амир Темур тарихий шахси билан оз бўлса-да таништирган. XX асрга келиб эса Европада Амир Темур ҳақида ўзгача бир жанрдаги асарлар ёзила бошландики, бу туркум асарларнинг мазмун-моҳиятига Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Муиниддин Натанзий, Ибн Халдун каби шарқ муаррихларининг XVIII-XX асрларда ғарб тилларига ўтирилган асарларининг таъсири жуда катта бўлди. Ҳильда Хукхэм, Ҳарольд Лэмб, Жастин Мароцци, Люсьен Керен, Жан Поль Ру каби бир қатор шарқшуносларнинг Соҳибқирон ҳақидаги яратилган асарлари ана шу солномалардаги маълумотлар асосига қурилган эди. Қозокбой Йўлдош таъбири билан айтганда “бу асарлар ўқувчиларнинг кўнгли, сезимларига қараганда кўпроқ тафаккурига таъсир кўрсатиш ниятида ёзилганидан уларда турли-туман тарихий ҳужжатларга таяниш устуворлик қилар”¹⁵¹, уларда бадиий образ тасвиридан кўра илмий маълумотларни бериш бирламчи ўрин тутарди. Бу асарларда Амир Темурнинг саркардалик маҳорати, давлат арбоби сифатидаги фаолияти билан биргаликда унинг инсон, шахс сифатидаги қирраларини ҳам очиб беришга ҳаракат қилинди.

Европалик кўплаб шарқшуносларнинг буюк бобокалонимиз ҳақида билдирган ижобий фикрлари, албатта, дилимизни фахр туйғулари билан тўлдиради. Бироқ, шу билан бирга, ғарб адабий контекстларида шарқ

¹⁵¹ Қозокбой Йўлдош. Олимнинг насри. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 11-сон. 2011 йил.

солномалари асосида ёзилган, аммо бизнинг наздимизда нотўғри талқин қилинган маълумотлар ҳам мавжуд. Уларнинг реал ижтимоий-эстетик баҳосини бериш махсус илмий тадқиқ ва таҳлилни талаб этади. Зеро, ўқувчи тафаккурига таъсир қилишга қаратилган асарлар унинг дунёкараши шаклланишида ҳам катта роль ўйнайди. Бу эса, албатта, ўқувчининг онгида буюк аجدодимиз ҳақидаги ҳақиқатдан йироқ тасаввурлар уйғонишига ҳам олиб келиши табиий ҳол.

Маълумки, ғарб адабиётида Амир Темур олиб борган фотиҳлик юришлари натижаларига катта эътибор қаратилади. Бу юришлар қурбонлари кўламининг катталиги билан европалик гуманистларни лол қолдириб келган. Амир Темур мавзусига қўл урган ҳар бир ғарблик муаллиф Исфохон, Дамашқ, Бағдод, Деҳли воқеаларига тўхталмасдан ўтмайди. Масалан, Жастин Мароцци¹⁵², Жан Поль Ру¹⁵³ каби ёзувчилар бир овоздан Деҳли уруши олдида юз минг асирнинг қатл қилингани ҳақида бонг уришган. Яна бошқалар эса Исфохонда етмиш минг, Бағдодда эса тўқсон минг одамнинг қатл этилгани ҳақида ёзишган. Албатта, бу ёзувчиларнинг ҳаммаси шарқ манбаларига асосланган. Бироқ, бизнинг фикримизча, далилларга муносабатда, уларни ҳолис таҳлил этиш масаласида бу ижодкорлар нотўғри йўлдан боришган. Биз Деҳли жанги олдида асирларнинг қатл қилингани тўғрисидаги маълумотни рад этмоқчи эмасмиз, бироқ мақтуллар сонига аниқлик киритиш Соҳибқирон шахсининг айрим қирраларини ойдинлашиши шубҳасиздир.

Юқорида айтганимиздек, Ғарб шарқшунослари Амир Темур масаласида Шарқ манбаларига таяниб иш кўришган. Шундай экан, эътиборимизни Шарқ манбаларига қаратамиз. Хусусан, бу ҳақда Низомиддин Шомий шундай маълумот беради: “Синд дарёси лабидан то бу манзилга етгунча ғабр кофирлари ва бутпарастларидан иборат юз мингга яқин ҳинду асир тушган... Жорий бўлган ҳукмга биноан асирларни қиличдан ўтказиб,

¹⁵² Мароцци Жастин. Тамерлан. Завоеватель мира. – Москва: Полиграфиздат, 2010. – С.278.

¹⁵³ Ру Жан Поль. Тамерлан. – Москва: Молодая Гвардия, 2007. – С.289.

конини селдек оқиздилар.... Аскарларнинг ҳар ўн нафаридан бирини у юртда қолдирдилар, улар у (ўлдирилган) ҳиндуларнинг хотин-болаларини муҳофазат қилиб турдилар.”¹⁵⁴

Юқоридаги маълумотни ўқиган ёзувчилар Амир Темур қўшинлари Деҳли жанги олдида юз минг асир қатл қилинган деган хулосага келганлар. Аслида ундай эмас. Низомиддин Шомий жанг олдида юз минг асир борлигини ёзган. Асирлар эркак, аёл ва болалардан иборат эди. Зеро бу ўринда асир деганда Низомиддин Шомий шуларнинг барини назарда тутган. Буни асарнинг кейинги ўринларидан ҳам англаш мумкин. Зеро, унда асир деб Низомиддин Шомий эркак, аёл ва болаларни назарда тутди. Қатлга эса фақат жанг қилиш ёшига етган эркаклар етказилган. Аёллар ва болалар ўлдирилмаган. Бу ҳақда Низомиддин Шомий ҳам хабар беради. Юриш пайтида йўл-йўлакай аёллар ва болалар кўпроқ асир тушганлари, яна ҳиндларнинг серфарзанд бўлгани ҳам эътиборга олинса, юз минг асир қатл этилмагани аён бўлади. Агар бир эркак асирга бир аёл ва икки бола ҳисоби қўшилса, қатл этилганлар сони юз минг эмас, балки унинг тўртдан бири, яъни йигирма беш минг қолади. Ваҳоланки, болалар сони кўпроқ бўлган бўлиши керак, чунки Амир Темур қолган аёллар ва болаларни қўриқлаш учун қўшиндаги ҳар ўн сипоҳдан бирини ажратади. Бу тахминан камида ўн минг сипоҳ дегани. Аёллар ва болаларни қўриқлаш учун шунча сипоҳ ажратилар экан, демак, қолган асирлар сони жуда катта бўлганлиги аниқ. Бу масаланинг мунозарали эканига яна бир исбот шуки, ҳинд тарихчиси Яҳё Сирхинди ҳам ўзининг “Тарихи Муборакшоҳ” асарида Деҳлида қатл этилганлар сонини 50 минг деб кўрсатади.

Бундан ташқари ўша даврда ёзилган солномалардаги ҳар бир рақамнинг мутлақо тўғри бўлганига ҳам ишониш қийин. Умуман, солномачилар тарихий воқеани битишда хатоликларга йўл қўйиши мумкинми деган савол туғилади. Масалан, Табризнинг ўша даврлардаги аҳоли сони, шаҳарнинг катта ва ёки кичиклиги ҳақида қолдирилган

¹⁵⁴ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.247.

маълумотлар бир оз шубҳали туюлади. Жастин Мароцци Табриз шаҳрини ўраб турувчи деворнинг узунлиги 25 минг кадам эканини ёзади. (Мароцци бу маълумотни қаердан олгани бизга маълум эмас. Чунки Клавихо Табризни ўраб турувчи девор йўқлиги ҳақида маълумот берган.) Тарихий манбаларга асосланган Мароцци ўша даврда Табризда 1 250 000 киши истиқомат қилган, дейди.¹⁵⁵ Математик жиҳатдан ёндошиб, масалани кўриб чиқсак. Кадам, одим — қадимги узунлик ўлчов бирлиги. Асосан икки жой орасидаги масофани ўлчашда қўлланилган. Қадимги адабиётда 1Қ=1,5 қари эканлиги ёзилган. Агар 1 қарининг 50 см лиги ҳисобга олинса, у ҳолда кадам ўртача 75 см га тенг бўлади. 25000 кадам эса 18750 метрга тенг бўлади. Демак, Табриз шаҳрини ўраб турувчи “девор”нинг узунлиги салкам 19 км бўлган. Ҳисоблаб чиқилса, Табризнинг ер майдони тахминан 27 км квадрат экани аён бўлади. Энди солиштириш учун айрим фактларни келтирамиз. Наманган шаҳрининг ер майдони 82 км квадрат. Аҳоли сони эса салкам 400 000 кишини ташкил этади. Маълумки, Наманган шаҳри аҳолиси энг зич жойлашган шаҳарлардан ҳисобланади. Энди тасаввур қилиб кўрингчи, Намангандан 3 баробар кичик ҳудудга 1250000 одам, яъни 3 баробар кўп аҳоли сиғиши мумкинми? Устига устак Табризда ҳозирги Наманган шаҳридаги каби кўп қаватли уйлар бўлмаган. Демак, тарихий манбаларда бўрттиришлар бўлган. Бунинг исботини Фазлуллоҳ Рашидиддин асарлари ҳам тасдиқлайди. Зеро, унинг ўз ўғлига ёзган мактубидан Табризда XIV асрда тахминан 400-500 минг одам истиқомат қилганини билиш мумкин¹⁵⁶.

Аҳолиси 444000 кишини ташкил этувчи Ҳирот шаҳрининг атрофи 9000 кадамли девор билан ўралган деган маълумот келтиради Жастин Мароцци. Бу 6750 метр дегани. Демак, Ҳирот шаҳрининг ер майдони 3 км² ташкил қилган. Аҳолиси эса Наманган шаҳрининг ҳозирги аҳолиси билан тенг бўлган. Тўғри, Ҳиротнинг атрофида 14 та қишлоқ ҳам бўлган. Бироқ ҳар бир қишлоқда 10000 киши истиқомат қилган деб фараз қилганимизда ҳам

¹⁵⁵ Мароцци Жастин. Тамерлан. Завоеватель мира. – Москва: Полиграфиздат, 2010. – Б.148.

¹⁵⁶ Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Том 1. Рашид-ад-дин и его исторический труд. Вступительная статья И.П.Петрушевского. – Москва: 1952. – С.21.

Ҳиротда яна 300000 киши яшашига тўғри келади. Агар Ҳиротда ўша даврда 6000 ҳаммом, 659 та мактаб ва яна 12000 дўконли бозорлари бўлганини ҳам эътиборга олсак, ва уларнинг ер майдонини ҳисоблаб чиқсак, шунингдек, унга шаҳар кўчаларининг ва уйларнинг ҳам тахминий ер майдонини қўшсак, Ҳиротнинг 300000 кишилиқ аҳолисига яшагани жой қолмайди.

Ана шу маълумотлардан келиб чиққан ҳолда Исфохон воқеаси ҳам муаммони синчиклаб ўрганишни тақазо этади. Низомиддин Шомийнинг ёзишича, Исфохон шаҳри ташқарисида етмиш минг кишининг боши тўпланган¹⁵⁷. Ўша даврдаги бошқа муаррихларнинг фикрлари ҳам шунга ўхшаш.

Эътиборли томони шундаки, кейинги давр Ғарб олимлари ҳам бу борада янгича қарашларни олға сурмоқдалар. Хусусан, француз шарқшуноси Жан Поль Ру Исфохон шаҳрида қатли ом қилинганига ишониб бўлмайди, деб ёзади. Унинг ҳисоблашича, агар шаҳарда жанг қилишга яроқли 70 минг эркак бўлган бўлса, демак яна шунча аёл ва унга 3-4 баробар болалар мавжуд бўлган ва уларнинг қаторига, жангга яроқсиз ёши улуглар, шафқат қилинган саййидлар, уламолар ва ҳунармандларни қўшилса, ҳаммаси бўлиб шаҳарда тахминан 500 минг киши истиқомат қилган бўлиб чиқади.¹⁵⁸ Бундан келиб чиқадики, Исфохон Табриз каби ўта катта шаҳар бўлган бўлиши керак. Манбаларда эса унинг Табризчалик катта шаҳар бўлгани ҳақида маълумот йўқ. Энг қизиқ ери шундаки, Исфохон олти йил ўтар-ўтмас, яъни 1393 йилда ўзига юклатилган солиқни тўлай олган. Эркакларининг 70-80 фоизини йўқотган аҳоли бундай солиқни тўлай олиши амалда мумкин эмасди. Демак, солномаларда қурбонлар сони атайин ошириб кўрсатилган.

Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”сида келтирилган қуйидаги маълумотлар ҳам масалага ойдинлик киритади: “...Амир Ҳожибекким, Сари Буганинг ўғли эрди ва Туманшоҳни Исфохонда қўйди...”¹⁵⁹ Бу ўринда гап

¹⁵⁷ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.141.

¹⁵⁸ Бу ҳақда қаранг: Ру Жан Поль. Тамерлан. – Москва: Молодая Гвардия, 2007. – С.289.

¹⁵⁹ Шарафуддин Йаздий. Зафарнома. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 1997. – Б.115.

Соҳибқирон Исфахонни қўлга киритгандан кейин у ерга янги ҳоким тайинлагани ҳақида бормоқда. Агарда Исфаҳонда қатли ом қилинган бўлса, Амир Темурнинг у ерга янги ҳоким тайинланишидан нима маъни бор эди?! Яна шуни қўшимча қилиб айтиш керакки, Исфаҳон шаҳри 1403 йилда, орадан тўққиз йил ўтиб, Амир Соҳибқироннинг набираси амирзода Рустам мулкининг маркази бўлган. Аҳолиси қатли ом қилинган шаҳар мамлакат маркази бўлиши мумкинми? Фақат қариялари, аёллари ва ёш болалари тирик қолган Исфаҳон тўққиз йил ичида қандай қилиб ўз аҳолисини яна тиклай олди экан?! Демак, бундан англашиладики, Исфаҳон воқеаларида бўрттириб ёзишга йўл қўйилган.

Дамашқ, Бағдод шаҳарларидаги қурбонлар сонига ҳам аниқлик киритиш зарур. Зеро, 1348 йилда Ибн Баттута бу ерларга саёҳат қилганида вабо тарқалгани ҳақида маълумот келтирган. “Вабодан ўлганлар сони кўплигидан шаҳарнинг катта қисми бўшаб қолганини кўрдик”, – деб ёзади Ибн Баттута Ғазза шаҳри ҳақида. Унинг маълумотига кўра Ғазза шаҳрида вабодан ўлганлар сони бир кунда 1200 кишига етган. Ҳимс шаҳрида бир кунда 300 киши, Дамашқда бир кунда 2400, Искандарияда 1080 та, Қоҳирада эса бир кунда 21 минг киши ўлган¹⁶⁰. Бу маълумотга таянадиган бўлсак, Амир Темур босқинига қадар Дамашқ ва унинг атрофидаги шаҳарлар аҳолисининг катта қисмини йўқотиб бўлган. Шундай экан, Бағдодда 90 минг кишининг қатл этилгани ҳақидаги гапларда бўрттирма борлиги аниқ. Ярим аср аввал Бағдодда бўлган Ибн Баттута ҳам шаҳарнинг эътиборни тортишга арзигулик ҳеч нарса қолмагани, ғарбий қисмининг эса харобага айлангани ҳақида маълумот ёзиб қолдирган¹⁶¹. Низомиддин Шомий ҳам Бағдодда 90 минг кишининг қатл этилгани ҳақида маълумот бермаган. Бундан ташқари, унинг ёзишича, қирқ кунлик қамал пайтида Бағдоддан кўплаб одамлар қочиб чиққан ва уларга шафқат қилинган. Яна қанчадир одамлар жангдан кейин

¹⁶⁰ Ибн Баттута. Саёҳатнома. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 2012. – Б. 620-622.

¹⁶¹ Ибн Баттута. Кўрсатилган асар. – Б.227.

асир олинган¹⁶². 90 минг жангчиси қатл этилган шаҳар аҳолиси қанча бўлиши мумкин? 500 мингдан кўп. Ярми хароба Бағдодда шунча одам яшаганига эса ишониб бўлмайди.

Умуман олганда, шарқлик солномачилар кўп ҳолларда бўрттириб, кўпиртириб ёзишга мойил бўлганлар. Зеро, кўшин қудратини ошириб кўрсатиш бўлажак жанглار олдидан руҳан устунликка эга бўлишни таъминларди. Озарбайжон ёзувчиси Юнус Ўғузнинг мана бу гаплари фикримизга бир оз ойдинлик киритади: “У ўзи кечиб ўтадиган йўллар устидаги шаҳарларга, кентларга олдиндан махсус тайёрлаб қўйилган одамларни жўнатарди. Баъзан эса бу фалокатнинг (у ёки бу шаҳар, қалъанинг забт этилиши назарда тутилмоқда – О.Д) шоҳиди бўлган асирларни озод этар, улар орасига ўз одамларини қўшиб қўярди. Асирлар ўзлари бориб етган жойлардаги кишиларга кўрган-кечирганларини сўзлаб беришар, улар ичига кириб олганлар эса бирга ўнни қўшиб гапиришарди. Шу тариқа ваҳима номли қурол кескирлашар, дуч келган одамнинг миясига ва юрагига санчилар эди. Миш-мишлар одамларни бошқарар, ваҳима туфайли эса улар уруш шундоқ бошлари устида кўлка солиб турганини ҳис этардилар. Оқибатда уларда қаршилиқ кўрсатишга мажол ҳам қолмасди”¹⁶³. Фикримизча, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий ва Ибн Арабшоҳ китобларида келтирилган баъзи статистик маълумотларда ҳам ана шундай миш-мишларнинг таъсири бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Аслида Амир Темур қалъа ва шаҳарларни забт этиш жараёнида иқтисодий инфраструктурага зарар еткизмаслик масаласига катта эътибор берган. Шунинг учун ҳам ҳар қандай шаҳар ёки қалъага яқинлашиб келар экан, гарчи тўсатдан ҳужум қилишнинг муқаррар ғалаба келтиришини билса-да, масалани тинчлик йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилган ва кўпинча бунга эришган ҳам. Аксар ҳолларда Соҳибқироннинг шафқатига сазовор бўлган шаҳар ҳокимлари кейинчалик унга бўйин эгишдан бош тортган. Бу

¹⁶² Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.314.

¹⁶³ Юнус Ўғуз. Амир Темур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014 йил. – Б.174-175.

эса бир шаҳарни қайта-қайта ишғол этишни тақазо этган. Бунга мисол қилиб тўрт марта Хоразмга, беш марта Мўғилистонга, икки марта Олтин Ўрдага ва бир неча марта Кавказга қилинган юришларни келтириш мумкин.

Эътиборли томони шундаки, кейинги пайтларда айрим европалик темуршунослар ҳам бу каби масалаларга далилларга асосланиб жиддий ёндаша бошладилар. Хусусан, Ҳарольд Лэмб ва Жан Поль Руларнинг Амир Темур юришлари, шахси ҳақидаги қарашлари ўз касбдошлариникига нисбатан анча фарқ қилади. Жан Поль Рунинг фикрича, Амир Темур юришларида мағлуб шаҳарлардан “фақат қимматбаҳо буюмлар, яъни ишлаб чиқаришда ишлатилмайдиган буюмлар тортиб олинган. Деҳқончилик ва ҳунармандчиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналарга тегилмаган, шунинг учун аҳолининг иқтисодий ҳолати тезда ўнгланиган. Исбот учун: Шероз ва Ҳирот икки марта – биринчи марта икки йилдан сўнг, иккинчи марта олти йилдан сўнг моли омон тўлаган¹⁶⁴. Иқтисодий ҳолатнинг тезда ўнгланиши эса ишчи кучига боғлиқ. Ишчи кучи эса, асосан, деҳқонлар ва ҳунармандлар бўлган.

Бу борада Ҳарольд Лэмбнинг фикрлари ҳам диққатга сазовор. Агар Темур ҳам Чингизхон каби шафқатсиз бўлганида эди, шаҳарларни иккинчи марта ишғол қилмаган бўларди, деб ёзади у.¹⁶⁵

Жан Поль Ру ўтмишдаги солномаларда воқеа ва статистик маълумотларнинг хаддан ташқари бўрттириб кўрсатилганига ўқувчи эътиборини қаратади. Шарқ ва ғарб солномачилари берган маълумотларга таянилса, ер билан битта қилинган, вайрон этилган шаҳарларда Темурийлар даврига қадар қурилган бинолардан асар ҳам қолмаган бўлиши керак. Бироқ Арманистон ва Грузияда Темур давридан эсон-омон ўтган кўплаб меморий обидалар бу гипотезани рад қилади.¹⁶⁶ Дарҳақиқат, Ҳирот жомеъ масжиди, Исфaxonда 1107 йилда қурилган Чехел Дўхтарон минораси, XII аср охирида қурилган Саробон минораси, XIV асрда қурилган Жаъфар мақбараси, VI

¹⁶⁴ Ру, Жан Поль. Тамерлан. – Москва: Молодая Гвардия, 2007. – Б.163.

¹⁶⁵ Лэмб, Гарольд. Тамерлан. Потрясатель вселенной. – Москва: Вече, 2008. – С.319.

¹⁶⁶ Ру, Жан Поль. Тамерлан. – Москва: Молодая Гвардия, 2007. – С.156.

асрда қурилган Али минораси, Исфаҳон жоме масжиди, Бағдодда XIII асрда қурилган Зубайда мақбараси, 1358-1359 йилларда қурилган Хон Маржон қарвонсаройи, XII-XIII асрларда бунёд этилган Аббосийлар саройи, Табризда 1310-1320 йилларда қурилган Алишоҳ жоме масжиди ҳам Амир Темур давридан ўтиб бизнинг замонларгача етиб келган обидалардир.

Шомий, Яздий, Ибн Арабшоҳ каби муаррихлар қолдирган маълумотлардаги айрим ноаниқликлар ҳам кейинги давр шарқшуносларини қалғитиб келмоқда. Хусусан, Ибн Арабшоҳ Дамашқ ҳақида шундай ёзади: “Олов бу улкан шаҳарни кул қилиб замин юзасидан супуриб ташлади”. Агар шундай бўлса, у ерда XIV асрга қадар қурилган бинолардан нишон ҳам қолмаслиги керак, бироқ аслида ундай эмас: ҳозиргача бу шаҳарда XII-XIII асрларда қурилган ўнлаб ҳаммомлар, салжукийлар мадрасалари, Уммавийлар масжиди, гарчи зарарланган бўлса-да, ер юзидан супуриб ташланмаган. Шуниси аниқки, XXI аср бошига қадар Суриянинг Дамашқ ва Ҳалаб (Алеппо) шаҳарларида 22 та мадраса бўлган ва улардан 14 таси Амир Темур бу шаҳарларни қўлга киритишидан олдин барпо этилган. Масалан, Дамашқда ал-Заҳирийя (1215), ал-Шамийя (1190), ал-Қилижийя (1254), ал-Рукнийя (1224), ал-Саҳиба (1245) ҳамда ал-Нурийя (1167) мадрасалари Амир Темур замонидан ўтиб ҳозирги давргача етиб келган. Хўш, шундай экан Дамашқнинг ер юзидан супуриб ташланиши ҳақидаги гап ҳақиқатга тўғри келадими?

Амир Темур салтанатидаги шаҳар ва қишлоқларнинг ҳолатлари ҳақида ёзганда кўпчилик тарихий асарларга суянади. Бироқ ана шу тарихий асарлар ва солномаларда ёзилган шаҳарлардаги вайронагарчиликларнинг ҳаммасини ҳам Амир Темур номи билан боғлаш нотўғри. Ахир у ерларда Амир Темур келгунига қадар ҳам ўзаро урушлар бўлиб турган-ку! Бу ҳақда Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома”сидан ҳам маълумотлар олиш мумкин. Хусусан, Исфаҳон ҳақида у шундай деб ёзади: “Исфаҳон жуда катта ва кўркем шаҳар бўлса-да, бироқ ҳозирда унинг аксарият қисми аҳли суннат ва рофизийлар ўртасидаги фитна-жанжаллар сабабли ҳароб ҳолга тушиб қолган. Улар

ўртасидаги бу низо ҳозирда ҳам тинчимаган бўлиб, кураш ҳамон давом этмоқда.”¹⁶⁷ Куфа шаҳри ҳақида: “...унга узанган душман қўллари ва қўшниси бўлмиш Хафोजа араблари томонидан бузғунга учрагани боис шаҳарда хароблигу вайронагарчилик ҳукмрон.”¹⁶⁸ Арзирум шаҳри ҳақида: “... иккита туркман уруғи ўртасида юзага келган уруш-жанжал сабабли аксарият қисми харобага айланган.”¹⁶⁹ Бурса ҳақида” ... шаҳар тамоман хароб бўлган эди.”¹⁷⁰ “Балх ва Марв вайронага айланган жойлар экан.”¹⁷¹ “Дехли дунёнинг энг катта шаҳарларидан биридир. Биз келганда у бўм-бўш ва харобага айланган бўлиб, фақат баъзи бинолар сақланиб қолган эди, холос.”¹⁷²

Кўриб турганингиздек, бу шаҳарларнинг вайрон ҳолатга келишини биргина Амир Темур номи билан боғлаш нотўғридир.

Айрим ёзувчи ва тарихчиларнинг Амир Темур босиб ўтган йўллардаги вайронагарчиликлар ҳақидаги маълумотларини ўқиб қўқиб кетасиз. Аслида ҳам шундаймикин? Ўша даврда Самарқандга саёҳат қилган Клавихо кундалигини синчиклаб ўрганиб чиқиб, бу маълумотларнинг бўрттирилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, Самарқандга келиш жараёнида Клавихо 23 та шаҳар номини тилга олган. Шулардан иккитасининг вайрон ҳолда эканини ёзган. Бири Шахарипра шаҳри бўлиб, у Амир Темур давридан анча илгари вайрон бўлган бўлса, иккинчиси – Кусакана шаҳрини Тўхтамиш вайрон этгани ёзилган. Арсинг, Асерон, Калмарин, Хой, Каза, Чаускад, Табриз, Миана, Султония, Ксахаркан, Техрон, Васкал, Ягаро, Нишопур ва бошқа шаҳарларда бўлган Клавихо уларнинг вайрон этилгани ҳақида бир оғиз ҳам гапирмаган. Бу шаҳарларнинг 7 таси ҳақида гапирар экан, уларнинг атрофи боғ ва узумзорлар билан ўралганини айтади. Баъзан эса Клавихо бир шаҳардан иккинчисига ўтар экан, чексиз боғ ва узумзорлардан ўтгани ҳақида ёзган. Биз бу шаҳар ва қалъалар номини ўзгартирмай беришга қарор қилдик:

¹⁶⁷ Ибн Баттута. Саёҳатнома. – Тошкент: “Шарк” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 2012. – Б. 203.

¹⁶⁸ Ибн Баттута. Кўрсатилган асар. – Б.221.

¹⁶⁹ Ибн Баттута. Кўрсатилган асар. – Б.302.

¹⁷⁰ Ибн Баттута. Кўрсатилган асар. – Б.311.

¹⁷¹ Ибн Баттута. Кўрсатилган асар. – Б.381.

¹⁷² Ибн Баттута. Кўрсатилган асар. – Б.471.

Арсинг шаҳри. Вайрона эмас. Атрофи чиройли боғлар ва узумзорлар билан ўралган. Шаҳарда кўплаб христиан, арман ва греклар яшайди. Аҳоли кўп. Уйлар, кўчалар чиройли. Асерон шаҳри. Вайрона эмас. Мустаҳкам ва кенг тош девор билан ўралган. Черкови бор. Арманлар кўп. Калмарин шаҳри. Вайрона эмас. Арманлар кўп. Алинга қалъаси. Атрофи боғ. Хой шаҳри. Атрофи боғ. Ишлов берилган далалар. Шаҳар ғишт девор билан ўралган. Вайрона эмас. Арманлар кўп. Кусакана шаҳри. Вайрона. Бироқ Клавихо Кусакана шаҳрининг вайрон этилишини Корамиш (Тўхтамиш) номи билан боғлиқ эканини айтади. Каза шаҳри. Атрофида боғ кўп. Чаускад шаҳарининг атрофида боғ ва узумзор кўп. Улар юрган йўлнинг катта қисми чексиз боғ ва узумзорлардан ўтар экан. Табриз шаҳрини ўраб турувчи деворнинг йўқлигини ёзган. Табриз шаҳри ҳам вайрон этилмаган. Султония. Ўраб турувчи девор йўқ. Атенгала, Хуар қишлоқларида тўхтаган. Секезана қишлоғи. Катта, сув ва боғ кўп. Шаҳаркан (Ксахаркан) шаҳри. Вайрон этилгани ҳақида гап йўқ. Техрон. Чиройли экан. Ҳамма нарсаси бор экан. Ўраб турувчи девор йўқ. Нишопур. Вайрона эмас. Аҳолиси кўп. Атрофида кўплаб суғориш каналлари ва боғлар бор. Хазегур, Оджаджан шаҳарлари ҳам вайрон этилмаган. Буело шаҳри. Вайрона эмас. Аҳолиси жуда кўп. Анкой шаҳри. Атрофи боғ. Узумзор. Вайрона эмас.

Юқорида номлари келтирилган ерлардан Клавихо Амир Темур ортидан изма-из (у билан кўришиш мақсадида) ўтган ва ўз кўзи билан кўрган. Бундан келиб чиқадики, Амир Темур ўз кўшини билан ўтган ерлар ҳамиша ҳам вайрон этилавермаган. Боғ-роғлар кўшин отлари туёғи остида топталмаган.

Демак, Амир Темур лашкари юрган йўлида ҳамма нарсани йўқ қилиб, ер юзидан супуриб кетмаган эканда.

Тарихий манбалардаги ноаниқликлар таъсири нафақат ҳорижлик, балки ўзбек темуршунослари асарларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Амир Темурнинг ўз кенжа ўғли – Шохрухга муносабати ҳақидаги маълумотларга эътибор қаратсак. Шарқ манбаларига асосланган Турғун Файзиев “Амир Темурнинг бу кенжа ўғлига эътиқоди камроқ” бўлгани

ҳақида ёзади¹⁷³. Бироқ бошқа маълумотлар ҳам борки, бунинг аксини кўрсатади. Хусусан, 1392 йилда Амир Темур Чингизхон томонидан вайрон этилган Банокат шаҳрини қайта тиклайди ва уни кенжа ўғли Шохрухнинг шарафига Шохрухия деб атайти. Шуниси аниқки, тарихчилар наздида Шохрухдан юқори қўйилган Жаҳонгир, Умаршайх ва Мироншоҳлар бундай эътиборга сазовор бўлмаганлар. Шу ўринда Шохрух Мирзонинг ўғли Мирзо Улуғбек масаласи ҳам юқоридаги фикрга ойдинлик киритади. Тарихдан маълумки, Мирзо Улуғбекнинг асл исми Муҳаммад Тарағайдир. Лекин нимагадир бу инсон Муҳаммад Тарағай номи билан эмас, балки Улуғбек номи билан аталган. Ўша пайтда туркийларда Улуғбек исми қўйилмаган. Бу исм на Шарафиддин Али Яздийда, на Низомиддин Шомийда ва на Ибн Арабшоҳда туркийлар исми сифатида тилга олинган. Фақатгина Мирзо Улуғбек мана шу номни олган. Улуғбек исми масаласи В.В.Бартольдни ҳам қизиқтирган. У Амир Темурни форс манбаларида амири кабир, амири бузрук рутбалари билан атаганлари ҳақида маълумот беради ва булар туркийдаги улуғ бек рутбасининг таржимаси бўлиши керак, деб айтади. Бироқ нима учун Амир Темургина эга бўлиши мумкин бўлган бу рутбага Улуғбек ҳам эга бўлгани уни ҳам ҳайрон қолдиради ва бу масалада аниқ бир фикр айта олмайди.¹⁷⁴ Амир Темурнинг Шохрух ва унинг ўғли – Улуғбекка бўлган муносабатидаги бу сирли томонлар ҳали илмий тадқиқ талаб этади. Балки шуни назарда тутгандирки, Поён Равшанов ҳам манбаларда Шохрух Мирзо шахсига етарли баҳо берилмаганига ишора қилади¹⁷⁵.

Кўп ҳолатларда шарқшунослар тарихий манбалардаги маълумотларга юзаки ёндашганлар ва масаланинг асл моҳиятига тушуниб етмасдан бу каби фактлардан ўз асарларида бирёқлама фойдаланганлар. Хусусан, Ғарб адабиёти вакиллари Соҳибқиронни мўғуллар авлодидан, деган маълумотга таянадилар.

¹⁷³ Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – Б.298.

¹⁷⁴ Бартольд В.В. Улугбек и его время. – Петроград: 1918. – С.38.

¹⁷⁵ Равшанов П. Амир Темур сулоласи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – Б.441.

Амир Темур шахсига доир аксарият маълумотларда ҳали ҳам аниқлик етишмайди. Хусусан, Ғарб адабиёти вакиллари, шарқшунослари, тарихчилар Соҳибқирон – мўғуллар авлодидан, деган маълумотга таянадилар. Зотан, Европага турк-мўғул қавмлари ҳақидаги форс тилида ёзилган тарихий манбалар аввалроқ маълум бўлган. Бу манбаларда Амир Темур мансуб бўлган барлос уруғи туркий қавмда ҳам, мўғул қавмида ҳам бор эди, яъни аслида турк қавмига мансуб бўлган мазкур уруғ мўғулларга ҳам ўтган. Қолаверса, бу тарих асарлари туркий халқлар хоқонлари сифатида эмас, мўғул қавми хоқонлари келиб чиқишига бағишланган. Жумладан, Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг мўғул Элхонийлар сулоласи саройида ёзган “Жомеъ ул-таворих” асари бу масалада яратилган ана шундай дастлабки тарих асари эди. Амир Темурни мўғул қавмига мансуб деб қараш ана шу қавмнинг, қолаверса, Ўғузхондан келиб чиққан 24 уруғнинг ҳаммасини туркийларга ҳам, мўғулларга ҳам бир хилда нисбат бериш анъанасига асосланган.

Рашидиддин турк-мўғул қавмлари тарихини баён қилар экан, 1-жилднинг 4-бўлимини шундай номлайди: “Илгари лақаби мўғул бўлган туркий қавмлар ҳақида эслатма”. Мана шу бўлимда барлос қабиласига ҳам қаламга олинган¹⁷⁶. Рашидиддин бу қабиланинг Чингизхон давридаги тарихи ҳақида тўхталади, холос¹⁷⁷. Рашидиддин бу асарида айтганидай, Ёфас мўғулларнинг эмас, турк халқининг ота-бобосидир¹⁷⁸. Европа олимлари Амир Темурни мўғул қавмига нисбат беришига сабаб, юқорида айтганимиздай, мўғулларнинг илдизига – турк қавмидан келиб чиққанига эмас, балки XIV асрдаги барлос уруғининг тарихига эътибор қаратадилар. Бунинг оқибатида эса буюк Соҳибқироннинг келиб чиқиши ҳақида нафақат Европада, балки унинг туғилган юртида ҳам чалкашликлар пайдо қилди.

Хорижда шарқшунослар бир овоздан Амир Темурни мўғул қавмига мансуб деб билишади. Хусусан, Ҳилда Ҳукҳем шундай ёзади: “Унинг отаси

¹⁷⁶ Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Том I. – М.: Изд. АН СССР, 1952. – С.189.

¹⁷⁷ Рашид-ад-дин. Кўрсатилган асар, ўша бет.

¹⁷⁸ Рашид-ад-дин. Кўрсатилган асар. – Б.80.

Тарағай Мовароуннахрга Чиғатойлар билан келиб, туркийлашиб кетган барлослар қабиласига мансуб эди”¹⁷⁹. Жан Поль Ру ҳам бу масалада юқоридагидай ғарб олимлари ва ижодкорларининг фикрига қўшилади: “Бу оила ҳақиқатда мўғул бўлиб, тўлалигича туркийлашиб кетган эди”¹⁸⁰. Жастин Мароццининг қуйидаги фикри эса ҳаммасидан ошиб тушади: “Барлослар татар бўлиб, келиб чиқиши мўғул бўлган турк қабиласидир...”¹⁸¹ А.Ю.Якубовскийнинг қарашлари эса қуйидагича: “Мубораххон билан бирга Маворауннахрга бир нечта мўғул қабилалари, хусусан, жалойирлар ва барлослар кўчиб келганлар”¹⁸². Шунингдек, у катъий равишда шундай хулосага келади: “Бу уруғлар Етисувдан маълум даражада туркийлашиб келган. Янги ерларда туркийлашиш жараёни янада тезлашган ва орадан 100 йил ўтар-ўтмас жалойир ва барлослар туркий қабилалар таркибига қўшилиб кетган”¹⁸³.

Ҳақиқатда ҳам барлос уруғи бир аср давомида шунчалик туркийлашиб кетган ва ўзлигини йўқотиб қўйганми? – деган ўринли савол туғилади. Бутун бошли барлос ва жалойир уруғининг қисқа давр ичида ўз тилини унутиб туркийлашиб кетиши бир оз шубҳали кўринади. Ўз-ўзидан ўринли савол туғилади: улар туркийлашиб кетганми ёки ўзи туркий бўлганми? Бу қабилаларнинг, хусусан, барлос уруғининг келиб чиқиши ҳақида Рашидиддин берган маълумотлардан маълум бўладики, Чингизхон давридан олдин ҳам улар қавм сифатида бўлган.

Рашидиддин туркий халқларни икки тоифага бўлади. Биринчиси – “Ҳозирги пайтда мўғул деб аталувчи халқлар, бироқ илгари уларнинг номлари бундай бўлмаган, чунки бу ном улардан анча кейин пайдо бўлган. Бу халқлар турли шахобчаларга бўлинган ва уларнинг ҳар бирининг ўз номи бор: жалойир, сунит, татар, меркит, курлаут, тулас (барлос), тумат, булагачин, кэрэмучин, урасут, тамғалик, таргут, ойрат, баргут, кори,

¹⁷⁹ Ҳукхем, Ҳильда. Етти иклим султони. – Т.: Адолат, 1999. – Б.44.

¹⁸⁰ Ру, Жан Поль. Тамерлан. – М.: Молодая Гвардия, 2007. – С.39.

¹⁸¹ Мароцци, Жастин. Тамерлан. Завоеватель мира. – М.: Полиграфиздат, 2010. – С.13.

¹⁸² Якубовский А. Ю. Тимур//Вопросы истории. 1946. № 8—9. – С.42-74.

¹⁸³ Якубовский А. Ю. Тимур//Вопросы истории. 1946. № 8—9. – С.42-74.

теленгут, урянхай, куриқан, сукаит.” Иккинчиси – “Худди юқорида эслатилган халқлар сингари текисликларда яшовчи яқинда мўғул деб атала бошлаган халқлар... Булар: кераитлар, найманлар, онгутлар, тангутлар, бахринлар, қирғизлар”¹⁸⁴.

Китобнинг иккинчи бўлимида ҳам Рашидиддин худди шу маълумотни яна бир бор таъкидлайди, яъни бўлимнинг номини у шундай деб номлайди: “Ҳозирги пайтда мўғуллар деб аталувчи турк қабилалари хусусида, бироқ кадимда уларнинг ҳар бирининг алоҳида номи бўлган...”¹⁸⁵ Бу турк халқлари ҳақида Рашидиддин яна шундай маълумот беради: “Уларнинг ташқи кўринишлари ва тиллари мўғулларникига ўхшаб кетади, чунки ўша пайтларда мўғуллар турк қабилаларига тегишли халқ бўлган; ҳозирги пайтда уларнинг (мўғулларнинг – О.Д) бахти, куч-қудрати ва буюклиги сабабли қолган барча қабилалар ҳам уларнинг бу *махсус номлари* (таъкид бизники – О.Д.) билан аталади.”¹⁸⁶ Мана шу маълумотлардан ҳам мўғуллар деб аталган туркий қабилаларнинг аслида мўғул эмаслиги аён бўлади. Мўғул ва турк қабилалари, жумладан, барлос қабиласининг ягона илдиздан тарқалгани ҳақида Рашидиддиннинг кузатувлари ва қарашларини энг ишончли, деб қараймиз.

Шу ўринда Рашидиддин келтирган маълумотдаги *махсус ном* жумласи эътиборимизни тортди. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғот ит-турк” асарида ҳам мўғул қабиласининг мавжудлиги ҳақида ҳеч бир сўз айтилмаган. Рашидиддин ҳам ўз китоби аввалида қабилалар номларини келтирар экан, мўғул қабиласи борлиги ҳақида маълумот бермайди. Хусусан, у 26 та туркий қabila номини келтиради. Агар туркий қабилалар орасида тил жиҳатдан алоҳида ажралиб турадиган мўғул қабиласи бўлганда эди, Кошғарий бу ҳақда албатта айтиб ўтган бўларди. Қолаверса, ном жуда кўп масалани ҳал қила олмайди. Жумладан, “чиғатой адабиёти” термини, гарчи Чиғатойнинг номидан қолган бўлса ҳам, асл маъносидан узоқлашиб кетди ва туркий

¹⁸⁴ Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Том I. – М.: Изд. АН СССР, 1952. – С.77.

¹⁸⁵ Рашид-ад-дин. Кўрсатилган асар. – Б.92.

¹⁸⁶ Рашид-ад-дин. Кўрсатилган асар, ўша бет.

адабиётнинг алоҳида оқимини ифодалайдиган терминга айланиб қолди. Европа шарқшунослиги ва туркологияси “чиғатой адабиёти” терминисиз ўзбек адабиётини тасаввур қила олмайдилар. Бу анъана эмас, балки қонуниятга айланиб қолган¹⁸⁷. Амир Темурнинг қабиласи барлосни мўғул қавмига нисбат берганлари сингари, Европа учун ном бир қонуний ҳодиса сифатида қабул қилинган.

Чингизхон атрофидаги қабилаларни енггач, уларни ягона ном остида бирлаштирган. Бу ном эса ўйлаб топилган, албатта. *Мўғул сўзи* мэнгу кол – мангу қўшин, мэнгу эл – мангу эл каби маъноларни берса ажаб эмас. Бу халқнинг келиб чиқиши эса илоҳийлаштирилган. Чингизхоннинг ўзи ҳам аслида қиёт қабиласидан бўлган.¹⁸⁸ Чингизхоннинг отаси Есугей баҳодир ҳам қиёт қабиласидан эди. Есугей баҳодирнинг фарзандлари эса қиёт-бурджигин қабиласига мансуб бўлган. Бурджигин сўзи туркча кўккўз деганидир.¹⁸⁹

Агар юқоридаги маълумотларга таяниб фикр юритадиган бўлсак, Чингизхоннинг ўзи ҳам аслида мўғул бўлмагани аён бўлади. У ё қиёт ёки нукуз қабиласи аъзосидир. Рашидиддин асарида Чингизхон қўл остида хизмат қилганлар, унинг куёвлари ҳақида кўплаб маълумотлар берилган. Қизиқарли ери шундаки, бу инсонларнинг аксарияти туркий қабилаларга мансуб бўлганлар. Чингизхоннинг қариндош-уруғчилиги ҳам деярли туркий қабилалар билан бўлган. Агар ана шу маълумотларни эътиборга олсак, Чингизхон ҳам туркий тилда гаплашган.

Айнан барлос қабиласининг мўғул қавмига мансуб эмаслигини Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” китобида берилган маълумотлардан ҳам англаш мумкин. Зеро, Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: “Арабларда қанча бўлса туркларда ҳам қарийб шунчалик қабил ва гуруҳлар бордир. Ўша вазирлардан ҳар қайсиси бир қабиллага мансуб бўлиб, ўз фикр чироғи билан у қабил уйлариини ёритувчи бир узун пилик мисоли эди. Улардан бирининг қабиласи орлот, иккинчисиники жалоир, учинчисиники қовчин,

¹⁸⁷ Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2016. – Б.66.

¹⁸⁸ Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Том I. – М.: Изд. АН СССР, 1952. – С.155.

¹⁸⁹ Рашид-ад-дин. Кўрсатилган асар, ўша бет.

тўртинчисиники барлос деб аталарди. Темур тўртинчи қабила ўғлони эди”¹⁹⁰. Рашидиддин турк деб айтган жалоир ва барлос қабилалари Ибн Арабшоҳ асарида ҳам ўз исботини топган. Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида барлос, орлот, қўнғирот, жалойир каби қабилаларнинг Чингизхон қўшинига анча кейин қўшилгани ҳақида айтилади¹⁹¹.

Аслида Мовароуннаҳрга Чингизхон қўл остида фақат мўғул қўшинлари бостириб кирмаган. Қўшиннинг жуда катта қисмини туркий уруғлар ташкил этган. Бу ҳақда тарихий манбаларда ҳам маълумотлар мавжуд. Хусусан, Чингизхон томонидан Бомий қалъасига ҳужум қилингани ҳақида “Тўрт улус тарихи”да шундай ёзилади: “Турклар нар аждаҳодек бир ҳамла қилиб, у қалъани осонликча қўлга киритдилар”¹⁹².

“Тарихи Рашидий”да Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг Марғилонга Султон Аҳмад мирзо ва Умаршайх мирзони яраштириш учун ташрифи ҳақида маълумот берилган. “Тарихи Рашидий” муаллифи Муҳаммад Ҳайдар мирзо Дуғлат шундай ёзади: “Эшон ҳазратлари Марғилонга келганда айтган эканлар: “Мен Юнусхонни мўғул деб эшитгандим ва мўғулларни соқолсиз, қилиқлари саҳройилардек тасаввур қилар эдим. Аммо хонни кўрганимда фикрим ўзгарди”¹⁹³. Бундан шундай фикр келиб чиқадики, Хожа Аҳрор Мовароуннаҳрда мўғул қавмини кўрмаган. Юнусхонни кўриб, унинг ўзи тасаввур қилиб юрган саҳройи мўғул эмас, балки туркий эканидан ҳайратга тушади.

Ғарб мамлакатларига Шарқ манбаларининг етиб бориши, уларнинг таржима қилиниши ва улардаги кетма-кетлик европаликларнинг ва, қолаверса, уларнинг маълумотига таянган дунёнинг барча халқларини туркий халқлар ҳақидаги нотўғри тушунчаларга эга бўлишига сабаб бўлди. Хусусан, Яздий, Шомий асарларининг Европа тилларига нисбатан эрта таржима қилиниши, Маҳмуд Қошғарий ва Рашидиддин асарларининг эса

¹⁹⁰ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Т.: Меҳнат, 1992. – Б.72.

¹⁹¹ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б.104.

¹⁹² Мирзо Улуғбек. Кўрсатилган асар. – Б.179.

¹⁹³ Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа АК бош таҳририяти, 2010. – Б.42.

европаликлар эътиборига нисбатан кеч ҳавола қилиниши, қолаверса, кейинги икки муаллиф асарларининг Ғарбда синчиклаб ўрганилмагани мўғуллар ҳақидаги афсонанинг ҳақиқатга айланишига, Амир Темур ва авлодларининг мўғул номи билан боғланишига сабаб бўлди.

Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий каби шарқ муаррихларининг Амир Темур ҳақида ёзиб қолдирган адабий мерослари бирламчи манбалар экани шубҳасиз. Бироқ яна шуниси ҳам аниқки, бу манбалар Соҳибқирон шахси ҳақида якуний хулосалар чиқариш учун камлик қилади. Бу асарларда Амир Темурни Чингизхон аجدодларига, хусусан Оланқувага олиб бориб тақовчи шажара тавсифи берилганки, ҳамма ана шунга асосланган ҳолда Соҳибқиронни мўғул дея сўнгги хулосага келади. Мазкур генеологик афсонанинг ўйлаб топилиши эса шароит тақазоси эди. Зеро, Амир Темур ва унга замондош амирларнинг ҳаммаси тахтга даъвогарлик борасида тенг ҳуқуқли эди. Юқоридаги афсона эса Темурни бир поғона бўлса ҳам бошқа амирлардан юқорироқда туришини таъминлаш учун зарур бўлган. Айниқса, бу афсона оддий халқни бошқариш учун жуда ҳам керак эди. Гарчи Амир Темур тахтга чингизий хонни ўтқазган бўлса-да, бунинг бор-йўғи бир ўйин эканини, ҳокимият Темурнинг қўлидалигини ҳамма амирлар жуда яхши билишган. Шунинг учун аввалига амирларни бошқариш, бирлаштириш қийин кечган. Ҳаттоки, айрим амирлар Амир Темурга суиқасд уюштиришган.

Амир Темур вазиятни жуда тўғри баҳолай билган. Маворауннаҳрни ҳамма тарафдан Чингизхон авлодлари империяси қуршаб турарди. Олтин Ўрда, Мўғулистон, Хитой каби қудратли рақибларни тан олмасдан иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам у тахтга чингизий хонни ўтқозишга ва ўз аجدодларининг ҳам Чингизхон каби Оланқувага бориб тақалиши ҳақидаги афсонани ўйлаб топишга мажбур бўлган. Бу икки нарса уни юқоридаги учта катта душмандан вақтинча бўлса ҳам ҳимоя қилиб турарди. Амир Темур, айниқса, Хитой билан ҳисоблашишга мажбур эди. Зеро, у бу мамлакат қудратини авваллари ғойибона билган бўлса, кейинчалик ўз хуфялари

келтирган маълумотлар орқали жуда яхши билган. Фақат 1405 йилга келиб, у Хитойга қарши етарли даражада қудратга эга эканини англайди. Бу Испания элчиларини хитойлик элчилардан юқори ўтқозишида кўринади. Бу унинг Хитойга қарши юришни бошланишида кўринади.

Бу давргача эса ўйлаб топилган афсонага ҳамма, қолаверса, Амир Темурнинг ўзи ҳам кўникиб улгурганди. Агар Амир Темур чингизийларни чин дилдан ҳурмат қилган бўлса, нега Суюрғатмишни хон қилиб кўтариш маросимини адо этмаган? Маълумки, туркийларда янги тахтга ўтирган хонни оқ ёки қора кигизга ўтқазиб, амирлар бош узра кўтаришган. Суюрғатмиш хонлик тахтига ўтирганда, бу ритуал амалга оширилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Бу эса Амир Темурнинг Чингизхон ёсоқларига амал қилмаганини, унинг қонунларидан ўз манфаатларига мос келган ҳолдагина фойдаланганини кўрсатади.

Мустақиллик даври ўзбек адабиётида ҳам Амир Темур замондошлари қолдирган манбалардаги айрим маълумотларга шубҳа назари билан қараш пайдо бўла бошлади. Хусусан, П.Қодиров ўз асарида шундай дейди: “Амир Темур ҳаётининг ўта масъулиятли бурилиш палласи Шомий томонидан бутунлай тескари баён қилинган”¹⁹⁴.

Китобни жамият ва инсон кўзгуси дейишади. Кўзгуда акс этаётган тасвирлар инсоннинг ташқи кўринишини аниқ ифодалаб бериши мумкиндир, бироқ унинг ички дунёсини тўлақонли ёритиб бера олиши даргумон. Шундай экан, Амир Темур шахси ҳақида маълумот берувчи тарихий манбаларни ўрганиш жараёнида муҳим деб ҳисобланган турли омилларни ҳисобга олиш зарур. Алалхусус, Амир Темур образини яратишни ўз зиммасига олаётган ҳар бир ижодкор барча бирламчи манбаларни жиддий таҳлил этиши, синчковлик билан ўрганиши зарур. Бу ишларни амалга оширишда масалага турли томонлама ёндошув керак. Амир Темур фотиҳлик юришлари олиб борган улкан майдон географияси, демографияси, иқтисоди, тарихи – барча

¹⁹⁴ Қодиров П. Амир Темур сиймоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б.23.

йўналишларда фактларни тўплаган ҳолда натижалар олиниши ва қиёсий ўрганилиши жоиз.

Бундан ташқари, тарихий шахсларга ҳеч қачон оддий инсонлар тўғрисида чиқариладиган ҳукмлар нуқтаи назаридан туриб баҳо бермаслик керак. Тарихий шахснинг ўша давр жамиятидаги ўзгаришларга қай даражада алоқаси бор, бу ўзгаришлар кишилиқ жамиятининг ривожланишига олиб келдими ёки инқирозга сабаб бўлдики, мана шу каби саволларга ҳам жавоб топиш керак ва унга ана шу нуқтаи назардан туриб баҳо бериш жоиз. Ўтмишдаги тарихий шахслар ва воқеаларга XX-XXI аср ижтимоий қарашлари, инсонпарварлик ғоялари асосида баҳо бериш тарих ҳақида нотўғри хулосалар чиқаришга сабаб бўлади. Бу масала Амир Темур шахсияти қирраларини ўрганиш жараёнига ҳам бевосита алоқадор. Амир Темур шахсига ўз даври нуқтаи назаридан туриб баҳо бериш зарур. Зеро, замон ва макон алмашинуви қарашлар ва ғоялар алмашинувига ҳам олиб келади. Олти аср олдин рўй берган воқеалар, ижтимоий-сиёсий вазиятларга ҳозирги замон дунёқараши билан баҳо бериб бўлмайди. Шарқшунос ёзувчи Ҳарольд Лэмб айтганидек, “Бу инсоннинг шахсиятини тўлиқ идрок этиш учун унинг ҳаёт йўлини ўрганиш шарт. Бунинг учун эса Европа тарихи ва замонавий цивилизацияни бир чеккага суриб қўйиш керак бўлади. Темурга у билан ёнма-ён от сурган инсонлар кўзи билан қараш керак”¹⁹⁵. Акс ҳолда фақат бир томонлама қарашлар билан ҳозирги авлод келажак авлод онгида бу буюк инсон ҳақида нотўғри тушунчалар шаклланишига сабабчи бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, жаҳон адабиётида Амир Темур ҳақида ёзилган ҳар бир асар жиддий тадқиқ этилиши, уларни бирламчи манбаларга қиёслаб ўрганилиши, қолаверса, бирламчи манбаларнинг ўзи қиёсий жиҳатдан таҳлил этилиши лозим.

¹⁹⁵ Гарольд Лэмб. Тамерлан. Потрясатель вселенной. – Москва: Вече, 2008. – С.18.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Амир Тему́р жаҳон тарихида. Масъул муҳаррир Ҳ.Кароматов. – Т.: “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001. – 314 б.
3. Бартольд.В.В. Улугбек и его время. – Петроградъ: 1918. – 205 б.
4. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: 1975. - 445 б.
5. Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Фан, 1968. – 41 б.
6. Бородин С. Самарқанд осмонида юлдузлар. Трилогия. Иккинчи китоб. Сафар гулханлари. – Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – 402 б.
7. Бородин С. Самарқанд осмонида юлдузлар. Трилогия. Учинчи китоб. Йилдирим Боязид. –Тошкент: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 432 б.
8. Буслаев Ф. О литературе. Исследования. Статьи. – М.: Художественная литература, 1990. – 512 с.
9. Виппер Ю.Б. Творческие судьбы и история. – Москва: 1991. – 70 с.
10. Гасанов З. Царские скифы. – New York: Liberty Publishing House, 2002. -486 с.
11. Геродот. История. – М.: Научно-издательский центр “Ладомир”, 1993. - 400 с.
12. Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. –Москва. Прогресс, 1977. – 229 с.
13. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: Прогресс, 1979. – 318 с.

14. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979. – 496 с.
15. Загирева О.Е. Творчества Николаса Роу и становление жанра сентиментальной драмы в Англии конца XVII-начало XVIII века. Автореферат дисс...кан.фил.наук. – Киров: 2007. – 23 с.
16. Закирова И. Г. Народное творчество периода Золотой Орды: мифологические и исторические основы. – Казань: АДД, 2011. – 265 с.
17. Ибн Баттута. Саёхатнома. Тухфат ан-нузор фи ғароиб ал-амсор ва ажоиб ал-асфор. Масъул маҳаррир ва муқаддима муаллифи Н.Иброҳимов. – Т.: Шарқ, 2012. – 688 б.
18. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Т.: “Меҳнат” нашриёти, 1992. – 327 б.
19. Караматов.Х. Истоки, оригинал и узбекский перевод трагедии Кристофера Марло “Тамерлан Великий”. Автореферат дисс...кан.фил.наук. А – Ташкент: 1990. – 24 б.
20. Кароматов. Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993. – 96 б.
21. Клавихо Руи Гонсалес де. Дневник путешествия ко двору Тимура въ Самаркандъ. – Санктпетербург: 1881. – 461 с.
22. Кошғарий Махмуд. Девону луғот ит турк том 1. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Т.: ЎзССР Фанлар академияси, 1960. – 500 б.
23. Леви- Брюль Л. Первобытное мышление. – Москва: 1930. – 47 б.
24. Лотман Ю.М. Структура художественного текста. Анализ поэтического текста. СПб., “Азбука”, 2015. - 704 с.
25. Лэмб Гарольд. Тамерлан. Потрясатель вселенной. – М.: Вече, 2008. – 336 с.

26. Марло Кристофер «Тамерлан Великий» пер. с англ. С. Линецкой (Часть I), Е. Полонской (Часть II). – М.: Государственное издательство художественной литературы, 1961. – 205 с.
27. Марло, Кристофер. Сочинения. Комментарии А.Парфёнова. – М.: Государственное издательство художественной литературы, 1961. - 664 с.
28. Мароцци, Жастин. Тамерлан. Завоеватель мира.– М.: Полиграфиздат, 2010. – 445 с.
29. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994. – 352 с.
30. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий.– Т.: Ўзбекистон, 2011. - 704 с.
31. Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Тетралогия. Учинчи китоб. Мироншоҳ Мирзо. – Т.: Шарқ, 2010. – 416 б.
32. Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. 13-том.– Тошкент: Фан, 1997. – 284 б.
33. Навоий Алишер. Садди Искандарий. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. - 265 б.
34. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 528 б.
35. Нурали Қобул. Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамиш. – Т.: Камалак, 2014. – 576 б.
36. Парфёнов А.Т. Кристофер Марло. // Марло К. Сочинения. –Москва: 1960. - 3-40 с.
37. Потанин Г.Н.Восточные мотивы в средневековом европейском эпосе. - Москва, 1899. – 894 с.
38. Равшанов П. Амир Темур сулоласи. –Т.: Янги аср авлоди, 2014. – 651 с.
39. Рашил-ад-дин. Сборник летописей. Т.I. Книга первая. – М.: Изд. Академии наук СССР, 1952. – 222 с.

40. Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари. MUMTOZ SO'Z. – Т.: 2016. – 112 б.
41. Раҳмонов Н. Тарихий давр манзараси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2012. №1.
42. Раҳмонов.Н. Туркий халқлар сеҳрли эртақларида метаморфозанинг мифологик асослари // Ўзбек фольклоршунослигининг долзарб масалалари. Т.: 2018, - Б.5-9.
43. Ру, Жан Поль. Тамерлан.— М.: Молодая гвардия, 2007. – 295 б.
44. Русские народные сказки Сибири о чудесном коне. – Новосибирск: Наука СО, 1984. - 336 с.
45. Рябова, А. А. Осмысление творчества Кристофера Марло в литературоведческих и искусствоведческих трудах А. А. Аникста / А. А. Рябова, Д. Н. Жаткин // Мир науки, культуры, образования. - 2013.
46. Стэнли Лэн Пуль. Мусулманские династии. Москва – Ташкент – Бишкек: Международное издательство “Туркистан”, 1996. – С.194.
47. Тамарченко Н.Д. Точка зрения персонажа и авторская позиция в реалистической драме “Гроза” А.Н.Островского // Русская трагедия: Пьеса А.Н.Островского “Гроза” в русской критике и литературоведении. СПб., 2002. - 145 с.
48. Тамарченко И.Д. Точка зрения героя и авторская позиция в структуре драмы // Филологические записки. – Воронеж, 2000. №15. – С.72.
49. Тамарченко Н.Д, Тюпа В.И, Бройтман С.Н. Теория литературы в двух томах. Том 2. – Москва: 2002. – 360 с.
50. Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.: 1936. - 336 с.
51. Трессидер Джек. Словарь символов. – М.: Торговый дом “ГРАНД”, 1999. – 448 с.
52. Тураев А.Б. Египетская литература. Т.І. - Москва: 1920. – 174 с.
53. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Т.: Ёзувчи, 1995. – 351 б.

54. Холбеков М. Марло ва Шекспир: икки адиб тақдири // Хорижий филология. 2014 йил. №1. – Б. 78-86.
55. Шарафуддин Яздий. Зафарнома. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош тахририяти, 1997. – 364 б.
56. Шахермайр Ф. Александр Македонский.– М.: Терра – Книжный клуб, 1999. – 496 б.
57. Эрматов Б. Амир Темур ғарбий Европа адиблари нигоҳида. Рисола. – Тошкент: Университет нашриёти, 2017. – 148 б.
58. Юнус Ўғуз. Амир Темур. Таржимон У.Қўчқор. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 587 б.
59. Якубовский А. Ю. Тимур//Вопросы истории. 1946. № 8—9. – С.42-74.
60. Ўзбек халқ эртаклари. 1-jild. – Toshkent: O'qituvchi nashriyot matbaa ijodiy uyi, 2007. - 384 в.
61. Ўзбек халқ эртаклари. 2-jild. – Toshkent: O'qituvchi nashriyot matbaa ijodiy uyi, 2007. – 384 в.
62. Қаюмов А. Садди Искандарий. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. - 116 б.
63. Қодиров Пиримкул. Амир Темур сиймоси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 247 б.
64. Қозоқбой Йўлдош. Олимнинг насри // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011 йил. №1.
65. Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. – Тошкент: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – 356 б.
66. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти – Т.: . “Фан” нашриёти, 1996. – 147 б.

67. Ҳамроева М.А. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин(Амир Темур образининг насрий талқини). Филол.фан.ном.дис. автореф. –Термиз, 2008. - 26 б.
68. Ҳамидова М. Жаҳонгирнинг ўзига хос талқини // Навоий. Садди Искандарий. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б.6.
69. Ҳолбеков М. Марло ва Шекспир: икки адиб тақдири //Хорижий филология. 2014 й. №1 – Б. 78-86.
70. Ҳукҳем, Ҳильда. Етти иқлим султони. – Т.: Адолат, 1999. - 319 б.
71. Bartels, Emily C. Spectacles of Strangeness: Imperialism, Alienation and Marlowe. – Philadelphia: U of Pennsylvania P, 1993. - 254 p.
72. Beal, Nathaniel, Let us March Against the Fires of Heaven: Tamburlaine, Marlowe and Atheism (2008). Speech & Drama Honors Theses. Paper 3. http://digitalcommons.trinity.edu/speechdrama_honors/3
73. Brotton, Jerry. This orient isle. Elizabethan England and the Islamic world. – London: Penguin Random House, 2016. - 358 p.
74. Burnett, Mark Thornton. Tamburlaine: An Elizabethan Vagabond // *Studies in Philology*. 1987. № 94.
75. (Cherefeddin Ali). Histoire de Temur-Bec, connu sous le nom du Grand Tamerlan, Empereur des Mogols et Tartares. Ecrite en Persian par Cherefeddin Ali, natif d'Yesd, Auteur contemporain. Traduite en Francois par feu M.Petis de la Groix. – Paris: 1722.
76. Clark, Donald B. The Source and Characterization of Nicholas Rowe's Tamerlane // *Modern Language Notes*. 1950. №65
77. Comparative literature: method and perspective. Ed.Horst Frenz and Newton P. Stallknecht. – Carbondale: Southern Illinois University press, 1961. - 270 p.

78. Degenhart.M. Tamerlan in der Literatur des westlichen Europas. – Munich: Braunschweig, 1909. - 145 p.
79. Dunn, Jane. Elizabeth and Mary: Cousins, Rivals, Queens. – London: Harper Collins, 2003. - 430 p.
80. Ellis-Fermor U.M. Christopher Marlowe. – London: 1927. - 215 p.
81. Froggatt, P. The Albinism of Timur, Zal, and Edward the Confessor // *Medieval History*.1962. № 4.
82. Gortazar, Isabel. Tamburlaine's sonnets. The Marlowe Society Research Journal - Volume 06 – 2009. Online Research Journal article.
83. Greenblatt, Stephen. Marlowe and the Will to Absolute Play. – Chicago: U of Chicago P, 1980. - 150 p.
84. Hans, Schiltberger. Reisen des Johannes Schiltberger aus munchen Europa, Asia und Afrika von 1394 bis 1427. – Munchen: 1859. - 300 p.
85. Hans, Schiltberger. The bondage and travels of Johann Schiltberger, a native of Bavaria, in Europe, Asia and Africa, 1396-1427. trans. By J.Buchan Telfer. – London: 1879. - 320 p.
86. Healy, Thomas. *Christopher Marlowe*. – Plymouth: Northcote House, 1994. - 145 p.
87. Helmy, N. Mahmoud. L'Ascesa di Barquq e la Presa di Damasco di B.Mignanelli. – Pisa: 2013. - 412 p.
88. Hopkins, Lisa. "'Dead shepherd, now I find thy saw of might': Tamburlaine and the uses of Pastoral." *Research Opportunities in Renaissance Drama* 35 (1996).
89. Hopkins, Lisa. "And shall I die, and this unconquered?: Inverted colonialism. Early Modern Literary Studies.2.2. (1996): 1.1-23 [URL:http://purl.oclc.org/emls/02-2/hopkmarl.html](http://purl.oclc.org/emls/02-2/hopkmarl.html).)
90. Hutchings, Mark. "Marlowe's 'Scourge of God'" Notes and queries 51 (2004): 244-247.

91. (Ibn Arabshah). Ahmad ibn Muhammad. L'Histoire du Grand Tamerlan ... Nouvellement traduite en francais de l'arabe d' Acchmed fils de Gverapse, par M.Pierre Vattier. – Paris: 1658.
92. Institutes political and military. Trans. into English by Major Davy. – Oxford: Clarendon press, 1783. - 530 p.
93. Izard, Thomas C. "The Principle Source for Marlowe's Tamburlaine." *Modern Language Notes* 58 (1943): 411-417.
94. Kelly, Michael J. Christopher Marlowe and Golden Age of England. *The Marlowe Society Research Journal*, №05, 2008
95. Kocher, Paul H. "Marlowe's Art of War." *Studies in Philology* 39 (1942);
96. MacCaffrey, Wallace T. Elizabeth I. New York: 1993. - 105 p.
97. Manz, Beatrice Forbes. "Tamerlanes Career and Its Uses", *Journal of World History* 13, №1.(2002), 1-25.
98. Marlowe Christopher. *Tamburlaine the Great*, ed. by J. S. Cunningham. – Manchester: Manchester University Press, 1981. - 70 p.
99. Marlowe Christopher. *Tamburlaine the great*. – New Haven: Yale university press, 1919. - 59 p.
100. Marquis, Liane. *Marlowe, Tamburlaine and the Demise of Traditional Elizabethan Monarchy*. Senior Honors Thesis. April 25, 2006. p.41. <http://handle.net/2047/d10001517>
101. Meg F. Pearson. *Spectacle in early modern English drama*. Dissertation submitted to the Faculty of the Graduate School of the University of Maryland, College Park in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy. 2006.
102. Mexia, Pedro. *Silve de varia leccion*. – Madrid: 1673. - 571 p.
103. Miller, Howard. *Tamburlaine: Migration and Translation in Marlowe's Arabic Sources*. In *Travel and Translation in the Early Modern Period*. Ed. Carmine Di Biase (Amsterdam and New York: Rodopi, 2006), pp. 255-266;

104. Nicholl, Charles. *The Reckoning: The Murder of Christopher Marlowe*. – London: Jonathan Cape, 1992. - 130 p.
105. Oriens. Vol. 9, No 2 (Dec 31, 1956), - 201-232 pp.
106. Patterson, Benton Rain. *With the Heart of a King: Elizabeth I of England, Philip II of Spain, and the Fight for a Nation's Soul and Crown*. 1st ed. – New York: St. Martins Press, 2007. - 210 p.
107. Pearce, T.M. "Tamburlaine's "Discipline to his Three Sonnes": An Interpretation of *Tamburlaine, Part II*." *Modern Language Quarterly* 15 (1954): - 18-27 pp;
108. Riggs, David. *Marlowe's Quarrel with God*. Ed. Paul Whitfield White. AMS Press. – New York: 1988. - 216 p.
109. Roux, Jean-Paul. *Tamerlan*. – Fayard, 1991. - 380 p.
110. Rowe, Nicholas. *Tamerlane*. Introductory remarks by Mrs. Inchbald. William Savage printer. – Dublin, 1750. - 90 p.
111. Ruy Gonzalez de Clavijo. *Vida y hazanas del gran Tamorlan*. Mss. 18050. Biblioteca nacional de Espana.
112. Sales, Roger. *Christopher Marlowe*. Macmillan. – Basingstoke: 1991. - 10 p.
113. Samia AL-Shayban. In Search of James II: Bajazet's Figurative Presence in Nicholas Rowe's *Tamerlan*. *Dirasat, Human and Social Sciences*, №36, No. 1, 2009.
114. Samira Al-Khawaldeh. *Marlowe's Doctor Faustus: A Postcolonial Reading*. *Jordan Journal of Modern Languages and Literature* Vol. 2 No.1, 2010, - 29-41 pp.
115. Scott, Jeffrey. *The Marlowe Society Research Journal*. № 5. 2008.
116. Sela, Ron. *The legendary biographies of Tamerlane : Islam and heroic apocrypha in Central Asia*. Cambridge University Press. 2011. - 166 p.

117. Sennett H.H. Jr. Nicholas Rowe's writing of woman as feminist hero. A dissertation submitted to the graduate faculty of the Louisiana State University and Agricultural and Mechanical College in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy. 2002.

118. Shepherd, Simon. *Marlowe and the Politics of Elizabethan Theatre*. Harvester. – Brighton: 1986. - 118 p.

119. Schiltberger, Johann. The bondage and travels of Johann Schiltberger. – London: 1879. – P.28.

120. Saunders, Charles. Tamerlane the Great. – London: 1681. - 61 p.

121. Walter J. Fischel. A New Latin Source on Tamerlane's Conquest of Damascus (1400/1401): (B. de Mignanelli's "Vita Tamerlani" 1416). *Oriens*, № 9, No. 2 (Dec. 31, 1956), - 201-232 pp.

122. Whetstone, George. The English Myrror, – London: 1586. - 95 p.

123. Wilson, Brett. Jane Shore and the Jacobites: Nicholas Rowe, the Pretender, and the National She-tragedy // *ELH*. 2005..

124. Wilson, Richard. Visible Bullets: Tamburlaine the Great and Ivan the Terrible // *English Literary History*. 1995. №62.

125. Zunder, William. *Elizabethan Marlowe*. Hull Unity P. – Hull: 1994. - 140 p.

МУНДАРИЖА

Кириш	7
Ғарб тарихий-адабий контекстида Амир Темур сиймосининг шаклланиши	8
Инглиз адабиётида Амир Темур образи: эпик анъана изидан	21
Эпик анъаналардан реалистик талқин сари	58
Ғарб адиблари ҳужжатли романларида Амир Темур сиймоси	80
Фойдаланилган адабиётлар	114

Илмий нашр

ОЛИМ ДАДАБОЕВ

АМИР ТЕМУР ҒАРБ АДАБИЁТИДА

Монография

Мухаррир:
Техник муҳаррир:
Мусахҳих:

Алишер ЖЎРАЕВ.
Никита ТИХОНОВ.
Мадина МАМАЖОНОВА.

Теришга берилди 2.12.2021 йил.
Босишга рухсат этилди 15.12.2021 йил.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. Ҳажми 7,67 босма табок.
Times New Roman гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Адади 100 нусха. Баҳоси келишилган нархда.



«USMON NOSIR MEDIA» нашриёти.
Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36.
Нашриёт тасдиқнома рақами: 1743
2020 йил 30 сентябрда берилган.
Тел.: +998-93-050-28-72.

«UAS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 72-уй.



ISBN 978-9943-7739-7-4



9 789943 773974